



ГУЛИСТОН

2
1982

Ковчо

Виз №2





Суратда: Улуғ Ватан уруши ветеранлари (чапдан ўнганга)—истеъфодаги полковник Ғайбулла Назруллаев, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, истеъфодаги полковник Ботир Бобоев, медицина фанлари кандидати, профессор Муқаддам Ашрапова, собиқ разведкачи-радист Роза Иброҳимова, истеъфодаги полковник Ҳақим Усмонхўжаев.

Н. ШАРИПОВ фотоси



Уртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

Сиз етмиш беш ёшга тўлган кунда биз Сизга, ўртоғимиз ва дўстимизга энг самимий табриклар билан мурожаат этиб, Сизни Ватанимиз юксак мукофоти билан астойдил муборақбод қиламиз.

Мамлакатимизнинг совет даври тарихидаги энг муҳим босқичлар — Сизнинг таржимаи ҳолингиздаги босқичлар ҳамдир. Янгилиги жиҳатидан мисли кўрилмаган ҳамма улуг ишларда — коллективлаштириш, индустриаллаштиришда, социализм негизларини барпо этишда Ленин мактабидан сабоқ олган коммунист Леонид Ильич Брежнев меҳнатининг улуши бор. Сизнинг атоқли сиёсий раҳбарга хос қобилиятингиз ўша пайтдаёқ намоён бўлган эди. Сиз жанговар меҳнатни ҳам мукаммал билиб олдингиз. Урушнинг биринчи фожияли кунидан бошлаб шонли Ғалаба кунигача Сиз ҳаракатдаги армия сафларида бўлдингиз, гитлерчи босқинчиларга қарши қаҳрамонона жанг қилдингиз. Халқ хўжалигини қайта тиклашда, тилларда дoston бўлган қўриқ эпопеясида, дунёда биринчи космик тадқиқотларни ташкил этишда, бошқа катта-катта зафарларни қўлга киритишда қатнашганлигингиз ҳаёт йўлингизнинг шонли босқичлари бўлиб қолди.

Сизнинг меҳнат фаолиятингиз олтимиш йил муқаддам бошланган эди. Эллик йилдан бери Сиз Коммунистик партия сафида турибсиз. Сизнинг: «...Ҳаётимнинг ҳанси бир куни Коммунистик партиямиз, Советлар мамлакатимиз амалга ошириб келган ва амалга ошираётган ишлардан ажралмасдир» деган сўзларингиз чинакам ҳаққоний сўзлардир.

Совет халқининг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш Сизга, совет халқи шонли фарзандига ҳаминша хос фазилат бўлиб келди. Сиз ҳар бир масалани одамларнинг манфаатларини кўзлаб ҳал этиб келдингиз ва бошқаларни ҳам шундай қилишга ўргатаясиз.

Леонид Ильич, Сиз одамларни уюштириш, уларни аҳиллик билан коллектив ишлашга руҳлантириш санъатини эгаллаб олгансиз. Сиз ҳар бир ўртоқнинг қобилиятини пайқаб олиб, уни энг яхши тарзда ишга солишдек нодир истеъдод соҳибдирсиз.

Сиз у ёки бу муаммолар билан шуғулланар экансиз, беҳуда шошма-шошарликка йўл қўймайсиз, ишнинг бутун моҳиятини билиб олишга интиласиз. Сиз чуқур ғоявийликни, марксизм-ленинизм идеалларига садоқатни ҳар қандай қолюқликка, турғунликка нисбатан муросасизлик билан қўшиб олиб борасиз. Бу эса КПСС Марказий Комитетининг ишига, бутун партиямизнинг фаолиятига доимо ижодий омил бахш этмоқда.

Мана, 17 йилдирки, Сиз КПСС билан Совет давлатининг сиёсатига ҳал этувчи ҳисса қўшяпсиз.

Леонид Ильич, Сиз субъективизм ва волюнтаризмни барта-раф этишда, партияд ва мамлакатда соғлом маънавий-сиёсий муҳит вужудга келтиришда тарихий хизмат қилдингиз. Одамларни эҳтиёт қилиш, ҳар қандай адолатсизликка нисбатан муросасиз бўлиш, ишонч ва талабчанлик, ишчанлик ва дадил изланишлар —

Совет Иттифоқи Коммунистик
партияси Марказий Комитети

СССР Олий Совети
Президиуми

СССР Министрлар
Совети

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси, Совет Иттифоқи Маршали ўртоқ Леонид Ильич Брежневни Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин юлдуз» медали билан мукофотлаш тўғрисида

Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ишида Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги жуда катта хизматлари, Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабага, урушдан кейинги даврда СССР халқ хўжалигини қайта тиклаш ва янада ривожлантиришга шахсан қўшган катта ҳиссаси, тинчлик йўлида курашдаги тинимсиз фаолияти учун, коммунистик қурилишга самарали раҳбарлик қилаётганлиги учун ва туғилган кунига етмиш беш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий

жамиятимизда ҳукмрон услуб бўлиб қолди. Леонид Ильич, бу услубни коммунистлар тўла асосли равишда Сизнинг фаолиятингиз билан боғлиқ деб билмоқдалар.

Совет давлати системасини янада ривожлантириш, социалистик демократияни чуқурлаштириш соҳасидаги катта-катта тадбирлар Сизнинг ташаббусингиз билан амалга оширилди. Мана шуларнинг ҳаммаси 1977 йилги СССР Конституциясида ўз ифодасини топди, бу Конституцияни ҳозирги замоннинг энг буюк демократик ҳужжати деб тўла асос билан айтиш мумкин.

Сизнинг саноатни ва қишлоқ хўжалигини интенсивлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат маданиятини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш тўғрисида белгилаб берган йўл-йўриқларингиз барча меҳнаткашларнинг ҳаракат платформаси бўлиб қолди. Сиз жамиятнинг маънавий бойликларини қўлай-тиришга, илм-фан, маданият, санъатни ривожлантириш учун ғоят қўлай шарт-шароитларни яратишга нақадар катта аҳамият бераётганингиз яхши маълум.

Ун йилликлар давомида Сиз давлатимизнинг мудофаа қобилиятига жуда катта эътибор беряпсиз ва Мудофаа Кенгашининг Раиси бўлиб, совет халқининг, унинг дўстлари ва иттифоқчиларининг тинч меҳнати пухта равишда таъминданишига эришдингиз.

Ҳамма китъалардаги юз миллионлаб кишилар Сизни халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик ишининг жонкуяр курашчиси деб яхши биладилар. Сиз жаҳон сиёсатида янги уфқлар очган КПСС XXIV, XXV ва XXVI съездлари Тинчлик программаларининг ижодкорисиз. Бизнинг давримизда тинчликни мустаҳкамлаш учун Сиз каби шу қадар кўп иш қилган бошқа бирон давлат ва сиёсат арбоби йўқ. Халқаро кескинликни юмшатиш сиёсати Сизнинг номингиз билан боғланган. Бу сиёсатни ва Сизнинг жаҳон ракета-ядро уруши хавфига қарши олиб бораётган тинимсиз фидоқорона курашингизни совет кишилари тўла-тўқис қўллаб-қувватламоқдалар, Ер юзидаги барча халқлар кенг миқёсда маъқулламоқдалар.

Улуғ Ватанимизнинг равнақи учун, коммунизм ғояларининг тантанаси учун Сиз қилган ва ҳар куни қилаётган ишлар бебаҳодир. Сиз КПСС XXVI съездда коммунистлар олдига, барча совет меҳнаткашлари олдига янги катта вазифалар қўйдингиз. Озиқ-овқат, энергетика программалари ҳамда мавжуд қийинчиликларни тугатиши ва халқ манфаатларига, унинг бахт-саодатига самарали хизмат қилиши лозим бўлган бошқа программалар ишлаб чиқилмоқда.

Азиз Леонид Ильич, биз мамлакатимиз коммунистларининг, барча совет кишиларининг фикр-уйлари ва ҳис-туйғуларини ифода-лаб, Сизга чин кунгилдан сиҳат-саломатлик, битмас-туганмас куч-ғайрат ва руҳий бардамлик тилаймиз. Сизнинг сиёсий дониш-мандлигингиз, раҳбарга хос бой тажрибангиз бундан буён ҳам партиямиз билан халқимизнинг манфаатларига, тинчлик ва социал тараққиёт ишига хизмат қилаверишига ишончимиз комил.

Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси, Совет Иттифоқи Маршали ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин юлдуз» медали билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари
В. КУЗНЕЦОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1981 йил, 18 декабрь.

ГБ УЗССР
ИД

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «ЭСДАЛИКЛАР» И ҲАҚИДА СЎЗ

Сарвар АЗИМОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар союзи
раёнидаги биринчи секретари

Леонид Ильич Брежневнинг янги асари — «Эсдаликлар» китобини халқимиз самимият билан қарши олди. Биз ёзувчилар, республикамиз бўйлаб қилган ижодий сафарларимиз давомида бунга яна бир қарра амин бўлдик. Ҳақиқатан мазкур асар меҳнат кишилари — ишчи, деҳқон, халқ зиёлисининг ҳаётини «ипидан игнасиғача» пухта билган, катта ҳаётий тажрибага эга инсон томонидан содда, доноларча ва ўта тушунарли тилда ёзилган. «Эсдаликлар»нинг ҳар бир қисми — ҳақиқатнинг айнан ўзгинаси бўлиб, одамларни ҳалолликка, садоқатга ўргатади, ҳаётни севиш ва унинг учун курашларга чорлайди. Ватан туйғуси тўғрисида, ватанпарварлик, ўз халқи ва юртига меҳр-оқибат ҳақида бу қадар ҳароратли сўз-

лар битилган бирорта асарни сўнгги пайтларда совет адабиётини яратилган китоблар орасидан топиш мушкул.

Тошкентда бўлиб ўтган тантанали адабий кечалардан бирида мен Леонид Ильич Брежневнинг «Эсдаликлар» китобидан қуйидаги жумлаларни ўқиб бердим: «Бировга ваъда бердингми, албатта сўзингнинг устидан чиқ, Шубхалансанг, тўғрисиини айт, кўрсанг, қўл урма, лекин бир ишга қўл урдингми, кўрқма. Агар ҳақ эканлигинга ишонинг қимил бўлса — охиригача туриб бер». Зал бу сўзларни қарсақлар билан олқишлади. Чинакам инсон характери хос бўлган бу сифатлар тингловчиларга ни-

ҳоятда тушунарли эди. Уларнинг нигоҳларида қувонч учқунлари ва ўйчанлик зоҳир эди. Мен «Эсдаликлар»ни саҳифама-саҳифа ўқишим мумкин ва одамлар вужудларини жон-қулоққа айлантириб тинглашга тайёр эдилар.

Ўзбекистон ёзувчилари республикамиз областлари бўйлаб сафарларидаги учрашуларда ленинчасига доно, брежневчасига зиёбахш «Эсдаликлар» китоби ҳақида илҳом билан сўз юритмоқдалар.

Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлари» кўп миллатли совет адабиёти равақига қўшилган катта ҳисса ва буюк коммунистик идеалларимиз учун курашда ўқир қуроладир.

ДАВРИМ — ДОВРУГИМ

Турди ХАЙРУЛЛАЕВА,

Ленин ордени навалери, Коммунистик районидagi «Политотдел» колхозининг пилаччилик бригадир

Радиоде, телевизорда «Эсдаликлар» ўқиб эшиттирилаётганида бутун оиламиз жам бўлиб тингладик. Очиги, асардаги кўпгина гаплар мен ҳақимда, ҳар биримиз тўғримида айтилгандек туюлаверди. Ай-

ниқса, она ҳақидаги фикрлар мени тўлқинлантириб, вужудимга аллақандай илқилик, ҳарорат бағишлади. Ўз азиз волидасини чинакамга ҳурматлаган фарзандимга онани шундай самимият билан эслаши мумкин. «Биз аҳил, хушчақчақ ашардик, уйимиздан меҳмон аримасди, қўшиқлар, сўхбатлар ярим тунгача тинмасди,— деб эслайди Леонид Ильич болалик йилларини.— Албатта, бу хушчақчақлик, бу ширин дамлар парванаси она—Наталья Денисовна эди».

Октябрь туфайли бахтли оналик гаштини сурялмас. Табиий, бу бахт ўз-ўзидан қўлга киритилмади. «Эсдаликлар»да ёзилганидек, унга кураш ва қурбонлар эвазига муяссар бўлдик. Қишлоғимизда Орзи

Исмоиловани ким танимайди! Бу қаҳрамон аёл босмачилар билан жанг қилди, колхоз қурилган кунлар гувоҳи бўлди. Бола-чақа ўстириб, оналик бахтини сотди. Фарзандлари ҳам ўсиб, камол топиб, меҳнат-каш, ҳалол, пок одамлар бўлиб етишишди.

Узоққа бормай, ўғлим Мамасиддиқ оналасини олай. Келиним Робия ўн фарзанд ўстирди. Эл-юрт уни қаҳрамон она деб ардоқлайди. Шу эмасми замонамизнинг энг мўътабар бир нишонаси!

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» асарида шу буюк бахт, шу қувончли кунларга етиш учун халқимизнинг олиб борган матонатли кураши юксак маҳорат билан тасвирланган. Бу асар биз учун чинакам ҳаёт дарслигидир.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадиий журнали

№ 2 (384)

Февраль

1982

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

ЗАМИНГА МЕҲР

Лазиз ҚАЮМОВ,

Ҳамама номидagi ЎзССР Давлат
мунофоти лауреати, профессор

Леонид Ильич Брежнев бугунги кунда ер юзидаги энг ёрқин сиймодир. Яқинда тараққийпарвар инсоният унинг етмиш беш ёшга тўлишини зўр ҳурмат ва самимият билан нишонлади, жаҳонда барқарор тинчлик учун курашдаги улкан фаолиятига янги муваффақиятлар тилади.

Бундай улғу зотларнинг шахсига, ҳаётига, тажрибаси ва таълимига бўлган қизиқиш жуда катта. Ана шу ҳолатда Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» асари худди аввал эълон қилинган «Кичик ер», «Тикланиш», «Кўриқ» китоблари каби дарҳол бутун инсониятнинг диққатини ўзинга тортади ва энг машҳур асарлар қаторидан ўрин олди.

Мазкур асар аввало китоб муаллифи туғилиб ўсган даврнинг энг тўғри ва энг ишонарли тасвирини берганлиги билан диққатга сазовор. Л. И. Брежнев тасвирлаган Россиянинг жанубидаги инқилобдан аввалги давр ишчилар синфининг ҳаёти ва кураши В. И. Лениннинг «Россияда капитализмнинг тарақ-

қийси» китобида таърифланган ҳаёт ва унга Серилган ижтимоий баҳони тўла тасдиқлайди, ўша фикрларга ёрқин иллюстрация бўла олади.

Авторнинг ёшлиги, отасининг заводдаги фаолияти каби эпизодлар ўқувчига А. М. Горькийнинг «Она» романида, «Артомоновлар иши» асарида тасвирланган рус ишчилари ҳаёти ва курашини ёдга солади. Хотира шаклида ёзилган бу асар айни вақтда фақат ҳаёт ҳақиқатини, автор кўрган-кечирганларининг баён қилгани учун жуда ишонарлидир.

«Шундай қилиб, миллати бўйича русман, ижтимоий келиб чиқишим туб пролетар, металлург авлодиданман», деб ёзади ўртоқ Л. И. Брежнев. Мана шу меҳнат кишисининг улуғлигини кўрсатиш, ишчилар синфининг хўжайинлардан маънавий устулигини тўғри тасвирлаш, умуман, меҳнат поэтикасини намойиш қилиш жиҳатидан мазкур асар энг юксак таҳсига сазовор.

эди А. М. Горький. Чиздан ҳам шундан. Ана шу янги инсоннинг эски туғилмада туғилиб оғайна этиши, ҳақиқатни илғаш ва уни Ленин ғояларидан толганлигини Л. И. Брежнев уч-тўрт конкрет мисол орқали ҳаққоний очиб берган. У Бабушкин, Петровский, Вилонов сингари ёш жиҳатдан ўзидан улғуроқ революционерларнинг хизматларини, айна вақтда уларнинг ёш авлодга ўтказган инқилобий таъсирини асосли қилиб сўзлаб беради.

1917 йил инсоният тарихида айрича аҳамиятга эга. Шу йилнинг феврели ва октябри ҳақида жуда кўп илмий ва бадиий асарлар ўқиганмиз. Улар ана шу даврнинг инсон онгидаги образлари гавдалантиради. Л. И. Брежневнинг мазкур мавзудаги хотиротлари ўша образни ёш ишчи нуқтаи назаридан келиб чиқиб, янги деталлар билан тўлдирди. Тўстдан бе-вақт ўкириб юборган завод гудоги вақт иккига бўлинганидан, янги даврга янги ҳисоб очилганидан дарак берган эди. Бу завод гудогини рамзий маънода «Аврора» залпининг акс-садоси дейиш мумкин. Л. И. Брежневнинг ёшлик йиллари эса худди шу рамз туйфайли завод гудогага ҳамоҳанг ҳаёт сифатида ўқувчи томонидан қабул қилинади.

Агар «Эсдаликлар» китобининг биринчи қисми авторнинг ўзи ҳам, отаси ҳам мансуб бўлган ишчилар синфи, унинг тарих ва инқилобдаги буюк етакчи роли, пок маънавий қиёфаси ҳақида воқеий ҳикоя бўлса, иккинчи қисм янги тушунча — Ватан туйғусининг таърифи ва тарихидан баҳс қилади. «Ҳаммамизда ҳам Ватан туйғуси жуда кучли. Ажойиб туйғу! Бу туйғу заминимизнинг гўзаллигини ҳис этиш билангина туғилмайди, албатта. Донолар айтганидек, бу заминга вужуд-вужудинг билан сингиб кетишинг керак. Инсон заминда обдон тер тўкиб, меҳнат қилиб, галла ўстиради, шаҳар бино қилади, янги йўл қуради ёки шу заминни ҳимоя қила туриб, унда оқоплар қазийди, ана шундагина у Ватан нималигини мағзи-мағзигача тушуниб етади», деб ёзади Л. И. Брежнев. Худди шу фикрларнинг амалий мисоли автор биографиясидир. «Эсдаликларнинг бу бобида автор мисолида биз 20-йиллар комсомолларнинг, 30-йиллар коммунистларнинг, социалистик тузум фидойиларининг энг ёрқин образини кўрамиз, тинимсиз кураш ва меҳнат қаҳрамонлари билан танишамиз.

Лирик қаҳрамоннинг Ватан туйғусини умумлаштириб, Л. И. Брежнев шундай самимий сўзлар битади: «Табииатим ўзи шунақа шекилли: қаерда ишламайин, ўша жойларнинг ҳаммасини ҳозир ҳам севаман, она юртим деб биламан. Бугдойзорлар орасидаги укран оқ-яшил қишлоқлари ҳам, кўзга ташланмайдиган, аммо қалбингни ром этувчи белорус манзараларининг гўзаллиги ҳам, Молдавиянинг гуллаб турган саховатли бог-роғлари ҳам, Қозғистоннинг айниқса баҳорда лола ва лолақизғалдоқлар гиламдек тўшалган ҳадсиз чўллари ҳам менга бирдай ёқади». Бу интернационализм билан йўғрилган ватанпарварлик туйғусидир.

Юқоридагидек тушунча билан автор совет кишининг Ватан туйғусини ифода этган, ижтимоий қиёфасини кўрсатган. Лирик қаҳрамоннинг шахси ҳам гоят нузли. Мана, унинг принциплари: «Бировга ваъда бердингми, албатта сўзининг устидан чиқ. Шубҳалансанг, тўрсини айт, кўрсанг қўл урма, лекин бир ишга қўл урдингми, қўрқма. Агар ҳақ эканлигинга ишончинг комил бўлса — охиригача туриб бер».

«...Вақт масофадангина иборат бўлмай, ҳажмга ҳам эга экан. Кунлар ва соатларни бемақсад совуриб, беҳуда ўтказиш ҳам мумкин, бу кунларни ва соатларни сиқиб тизиллаш, имкони борича банд қилиш ҳам мумкин. Ана ўшанда жуда кўп нарсаларни қилиб улғураркансан киши».

Ана шундай ҳаётий фалсафа туйфайли китоб муаллифи жуда кўп ишлар қилишга улуғлади. «Биз қизил шанбалиларга чиқардик, «Йўқолсин савод-сизлик!», «Қаровсизларга ёрдам», деган оммавий кампаниялар ўтказардик, қишлоқларда қироятхоналар очардик, деворий газеталар чиқарардик, спектакллар кўрардик, қишлоқ йиғинлари ўтказиб, батракларга уларнинг ҳуқуқларини тушунтириб берадик. Буларнинг ҳаммасига вақт топа билардик, ҳаммасига ўзимизни дахлдор деб билардик», деб ёзади Л. И. Брежнев.

Булар ҳаммаси ижтимоий фаолият бўлиб, у асосий машғулоти — аввало Курск ер тузиш техникумида ўқиш, сўнгра 1924—1931 йилларда Курск, Белоруссия, Уралда колхозлар тузиш, қишлоқдаги буюк социал революцияга фаол иштирок этиш билан қўшиб олиб борилади.

Л. И. Брежнев мазкур китобда ёшларнинг фаолигини жуда ҳаққоний кўрсатиб берган, ўзи ҳам унинг яхши намунаси бўлган. Шунинг учун ҳам у 20-йилларда яна қадрдон заводига, туғилган шаҳрига қайти. Институти битириб инженер-металлург бўлди. Партия сафига кирди, партия топишириги билан маорифда, саноатда, армияда, партия ва совет ишларида фаол хизматда бўлди. Булар барчаси ҳаёт университети эди.

Ана шу катта ҳаёт йўлини босиб ўтиб, китоб автори жуда бой тажриба орттирди. У ҳаёт тажрибаси нақадар фойдали бўлганини таъкидлаб бундай



Тошкент шаҳридаги Қаҳрамон маҳалласининг қариялар чойхонасида сиёсий-оммавий тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ерда турли мавзуларда қизиқарли суҳбатлар уюштириб турилади.

Н. ШАРИПОВ фотоси



ёзади: «Инженерлик дипломини ёқлаганимда келажакда «Запорожстальни» тиклаш билан шуғулланишга, область ва ҳатто бутун мамлакатнинг мудофаа саноатига раҳбарлик қилишимга тўғри келишини ўйламагандим, албатта. Ер тузувчи бўлиб ишларканман, миллион-миллион қўрқ гектарларни ўртоқларим билан қайта тузишимга тўғри келади, деб ўйламагандим. Ҳарбий ишда тобланганимда гоят машаққатли урушда қўл келишини тўла-тўқис тасаввур этмагандим. Буларнинг ҳаммаси бирга қўшиб олинганда бир бутун бўлиб, одамлар оmmasи билан доимий мулоқотда бўлганимда тажриба, қўнимка, билим қотишмасига айланганим ҳам ҳаёлимга келтирмагандим. Ана шу қотишма иккитагина оддий сўз билан: партиявий иш деб аталади. Йиллар ўтиши билан мен шуну тушуна бошладимки, минг-минглаб бошқа кишилар қатори мени ҳам ҳақиқатан онгли равишда бўлгуси катта ишларга тайёрлашган экан. Бу тайёргарлик ишларини Коммунистик партия олиб борди».

Ана шундай қилиб, бу китоб бир коммунист мисолида, унинг биографияси, фаолияти тимсолида жонанжон партиязимнинг буюклигини кўрсатувчи ажойиб асардир. Ҳар мисраси сабоқ бўлган бу китобнинг идеологик партиявий иш ҳақиқати панд-насихатлари биз учун жуда ибратли. Бу ишнинг туб моҳиятини очиб, Л. И. Брежнев «Бу ишда энг муҳим қурол — ҳақиқатдир», дейди. Ютуқларимиз тўғрисида ҳам, муваффақиятсизлик тўғрисида ҳам ҳалол гапирши керак. Очикқабат айтилган гапни одамлар ҳаммиси тўғри тушунишади. Социализмнинг кучи оммаининг онглилигидадир, деб таъкидларди В. И. Ленин.

Л. И. Брежнев идеология ишида ғоявий хатоликлар билан муроса қилиш ниҳоятда ҳаффи эканлигини ҳаққоний кўрсатади. Унинг ёзишича, бир агрегат нотўғри лойиҳалаштирилса, техник хатоликка йўл қўйилса, етказилган зарарни осонлик билан ҳисоблаб чиқиш мумкин. Аммо идеологияда йўл қўйилган хато одатда яширин, чиройли сўзлар либосига ниқобланган. Бу хатолик дарҳол сезилиб, уни ўз вақтида бартараф этилмаса, жуда катта зарар етказиш мумкин.

Партия ишини уюштиришда улкан тажриба орттирган доно раҳбаримиз ҳозирги замон идеологик курашида актив бўлиш, ҳужумкорлик руҳини кучайтириш ҳақида фойдали кўрсатмалар беради: «Ҳозирги дунёда вакуум деган бўшлиқнинг ўзи йўқ: биз хотиржамликка йўл қўйган жойда ғоявий мухолифларимиз иш кўра бошлайди. «Шу сабабли,— деб ўқиради В. И. Ленин,— социалистик идеологияни ҳар қандай камситиш, ундан ҳар қандай четланмиш буржуа идеологиясининг кучайишини билдиради». Л. И. Брежнев бу фикрни адабиёт ва санъат масалаларига ҳам тўла таваллуқли эканини, комсомоллик йилларидаги қўшиқлар, поэтик материаллар, айниқса Курскда В. В. Маяковский билан учрашганида таассуротлари мисолида тушунтириб беради.

«Эсдаликлар» китоби ўзининг услуби билан ҳам айрича таҳсинга сазовор. Аввало, конкрет фактларга бойлиги, воқеалар мантиқидан келиб чиқадиган ҳулосанинг ҳаққонийлиги, самимий баёни ва, айниқса гоят камтарликлари билан ёзилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Буюк воқеаларнинг иштирокчиси ўзининг хизматларини сездирай, замонга, партияга, халққа хизматларини ўқувчи диққат-марказига қўяди. Бу камтарлик М. Горький очеркида баён қилинган В. И. Лениннинг камтарлигини ёдга солади.

Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлари» унинг оламро шуҳратдор бўлган аввалги автобиографик асарларнинг дебначаси бўлди ва улар биргаликда идеал коммунист ва ажойиб инсоннинг ҳаёти ҳамда фаолиятини ёритувчи манба сифатида гоят катта аҳамият касб этди.

Адабиёт ва санъат ижобий қаҳрамон проблемасини ана шундай табарруқ сиймолар мисолида ҳал қилади, уларнинг халқ учун қудратини кўрсатиб беради. Шу нуқтаи назардан Л. И. Брежневнинг китоблари жуда катта илмий, бадиий ва эстетик тарбиявий аҳамиятга эга. Мазкур асарлар ҳаёт дарсликларидирки, уларни ўқиб, миллионлаб коммунистларнинг издошлари бўлган ёшлар чинкемакка тарбия топади, коммунизм ишга ўларини сафарбар этадилар. Бундай китоблар коммунизм ғояси тантанасига хизмат қилади.

ИНСОН ОЛАМНИ БЕЗАР

* * *

Инсон гуллар билан безар оламни,
Саҳий боғу роғлар яратар чўлда.
Инсон қадам ташлар дадил, жаҳоннинг
Бахтини кўтариб забардаст қўлда.

Тарих, замон гувоҳ ҳамма вақт инсон —
Исбот қилиб келган инсонлигини.
Ҳа, инсон билди бахтни бой бериш —
Ҳаётда энг буюк нуқсонлигини.

Ерни ёшартириш, дунёни безаш,
Ҳамма вақт ижодкор инсоннинг ўйи.
Инсон истар: жаҳон аза тутмасин,
Ҳеч вақт тугамасин оламнинг тўйи.

Дунёда шундай бир ҳаёт бўлсинки,
Инсонга муносиб, инсонга лойик.
Коммунизм атар ундай ҳаётни
Мамуният билан барча халойик.

22 сентябрь — 12 ноябрь, 1981 йил



Бурч

Эртага қолдирма бугунги ишни,—
Деган, халқ оғзида ҳикматли гап бор.
Агар оқил эсанг, бу ҳақиқатнинг
Теран мазмунига қилгил эътибор.

Ҳа, мазмуни жуда теран бу гапнинг,
Ишинг қолиб кетар пайсалга солсанг.
Кейин бажаришинг қийин бўлади,
Уз вақтида қилмай гафлатда қолсанг.

Ҳар куннинг ўзига хос юмуши бор,
Ютар ўз вақтида бажарган ишни.
Қолдирилган ишга қор ёғар дерлар,
Фасли баҳор ўтар, ўйлагил қишини!

Удалай олмасанг ўз вазифангни,
Замондан орқада қолиб кетасан.
Вақтида қилломай қилар ишингни
Охири дунёдан нолиб кетарсан.

Замон, халқ ҳар кимга лойик иш юклар,
Асл инсон эсанг бажаришинг шарт.
Дангаса ваз айтиб ўтар оламдан,
Аъло бажаради ўз ишини мард.

Ун қарра ошириб бажариб ишни
Вақтни ҳам орқада қолдирганлар бор.
Биров иш туфайли элда қаҳрамон,
Биров ишдан қочиб бўлар шармисор.

Иш билан ўлчанур инсоннинг қадр,
Меҳнаткаш инсонни қадрлар замон.
Бизнинг давримизда меҳнат шераф-шон,
Ишқўмас, текинхўр ўғридан ёмон.

Одам бир мартаба келар дунёга,
Умр чегарали, ўлчолидир вақт.
Умринг меҳнат билан мазмундор ўтсин,
Шу инсонга шераф, шу инсонга бахт!

Умр тез ўтади, фурсат тез ўтар,
Кеча йигит эдинг, бугун эса чол.
Иш билан инсонлик ноинин оқла,
Меҳнаткаш халқинга содиқ бўлиб қол!

Эртага қолдирма бугунги ишни,
Қалшиб қолади қилинмаган иш.
Умр абадиймас, фурсат ғанимат,
Фасли баҳор тугаб бошланади қиш.

30 ноябрь, 1981 йил



Хушёр бўлинг, дўстлар!

Хушёр бўлинг дўстлар, гафлатда қолманг,
Душман жуда айёр, камситманг уни.
Ногаҳон тушмасин жаҳон бошига
Шўрлик Хиросима шаҳрининг кунни.

Қора ниятига етмаклик учун
Ҳеч нарсадан қайтмас урушқоқ, ёвуз.
Қонли панжасида атом бомбаси,
Гафлатда қолдингми, қилар тажовуз.

Юлиб олинг дарҳол баттол қўлидан
Ишга тушмай туриб атом бомбасини.
Шафқат билмас қонхўр, ёвуз, газанда
Гулзорларини тагин кулга қўммасини.

Ҳеч қачон тушмасин уруш туфайли
Курранинг бошига ўлим соясин.
Дунёни кўшдек ёритиб турсин
Қардошлик, омонлик, тинчлик гоясин.

12 ноябрь, 1981 йил



Она табиат

(„Табиат“ китобидан)

Шаббода гулларнинг атрини тўплаб
Толиққан кўксимга, димоғимга ур!
Она табиатнинг нафаси төгса
Ҳамма вақт яйрайман, қиламан хузур...

Агар табиатнинг гул қўли майин —
Силаб ўтса Борини бир йўл бошиндан,—
Қайта тугилгандай бўласан, гўё
Бир йил камайгандай кекса ёшиндан.

Майин шаббоданинг гуллар ҳидини
Тарқатиб юриши жуда чиройли.
Мен учун шаббода, қўёш, соф ҳаво
Баҳоси йўқ гуллар туганмас бойлик.

Булбул чақчалари, сув шилдираши
Қулоққа чалинган ҳаёт овози.
Ҳаётни севишга ундайди мудои,
Гулшанда гулларнинг сеҳргар нози.

Гўзал табиатнинг latoфатига
Ҳеч ким ва ҳеч қачон туширмасин доғ.
Бошдан оёқ қоплаб олсин Куррани
Инсон қўли билан яратилган боғ...

12 ноябрь, 1981 йил



Оқ капалаклар

Бир-бирини қўзлаб оқ капалаклар
Гулзорда сайр этар, гулшанга қўниб.
Яшаш ишқи ортар уларни кўрсам,
Умид ниҳоллари қалбимда униб.

Ҳа, ўша кичкина оппоқ капалак,
Она табиатнинг бир мўъжизаси.
Капалаклар учар шошиб, шўх, майин
Қанот силкишининг сезилмай саси.

Капалаклар қанча кичик бўлмасин
Булар ҳам жонлилар тонфасидан.
Олтин наъронида ҳаётнинг булар —
Пастки табақанинг оиласидан.

Ҳа, булар фил эмас, кичик ҳашарот,
Қадру қиммати ҳам, умри ҳам бўлак.
Ва лекин жонлилар қатори шахсия,
Яшашга ҳақлидир оппоқ капалак.

Биттаси каттаю биттаси кичик,
Ҳаммаси моддадан яралган, моддий.
Бирни ниҳоятда мураккаб бўлса,
Бирни капалакдай жўнгина, оддий.

Бари бир тоифа — бари жонлилар,
Уз ўрнига эга ҳаётда бари.
Дунёнинг бойлиги, кўрки ортади —
Бағрида жонлилар кўпайган сари.

Табиатда бўлган мувозанатни
Доймо авайлаб сақлашлик лозим.
Оқ капалак гулдан шербат эмади,
Ва гулни «янглаш»да яхши мулозим.

Бир-бирини қўзлаб, ўйнаб, яйрашиб
Бир жуфт оқ капалак гулшанда кезар.
Шу кичкина митти оқ капалак ҳам
Кўзни қувонтиради, борлиқни безар...

Дунёда ҳаммаси яшашга ҳақли,
Капалак бўлса ҳам маҳв этиш увол.
Ҳаётда нимани фойдали бўлса
Ҳеч қачон умрига етмасин завол.

22 сентябрь — 14 ноябрь, 1981 йил

АҲОЛ ЭҲТИМЕЖИНИ КЎЗЛАБ

Беш йиллик
режалари амалда

М у х б и р:— Ҳурматли Хушвақт Ражабович! КПСС XXVI съезди тайёрлов органлари зиммасига ҳам катта вазифалар юклатди. Мазкур вазифаларнинг моҳиятини изоҳлаб берсангиз?

М и н и с т р:— Тайёрлов органларимиз ходимлари ҳам барча совет халқи сингари партиямизнинг тарихий XXVI съезди қарорларига изчил амал қилмоқда. Олдинги беш йилликда бўлганидек, ўн биринчи беш йилликда ҳам зиммамизга аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлашдек масъулятли вазифа юклатилган. Республика Тайёрлов министрлиги ва унинг органлари озиқ-овқат программасини ҳал қилишда саямоқли урин тутадди. Чунки бизнинг коллективларимиз аҳолини энг зарур озиқ-овқат — ун ва ёрме маҳсулотлари билан таъминлаш, запас донни сақлаш ишлари билан шуғулланади.

КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларига мувофиқ озиқ-овқат программасида белгиланган муҳим вазифалардан бири — республикамизга ун ва ёрме маҳсулотларини четдан келтирмастан, аҳолининг эҳтиёжини имкониятлар ва ички резервларимиз ҳисобига қондиришдан иборатдир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ҳар бир республика ўз эҳтиёжини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзи таъминлаш лозимлигини ўқтирди. Республикада партия ва ҳукумати озиқ-овқат программасини муваффақиятли ҳал этиш тадбирларини белгилаб чиқди. Биринчи навбатда дон маҳсулотларини тозалаш ва тайёрлаш ишларини бевосита ишлаб чиқаришга яқин жойларда йўлга қўйиш мақсадида бир қатор корхоналар қурилади. Масалан, ўн биринчи беш йиллик давомида Навоий, Қува, Учкўрғон, Хонқа ва Оқолтин шаҳарларида янги ун ишлаб чиқариш корхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилади. Шунингдек, Хўжайли ва Поп шаҳарларидаги ун заводлари реконструкция қилиниб, уларнинг қуввати оширилади. Бу тадбирлар эса бир кеча-кундузда 2 минг 830 тонна донни ун қилиш ва шу йўл билан 1985 йилга бориб ун ишлаб чиқаришни 1980 йилга нисбатан 32,9 процентга кўпайтириш имконини беради.

Мазлумки, кейинги йилларда республикамизда шолчиликни ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришилмоқда. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областларида шолчиликка ихтисослашган хўжаликлар ташкил этилди. Бу хўжаликлар эндиликда республикамизнинг асосий шолчилик базаси бўлиб қолди. Ўн биринчи беш йилликда деҳқончиликнинг бу муҳим тармоғи янада ривожлантирилади. Кейинги ўн беш йилда Қорақалпоғистонда шолзорлардан олинган ҳосил тўққиз барабар ўсди. Эндиликда автоном республикада мамлакатимизда етиштирилаётган жами шолчининг 13 проценти тайёрланмоқда. Қорақалпоғистонлик шолзорлар яқин йиллар ичда шол етиштиришни бир миллион тоннага етказдилар. Бунинг учун шолзорларни 280 минг гектарга кенгайтириш лозим бўлади, қирқта ихтисослашган совхоз шолчилик

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ва тарқатиш вазири ўртоқ Ҳ. ҚҮРБОҚАРОВ билан сўхбат

билан шуғулланади. Ана шунда биз республикамизга четдан гуруч келтирмастик имкониятга эга бўламиз. Ўн биринчи беш йилликда дон ёрмаси ишлаб чиқариш саноатининг қуввати ошиши ҳисобига гуруч ёрмаси тайёрлаш 54 процентга ортади. Биз беш йиллик давомида республикамиз аҳолисини гуруч билан тўлиқ таъминлаймиз. Бунинг учун Тошкент, Хонқа, Қўнғирот, Чимбой, Шеробод шаҳарларида, Сирдарё ва Хўжайли посёлкаларида янги гуруч заводалари қурилиб ишга туширилади.

М у х б и р:— Министрликка қаровли корхоналар ва идораларнинг коллективлари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида қандай ютуқларга эришдилар?

М и н и с т р:— Тайёрлов системасидеги корхоналар ва ташкилотлар беш йилликнинг биринчи йилида юқори кўрсаткичлар учун курашиб, социалистик мусобақани уюшқоқлик билан ташкил этдилар. Илгор коллективлари йил давомида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди. Шунингдек, ўртача кўрсаткичли коллективларни илгорлар даражасига қўтариш тадбирлари кўрилди. Натижада қувончли ютуқларга эришилди. Утган йили дон қабул қилиш корхоналарининг оморларига 1 миллион 300 минг тонна дон, яъни халқ хўжалик планига нисбатан 44,5 процент кўп дон тўпланди. Бу запас донни сифатли сақлаш учун тегишли шароит яратилди. Қорақалпоғистон АССР ва республикамизнинг барча областлари давлатга дон сотиш социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. Она-Ватан қорақалпоғистонлик галлакорлардан 260 минг тонна, қашқадарёликлардан 200 минг тонна, Самарқанд области меҳнаткашларидан 130 минг тонна дон қабул қилиб олди. Шунингдек, Жиззах области давлатга 120 минг тонна, Тошкент области 105 минг тонна дон топширди.

Республикамиз галлакорларининг бу улкан ютуғи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўғорилган ерларда маккажўхори ва шолчиликнинг кенгайтириш ва уларнинг ҳосилдорлигини муттасил ошириш тўғрисидаги кўрсатмасига амалий жавобдир. Республикада бу хил экинлар донини тайёрлаш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Давлатга маккажўхори дони топшириш 1974 йилга нисбатан 2,5 марта, шол топшириш эса икки марта ошди. Шунингдек, республикамизда картошка, мева ва сабзавот етиштириш анча кўпайди. Утган йили 1980 йилга қараганда 47,4 минг тонна картошка, 115,8 минг тонна сабзавот, 85,5 минг тонна хўл мева ва 64 минг тонна узум ортқ харид қилинди. Жами 3 миллион 313 минг 900 тонна мева ва сабзавот тайёрланди. Бу олдинги йилга нисбатан 302 минг 900 тонна кўпдир.

Мева ва сабзавот маҳсулотлари харид қилиш планларининг муваффақиятли бажарилиши тайёрлов ташкилотлари учун мева-сабзавот маҳсулотларини умумитифоқ фондига

жўнатиш топшириқларини ҳам ўз вақтида бажариш имконини берди.

Республикамизнинг барча областлари давлатга картошка, мева ва сабзавот сотиш планларини ошириб бажардилар. Айниқса, ишлаб чиқаришнинг мана шу тармоқларини жадал ривожлантираётган Тошкент областининг соҳибкорлари катта муваффақиятга эришдилар. Улар маҳсулотлари қайта ишлаш саноати корхоналарига 578,1 минг тонна сабзавот етказиб бердилар. Бу республикамиз бўйича харид қилинган сабзавотнинг 33,2 процентини ташкил этди.

Шу нарсани мамнуният билан қай қиламизки, Узбекистон Матлубот кооперацияси системасидаги тайёрлов ташкилотлари мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш давлат планларини бажаришда ҳамда бу хил маҳсулотларни РСФСРнинг саноат марказларида яшовчи меҳнаткашларга етказиб беришда катта ташкилотчилик ва ҳозиржавоблик кўрсатдилар. Республика Мева ва сабзавот хўжаликлари министрлигига қаровли корхоналар ва бирлашмаларнинг коллективлари ҳам яхши натижаларни қўлга киритдилар. Улар картошка тайёрлаш планини 114,3 процент бажардилар.

Умуман, ўтган йили тайёрлов органлари системаси саноат моллари ишлаб чиқариш планини 104,2 процент ва уни реализация қилиш планини эса 104,8 процент қилиб бажарилишини таъминладилар. Буни рақамлар билан ифода қилаётган бўлсак, ун белгиланган планга нисбатан қўлбел тонна ва сараланган маккажўхори уруғи 2,3 минг тонна кўп тайёрланди.

Шу нарса характерлики, маҳсулотнинг сорт сифати ошди. Масалан, юқори сортли ун ишлаб чиқариш плани 102,2 процент бажарилди. Айни вақтда иккинчи сорт ун 29,9 минг тонна ҳам ишлаб чиқарилди. Шунингдек, дондор омухта озуқа ишлаб чиқариш планини ҳам муваффақиятли бажарди.

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети министрлигимиз ва унга қаровли тайёрлов органлари зиммасига йил охиригача яна 12,2 миллион сўмлик улгуржи баҳодаги халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш вазифасини юксатган эди. Бу топшириқни ҳам асосан бажаришга муваффақ бўлди.

М у х б и р:— Мазлумки, сифатли уруғлик — ҳосилдорлик гарови. Дондуккалик экинлар уруғини етиштириш аҳоли қандай?

М и н и с т р:— Ўз вақтида етарли миқдорда уруғлик жамғариш ва унинг сифати давлат стандарти даражасида бўлиши келгуси ҳосил учун муҳим омилдир. Буни ҳисобга олган республикамиз деҳқонлари ўтган йили бўғдой, маккажўхори ва шолчи уруғларини тайёрлаш планларини ошириб бажардилар. Экин учун тайёрланган шолчи уруғининг 50 проценти экин стандарти бўйича иккинчи классни ташкил этди. Маккажўхори уруғи ҳам завожда ишла-

ниб сараланди. Давлат ресурслари ҳисобиде 11 минг тоннага яқин маккажўхори уруғи ҳозирланди. Унинг 20 проценти экин стандарти бўйича биринчи ва иккинчи класс уруғдир. Министрлик 1982 йил учун етарли миқдорда сифатли уруғ тайёрлаш ва уни колхоз-совхозларга тарқатиш учун тегишли жойларга етказиш тадбирларини ўз вақтида кўрди. Лекин биз бу ўринда картошка етиштириш ва уруғини тайёрлаш ҳақида баъзи бир мулоҳазаларни билдирмоқчимиз.

Бошқа тармоқларда бўлганидек, картошканилик соҳасида ҳам бир қатор муаммолар турибди. Республикада меҳнаткашларини иккинчи номиним бўлган картошка билан таъминлаш талаб даражасида эмас.

Тўғри, ўнинчи беш йилликда картошканиликни ривожлантириш соҳасида республикамиз колхоз ва совхозларида бирчунма ишлар қилинди: ихтисослашган хўжаликлар ва бригадалар ташкил этилди, хўжаликларни техника билан таъминлаш нисбатан яхшиланди. Лекин шуни эътироф этишимиз керакки, картошка уруғини етиштиришнинг аҳоли қониқлиги эмас. Бу соҳа бўйича ихтисослашган хўжаликлар ва масала билан етарли шуғулланмапти. Асосан четдан келтирилган уруғ ҳисобига деҳқончилик қилинмоқда. Мабодо, Беларуссия, Болтиқбўйи республикалари ёки Сибирь районларидан уруғлик картошка келмай қолса, картошка экин планлари бажаришга қўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам янги картошка навларини яратиш ва картошка етиштиришни, айниқса, ун қазиб олишни меҳнаткашлари шолчилик масалалардандир. Республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Мева ва сабзавот хўжаликлари министрлиги ҳамда Қишлоқ хўжалик техникаси Давлат комитети ҳамкорликда бу вазифаларни тезроқ ҳал этсалар, айнаи мудоао бўлур эди.

М у х б и р:— Хушвақт Ражабович! Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш энг долзарб вазифа бўлиб турмакди. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV Пленумида бу масала кенг муҳокама этилган эди. Республикада чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапириб берсангиз?

М и н и с т р:— Республикада чорвачдорлари Узбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV Пленумида «Республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Узбекистонда чорвачиликни ривожлантириш жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича вазифалари ҳақида»ги қарорига изчил амал қилган ҳолда самарали меҳнат қилмоқдалар. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида бу соҳадаги вазифамиз аниқ-равшан белгилаб берилган: чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада ўстириш, моллар ва ларрандалар маҳсулдорлигини ошириш таъминлаш.

Министрлигимиз коллектив ва унинг Давлат инспекцияси ходимлари бу вазифани жанговар програм-

Сўлим Фарғонанинг индустриал шаҳарларидан бири Куvasой йилдан-йилга кўркамлашиб, раванқ топаётди. Унинг фидокор меҳнаткашлари шаҳарнинг шухратини ошириш учун чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатмоқдалар. Фрунзе номлидаги цемент комбинати шаҳарнинг тўнғич корхоналаридан ҳисобланади. Бу йил комбинат коллективи ўз севимали корхонасининг 50 йиллигини муносиб нишонлаш учун мардонавор меҳнат қилмоқда.

...Бундан ярим аср муқаддам комбинат пойдеворига биринчи ғишт қўйилган эди. Қурилмида, сўнгра корхонада дастлаб иш бошлаганлардан бири рус ишчиси Павел Гордеев эди. Навбатдаги меҳнат сменаси унинг шарофига бағишланди. Мазкур сменани биринчи ишчининг набираси Виктор Гордеев бошқарди.

Ҳа, комбинатда меҳнат аъёнлари муваффақиятли давом этмоқда. Ёшлар ота-боболари шаҳнига муносиб издошлар бўлиб етишдилар. Корхонадаги мажҳуд ишчилар сулоласи бунинг ёрқин далилидир. Огаевлар оиласининг умумий меҳнат стажы 191 йилни, Собировларники эса 64 йилни ташкил этади. Меҳнат астафетаси ишончли қўлларда.

Комбинат коллективи бугун ўзининг зарбдор ишчилари, меҳнат ветеранлари билан ҳақли равишда фخرланади. Кўксини Уроқ ва Болға Олтин Юлдузи беэаб турган темирчи Сулаймон Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Людмила Мешчерякова, меҳнат ветеранлари М. Аблазов, Ш. Тромин, А. Утанов ва И. Адживефовни корхонада ҳамма танийди ва уларнинг хўрматини бажо келтиради.

Комбинатнинг тўрт хил цемент маҳсулоти сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Бу материаллар айни пайтда қардош Қирғизистон ССРнинг Тўхтағул ва Қорақалпоғистон АССРнинг Тахиташ гидрoэлектр-станциялари қурувчилари ихтиёрига пешма-пеш жўнатишмоқда. Афғонистон Халқ Демократик Республикаси бинокорлари ҳам ўз шаҳар ва қишлоқларини қуришда Куvasой цементидан фойдаланмоқдалар.

Эшелонлар узoқ манзиллар томон йўл оляпти. Республикаимизнинг зарбдор объектларига ҳам Куvasой цементи, шифери етказиб берилмоқда. Корхона коллективи ўтган йили 920 минг тоннадан зиёд цемент, 82 минг тонна алебастр, 152 миллион дoна шифер, 146 минг тонна oҳак ишлаб чиқарди.

Бинокорлик материаллари саноатини жадал ривожлантириш йўлида комбинатнинг инженер-техник ходимлари турли илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда иш олиб бoрлятилар. Комбинат мутахассислари Москва, Тошкент, Харьков, Тольятти ва Чимкент шаҳарларидаги 8 та илмий-тадқиқот институти билан маҳсулот сифатини яхшилаш, технологик жараёнларни такомиллаштириш бўйича яқин ҳамкорлик олоқалари ўрнатганлар.

Чинни заводи, шиса буюмлари заводи, ғишт заводлари бошқармаси Куvasой индустриясининг сифатини белгилайдиган корхоналардандир. Шарофли меҳнати билан доврoғ тاراتган кишилар — Ленин ордени кавалери, СССР Давлат мукофоти лауреати, КПСС XXVI съезди делегати, ғишт заводлари бошқармаси ишчиси Нишонбой Саидов, чинни

заводи қолипловчилар бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Миродилжон Қодировлар индустриал Куvasойнинг фохрли кишилари.


Шаҳар марказидаги Владимир Ильич Ленин номили майдон меҳнаткашларнинг қўтлуғ сайилгоҳига айланган. Шунингдек, миллий услубда қурилган «Исфайрам», «Зумрад» савдо комплекслари, қадимги Шарқ архитектураси асосида қурилган «Беҳизор» чойхонаси, колхоз бозори ва «Ором» деб номланган истироҳат боғи шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Яна қатор маданий-مائий объектлар қуриш, Ленин номили майдоннинг иккинчи навбати қурилишини бошлаб юбориш галдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шаҳар аҳолисига унлаб интернационал дўстлик клублари, иккита маданият уйи, ўндан ортқ кутубхона, мائий хизмат кўрсатиш шохобчалари хизмат кўрсатмоқда.

Тўри, ғишт заводлари бошқармасида оғир қўл меҳнати қамайтириш, цемент комбинати ва шиса буюмлари заводида технология жароёнларни такомиллаштириш каби муҳим масалалар турибди. Шубҳа йўқки, партияимиз XXVI съезди қарорларини изчил амалга оширишга қатъий бел боғлаган Куvasойликлар бу вазифаларни ҳам муваффақиятли адо этадилар.

Алишер РАҲМАТУЛЛАЕВ



Чинни идишлар моҳир рессом Ранса Абдулова қўлида жило топади.



В. И. Ленин номидаги майдон навқирон Куvasой шаҳрига кўрк бериб турибди.

АВТОР ФОТОЛАРИ

ла деб билиб, ўз фаолиятларини ина шу программа асосида ташкил этмоқдалар. Ҳўжаликларни чорвачилик бўйича ихтисослаштириш, саноат асосида етарли миқдорда омухта озуқалар тайёрлаш, озуқа зиндиларинг ҳосилдорлигини ошириш ва йовларнинг унумлигини таъминлаш латжасида янги беш йилликнинг бининчи йилида бирмуноча ютуқларни ўлга киритдик. Ўтган йилнинг 1 нoбригача бўлган маълумотга кўра, лдинги йилга нисбатан қорамоллар оми 56,1 минг бошга, жумладан, сирлар 7,8 минг бошга, чўчка 72,7 мингга, қўй ва эчки 261 мингга, тоуқ 649,9 мингга, қўёнлар сони 29,3 мингга кўпайди. Тувқлар сонининг ишиши ҳамда бурдоқчилик ва сўимчилик ишларининг яхши уюштирилиши натижасида ўн бир ойда ол ғўшти етиштириш (тирик вазна) 14,1 минг тонна, сут 48,5 минг онна, тухум 57,2 миллион дoнага ртди.

Умуман, республикаимизда чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш

давлат планлари барча категориядаги ҳўжаликлар бўйича муваффақиятли бажарилди. Масалан, қорамол ва парранда ғўшти 1980 йилнинг ўн бир ойлиғига нисбатан 17 минг тонна, сут 46,7 минг тонна кўп ишлаб чиқарилди.

Чорвачиликни ривожлантириш резервларидан самарали фойдаланган Тошкент, Қашқадарё ва Хоразм областларининг чорвадорлари қорамол ва парранда ғўшти сотиш йиллик планларини ўн бир ойда бажаришга эришдилар.

Министрлигимиз Давлат инспекцияси ходимлари 1980—1981 йилларда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва маҳсулот сифатини таъминлашда қатта ташкилотчилик ишларини олиб бoрдилар. Улар ўтган йилнинг январь-февраль ойларидеҳқ чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш бўйича ташкилотлар ва ҳўжаликлар билан контракт шартномаларини тузишни яқунлашга муваффақ бўйдилар. Бу эса қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ўз

вақтида қабул қилиб олиш ва уни оморларга жойлаш ишларининг ушшоқлиқ билан амалга оширилишини таъминлади. Давлат тайёрлов инспекцияимиз министрлик коллегиясида тасдиқланган 1981 йил план ва социалистик мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш бўйича министрлик корхоналари ва ташкилотлари учун белгиланган вазифаларини бажарилишида алоҳида фаоллик кўрсатди.

Министрлигимиз системасидаги корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг куч-ғайратлари билан чорвачилик ҳўжаликлари учун етарли миқдорда сериша ва калорияли омухта озуқалар тайёрланди. Бу эса чорва қишловининг тўқ ўтишига ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга имкон беради.

КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумида қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ етиштириш масаласи атрофида муҳокама қилинди. Пленум қишлоқ

ҳўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришининг муҳим шерти, деб кўрсатди. «Ушшоқлик, ишчанлик, интизом,— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда сўзлаган нутқида,— марказда ҳам, жойларда ҳам энг зарур талаблардир. Барча партия, давлат, ҳўжалик органларининг фаолияти айни мана шу нуқтага назар асосига қурилиши керак». Партияимиз Марказий Комитети Бош секретарининг бу доно кўрсатмаси министрлигимиз ходимлари учун ҳам дастуриламалдир.

Ҳеч шубҳа йўқки, партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш ҳақидаги қарорларига изчил амал қилаётган коллективимиз беш йилликнинг иккинчи йили вазифаларини ҳам муваффақиятли бажариб, шонли байрам — СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар.

Сўхбатни Шомурод СИДДИҚОВ уюштирган

ЗАФАРЛАРИМИЗ ПОСБОНИ

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 64 йиллиги халқимизнинг меҳнат ғайрати жўш урган, КПСС XXVI съезди қарорлари изчиллик билан амалга оширилаган бир паллада нишонланмоқда. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шонли 60 йиллиги арафасида бу сана янада муҳим аҳамият касб этади.

Октябрь инқилоби тўғайли дунёга келган шавқатли Совет Қуролли Кучлари граждандар уруши йилларида ички душманлар ва интервентларга қарши курашда тобланда. Доҳиймиз В. И. Ленин асос солган янги тилдаги бу армия халқ манфаатларининг ҳимояси сифатида ўзини намойн этди.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг фаолияти социалистик Ватанимиз тарихи билан туташиб ва пайванд. Айниқса, фашистлар Германиясига қарши бошланган Улуғ Ватан уруши йилларида у энг оғир синовларни бошидан кечирди. Гитлерчилик Европада босиб олган мамлакатларнинг иқтисодий ресурсларини ҳам Ватанимизга қарши йўлади. Халқимиз социалистик Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун муқаддас жангга кирди ва инсоний тарихдаги энг аёвсиз урушлардан бирини ғалаба билан якуллади. Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида жанг майдонлари ва фронт орти ягона Ҳарбий лагерга айланди ҳамда «Ҳамма нарса фронт учун! Ғалаба учун!» шiori миллионлаб қабларга мадад бағъшлади.

Бошқа қардош халқлар билан бирга ўзбек халқи ҳам жанговар сафга турди. Уруш йилларида ўн минглаб ўзбеклар социалистик Ватан ҳимоясига оғландилар. Улар Москва ва Ленинград остоналарида, Курск ҳалқиси ва Кавказ жанггоҳларида социалистик Ватан шаҳини ҳимоя қилдилар. 283 минг ўзбекистонлик йигит-қизлар ғалаба йўлида қурбон бўлдилар. Ўзбекистонлик 280 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвоига сазовор бўлди, улардан 80 киши — ўзбеклар. 120 минг жангчи эса Ватанимизнинг ордени ва медаллари билан тақдирланди. Фронт ортида ҳам ўзбекистон ғалаба учун муносиб ҳисса қўшди.

Шонли Қуролли Кучларимиз Ватан озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш билан бирликда жаҳон халқларини ҳам қора вабо“ хавфидан халос этдилар.

Урушдан кейинги йиллар мобайнида СССР халқ хўжалигининг барча соҳаларида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Лекин сўнгги пайтларда халқро аҳвол бирмунча мураккаблашди. Имперализм халқларнинг истагига қарши бориб, қуролланмиш пойгасини авж олдириш йўлига ўтди. Шунинг учун ҳам Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини ўстириш муҳим масала ҳисобланади.

Имперализмнинг урушқоқлик сийатини фош қилишда СССРнинг жаҳон халқлари олдидagi нуфузи ва эътибори тобора ортиб бормоқда. Биз, уруш ветеранлари ҳам, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Совет кишиларини, ёш авлодни юксак сийсий хўшёрлик руҳида тарбиялаш учун бутун имконият ва воситаларни ишга солишимиз лозим. Тинчлик ва хавфсизлик учун самарали курашда биз жамоатчилик ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганимиз. Уруш ветеранлари Совет комитетининг Тошкент секцияси чет эллардаги ветеранлар ташкилотлари билан ҳам яқин алоқада бўлиб, социалистик Ўзбекистоннинг муваффақиятларини пропаганда қилаётир.

Меҳнаткашларни Ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёш авлодни инқилобий, жанговар ва меҳнат анъаналари билан қуроллантириш биз олиб бораётган ишларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ветеранлар тўнғич авлод таърибаси асосида ёшларни Ватан тақдирига масъулиятли қилиб тарбиялашга ҳисса қўшаётирлар, зотан КПСС XXVI съезди ҳам бизнинг зиммамизга шундай муқаддас вазифа юклаган. Ҳозирги кунда Тошкентда 21 мингга яқин уруш ветеранлари яшайди. Бу кишилар энг оғир Ҳарбий синовларни бошидан кечирган, меҳнатда тобланган, изчил фаолияти билан коммунизм идеалларига садоқат намунасини кўрсатаётган замондошларимиздир. Уруш ветеранларининг яридан кўпи халқ хўжалигининг турли соҳаларида, ўқув юртиларида меҳнат қилиб, ёшларимизга ўрнак бўлаётирлар. Биргина Тошкент Политехника институтида уруш ветеранларидан 124 киши ишлайди, шулардан бир

киши академик, 60 киши эса фан докторлари ва кандидатларидир.

Ветеранлар Совети турли хил ташкилотлар, корхоналар, бошқарма ва муассасалар, олий ўқув юртиларидаги гуруҳларга раҳбарлик қилаётир. Шунинг учун ҳам кишиларни Ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича амалга ошираётган ишларимиз самарали бўлмоқда. Айниқса, Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 40 йиллиги, Уруш ветеранлари Совет комитети ташкил топанлигининг 25 йиллиги, Октябрь революциясининг 64 йиллиги, Москва остоналарида фашистлар тор-мор этилганлигининг 40 йиллиги, Л. И. Брежнев туғилган кунининг 75 йиллиги ва бошқа муҳим саналар муносабати билан диққатга сазовор ишлар қилинди. Ёшларни Ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишининг гоъий сийясиси ҳамда изчиллиги ошди. Социалистик Ватанин ҳимоя қилишнинг ленинча тазъимотини, КПСС XXVI съездининг мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ҳақидаги талабларини ёшлар онгига сингдириш, имперализм кирдиқорларини фош этиш, хўшёрликни мустаҳкамлаш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари самарали давом этмоқда. Мазкур тадбирларни ўтказишда республикамизнинг йирик олимлари — академик К. Аҳмедов, фан докторларидан Т. Жўраев, М. Ҳақимов, Н. Абубакиров, Ҳ. Саримсоқов, Н. Абдурахимов, В. Бағдасаров, генерал-полковник П. Шевелев, генерал-лейтенантлар Ф. Норхўжаев, С. Охунжонов, истеъфодаги генерал-майор В. Ульянов, граждандар уруши ветеранлари С. Паршин, Д. Кордаб, Улуғ Ватан уруши ветеранларидан Н. Шмелев, М. Зуфаров, Й. Топуловат, К. Либерзон, Н. Попов, В. Кузнецов ва бошқалар фаол иштирок этмоқдалар. Совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат шон-шўхрат билан боғлиқ жойларига саяхатлар йилдан-йилга кўпроқ уюштирилмоқда. Ана шу саяхатлар довомида ёшларимиз тўнғич авлоднинг жанговар ва меҳнат йилномаларини ёзмозқлардан, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганларга ёдгорликлар ўрнатилишида бевосита

23 февраль — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кун

иштирок этмоқдалар. Ҳозирги пайтда республикамизда уруш қурбонлари хотирасига ўрнатилган 260 ҳайкал, 250 ёдгорлик мажмуи. Мактаблар, пионерлар отрядлари, ветеранлар гуруҳлари ана шу ёдгорликларни сақлаш ишига ҳисса қўшаётирлар. Меҳнаткашларни, айниқса ёшларни Ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ушбу ёдгорликларнинг аҳамияти катта. Шон-шўхрат ёдгорликларини пойнда комсомол билетларини топириш, Совет Армияси сафига тантанали кузатиш, ёш солдатларнинг қасамёд қабул қилиши каби тадбирлар ўтказилаётир Тошкент шаҳрида 50 мактаб ва 39 кўча Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари номи билан аталади.

Утган йили «Улуғ Ватан уруши йилномаси» деб номланган Бутуниттифок қидирув экспедицияси фаолият бошлади. Унинг вазифаси ёшларимизнинг ватанпарварлик тўғйисини кучайтириш ва гоъий эътиқодини мустаҳкамлашдан иборат. Ветеранларимиз бу борада комсомол комитетларига зарур ёрдам кўрсатмоқдалар. Сўнгги пайтларда ветеранлар Советлари ва гуруҳларининг мактаблар, ўқув юртилари, пионер уйлари ва бошқаларга оталиқ фаолияти кенгайди. Улар шон-шўхрат музейлари, хона ва бурҷакларини ташкил этишга кўмаклашдилар, Ҳарбий ватанпарварлик бўйича ўтказиладиган тадбирларга раҳбарлик қилдилар. И. Попов томонидан бошқарилаётган 16-Армия ветеранлари гуруҳи, А. Ақопян бошчилигидаги 18-Армия ветеранлари гуруҳининг ишлари таҳсинга лойиқ. Тошкентдаги 16-Армия ветеранлари гуруҳи 79-мактаб коллективи билан бирликда мазкур Армия музейини ташкил этдилар. Ветеранлар ишироқида ана шу дەرғоҳда

етган ёшларга паспорт берилди, октябрдаги пионерлар сафига қабул қилинди. Тошкентдаги В. И. Ленин номи умумқўшин командирлари тайёрлаш олий ўқув юртида мазкур мактабни битирган 15 нафар ўқувчининг таълим олаётгани бежиз эмас. Ветеранлар Советларининг ишчилар ва студентлар коллективлари орасида олиб бораётган ишлари яхшиланди. Уларнинг ДОСААФ ташкилотлари, Ҳарбий комиссариатлар ва қисмлар билан алоқаси мустаҳкамланди. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети, халқ хўжалиги институти ва бошқа ўқув юртиларида студентларни Ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича бой таърибалар тўпланди. Уруш ветеранлари Тошкентда таълим олаётган чет эллик студентлар орасида халқлар дўстлиги моҳиятини очиб бераётганлари алоҳида эътиборга молик. Масалан, уруш ветеранлари билан афгон студентларининг учрашуви таассуротларга ниҳоятда бой бўлди.

Уруш ветеранларининг Қизил Крест ва Қизил Яримой жаҳиятларидаги иштироклари ҳам самаралидир. Ядро уруши олдини олиш бўйича жаҳон шифокорларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаган мазкур жаҳият аъзолари урушининг тиббий ва иқтисодий халокатли оқибатларини кенг тушунтириб бераётирлар. Уқувчилар медицина-санитария тўғйисига тобора кўпроқ жалб этилмоқда, бу ўз навбатида, уруш инвалидларига гахмўрлик, меҳр-оқибат тўғйисларини кучайтирмоқда.

Уруш ветеранлари Совет комитетининг Тошкент секцияси составидаги 18-Армия ветеранлари гуруҳи фаолияти ҳам диққатга сазовор. Чиник ер қаҳрамонлари республикамиз пойтахтидаги ташкилотлар ва корхоналарда, мактаблар ва институтларда ўзларининг жанговар йилларга тааллуқли жонли хотираларини сўзлаб бердилар. Ҳозирги кунда А. Водовозовнинг ўртоқ Л. И. Брежнев сийсий бўлими бошлиги бўлган 18-Армия тарихига доир «Оловли меридианлар» китоби нашрга тайёрланмоқда. «Фрунзевец», «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакциялари ҳузурида уруш ветеранларининг штатсиз бўлимлари мавжуд бўлиб, улар Ҳарбий ватанпарварлик мазун бўйича мақолалар тайёрлашда қатнашмоқдалар. Утган 1981 йилнинг ўзидеки 500 дан зиёд мақола ва очерклар, Ватан уруши қаҳрамонлари ҳақида ўнлаб китоблар эълон қилинди. Республика телевидениесида мунтазам бериб борилаётган «Совет жангчиси» тележурнали, «Қалларда ва хотирада ҳаммиша барҳаёт», «Ажсрат» деб номланган радиоальманах мухлислар эътиборини қозонди.

Уч авлод учрашувлари шаклида ўтаётган тадбирларнинг маънавий аҳамияти ниҳоятда катта. Мазкур тадбирларда Ш. Умаров, С. Умаров, С. Абдуллаев каби Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, А. Велички, М. Каримов, Г. Салоҳидинов каби Шўхрат орденлари кавалерлари, А. Афзалов, Н. Хўжаев, А. Валиев каби Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари фаол иштирок этаётирлар. Партия ва совет ташкилотлари ветеранларимизнинг бу борадаги фаолиятларини муносиб тақдирламоқдалар. Шунинг учун ҳам қўллаб-қувватлашимиз Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар; юзлаб ветеранларимиз Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг, «Билим» жаҳияти ва ДОСААФ Марказий Комитетининг мукофотларини олишди. Оммавий мудофаа проблемалари шаҳар ва район партия комитетлари Пленумларида, коммунистларнинг йиғилишларида мунтазам муҳокама қилинаётганлиги учун ҳам ветеранларимиз ёшларни Ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича маълум ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бу масала Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика ДОСААФни ташкилотларида, халқ депутатлари район Советларида ҳам доимо катта эътибор бериляпти. КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов Ғалабанин 35 йиллиги кунинда ветеранлар активи билан учрашди. Бу учрашуви хотираларда ўчмас из қолдирди.

Республикамизда яшавган уруш ветеранлари партия ва ҳукуматимизнинг гахмўрлигига жавобан ер юзиде барқарор тинчлик учун, семвли Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун куч қувватлари ва истеъдодларини сафарбар этмоқдалар. 1981 йилнинг октябр ойида Уруш ветеранлари Бутуниттифок бешинчи конференцияси бўлиб ўтди. Унда ветеранлар бутун имкониятларини КПСС XXV съезди қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқ ва кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларга қараткишларини таъкидладилар.

Ветеранларнинг секциялари ва Советлари жаҳонда уруш хавфини батамом йўқотиш учун фаолиятини янада кучайтиришлари лозим. СССРнинг ленинчи ташки тинчликсизлар сийватини, КПСС Тинчлик.Программаси моҳиятини ва Совет ҳукуматининг бўйлабги ташаббусларини жаҳон жамоатчилиги онгига етказиш муқаддас вазифамиздир. Зотан, ядро уруши фалокатига йўл қўймайлик, жаҳонда барқарор тинчлик ўрнатиш инсониятнинг энг эзгу ва муқаддас ниятидир.

ШУХРАТИ МУЗЕЙИ

Октябрь революцияси орденли «Коммунизм» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳар йили ўн беш минг тонна «оқ олтин» етиштиради, деҳқончиликнинг бошқа тармоқларини ҳам юксак агротехника талаблари даражасида ривожлантирмоқда. Бу ерда деҳқон меҳнати ҳамиша эъзоз ва эътиборда. Бирлашмада қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлиги юқори. 4 минг 432 гектар суғориладиган майдондан ҳар йили олинладиган ҳариб 14 миллион сўм даромаднинг қирқ проценти ана шу бойликни яратувчиларнинг турмуш фаровонлигини оширишга сарфланмоқда. «Бахт уйи», маиший хизмат кўрсатиш комбинати, беш минг ўринли «Оқ олтин» номидаги стадион, маданият ва истироҳат боғи, «Роҳат» халқ ансамбли ҳўжалик меҳнатқашлари хизматида.

КПСС Марказий Комитети Сибсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидов Рашидов 1978 йилнинг май ойида ҳўжаликка ташриф буюриб, «Меҳнат шуҳрати музейи» очилишида иштирок этди. Шароф Рашидов юксак даража билан ташкил этилган ёдгорлик музейини томоша қилиб, унинг «Ҳурматли меҳмонлар мулоҳазаси» дафтарида қўйидаги сўзларни ёзиб қолдирди:

«Коммунизм» колхозининг тарих музейи ҳам ёшлар учун, ҳам кексалар учун, демак, етидан етмиш ёшгача бўлган ҳамма халқ учун бир университетдир, бир мактабдир. «Коммунизм» колхозининг ҳаёти эса коммунизм даврининг бошланишидир, коммунизм даврининг рамизидир. Вақтлар келадикки, «Коммунизм» колхози ажойиб сановат-қишлоқ ҳўжалик бирлашмасига айланиб, ҳамма ҳўжаликларга коммунизм нурларини сочиб туради ва шунинг учун илгор тажрибалар, мўл ҳосил, олий маданият мактаби бўлиб қолади...»

Музейдаги экспонатлар ўзбек деҳқонининг ўтмишидан бугунги фаровон ҳаётигача босиб ўтган йўлини, мислсиз тараққиёт босқичларини ифода қилади.

Эшикдан киришингиз билан рўпарада уада салдали ва йиртиқ чопонли, оёқ яланг, озғин деҳқон сетмонга суяниб турибди. Унинг бир тарафида мухика, иккинчи томонида чориг. Чорасиз ўзбек деҳқонининг ўтмишдаги аянчли қиёфаси.

Лекин ўтмиш ҳаёти қанчалар оғир ва машоққатли кечган бўлмасин, халқимиз келажақ ҳақидаги энг ягу оруз-ниятларини бетакрор санъат асарлари, сунармандчилик буюмлари мазмунига жо этди. Музей экспонатлари орасидан жой олган мис бар-қашлар, чойжуш ва аёлларнинг зеб-зийнат буюмлари қадоқ қўлли, диди баланд кишиларимизнинг санъатсеварлигидан ҳикоя қилади.

Октябрь инқилоби ижтимоий ҳаётни тубдан ўзгартириб юборди, Ленин партияси меҳнатқаш халқ оруз-истакларини рўёбга чиқарди. Бу йўлда курашган ва жон фидо этган кишилар хотирасини миннатдор авлод ҳамиша ҳўрмат билан ёдга олади. Ёнги турмуш тантанаси учун курашларда фаоллик кўрсатган қаҳрамонларнинг фотосуратлари ана шу эъзоз ифодасидир.

Экспонатларда янги замон руҳи, коллективлаштириш даври акс этирилган.

Музейнинг Улуғ Ватан уруши даврига бағишланган хонаси ҳам экспонатларга бой. Катта панно: Галаба ва учта Шуҳрат орденларининг ёрқин акси. «1941—1945» рақамлари катта қилиб зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ҳўжаликнинг уруш йилларидаги ҳаётига бағишланган фотосуратлар, Галаба йўлида курашган қаҳрамонларнинг жасоратини ифодаловчи ҳужжатлар кишининг эътиборини ўзига тортади. Улар орасида бирлашма директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Бобомурод Омоновнинг катта портрети ҳам зал тўридан муносиб ўрин эгаллаган. Дароқе, мазкур ҳўжаликнинг ташкил топиши ва юксалиши унинг номи билан чамбарчас боғлиқ. Улуғ Ватан уруши йилларида миллионлар сафида кунг қилган, тинч қурилиш йилларида эса бутун естезодини ҳўжаликни юксалтиришга сафарбар ётган Бобомурод Омонов бугунги кунда ҳам унинг гавҳишлари ва қувончлари билан яшамокда. Бир найлари 250 гектар ерга чигит қадаб, 54 тонна тахта етиштирган мазкур ҳўжалик эндиликда 3 минг 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнер-



Шон-шуҳрат музейининг умумий кўриниши.

Х. МАМАТҚУЛОВ фотолари

Музейда ранг-баранг экспонатлар мавжуд.



дан ҳосил кўтармоқда, ҳар йили Ватанга 15 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширмоқда. Ҳўжаликнинг иккинчи муҳим тармоғи бўлган чорвачиликда эса 500 дан зиёд колхозчи, зоотехник ва ветеринария мутахассислари машғулдирлар. Сўнгги йилларда 1400 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси қуриб битказилди. Бу нишот учун 3 миллион сўм маблағ сарфланди. Давлатга дон, картош-ка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум, гўшт, сут, тукум, жун, пилла сотиш панналари ҳам йил сайин ортғи билан бажарилмоқда.

— Усиш суръатларимиз беқиёс,— дейди бирлашма директори Бобомурод Омонов.— Ҳўжаликнинг илк ташкил топган тетапод пайтидан ҳозирги даражагача босиб ўтган машоққатли ва шарафли йўл-лари кўз ўнгимда кечди. 1930 йилда саккиз жуфт ҳўкиз ва ўнта омонга эга бўлган ҳўжалигимиз ҳозирги кунда механизмлашган йирик қишлоқ ҳўжалик корхонасига айланди. Айнисса кишиларимизнинг маънавий қиёфасида, турмуш даражасида рўй берган ўзгаришлар жуда катта. Партия ва ҳўкуматимизнинг меҳнат аҳлига оталарча ғамхўрлиги туйфайли ҳўжалик ва маданий қурилиш вазиралари муваф-фақияти амалга оширилаётир.

Дароқиқат, музейнинг «Бугунги «Коммунизм» деб аталган полотносида ана шу улкан ўзгаришлар

акс этирилган. Бирлашманинг ҳозирги қиёфаси — йирик маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари, кўркем боғлар кўз олдингизда намоён бўлади.

Бирлашма кейинги беш йилликлар мобайнида саккиз марта партия ва ҳўкуматимизнинг Қизил байроғига сазовор бўлди. Бугун ҳўжалик байроғида Октябрь революцияси орденни порлаб турибди. У «Коммунизм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда эришган улкан ютуқлари рамизидир. Ҳўжаликнинг юқори ҳосили пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳанифа Орзиқулова, ишлаб чиқариш новатори Сора Жўраева сингари деҳқонларини бугун бутун эл танийди.

Уттинчи йилда майда ва тарқоқ деҳқон ҳўжаликлари ўрнида ташкил топган оддий коллектив ҳўжалик бугунги кунда юксак даражада машина-лашган, маданияти беқиёс раванқ топган йирик ишлаб чиқариш бирлашмасига айланди. Меҳнат шуҳрати музейи залларига қўйилган экспонатлар, диаграммалар ва ҳужжатлар бирлашма фаолияти мисолида ўсиш босқичларини мухтаасар ҳикоя қилади.

Раҳматулла АБДУРАҲМОНОВ

Сурхондарё области

Қонли кунлар жойираси

1942 йилнинг май ойлари. Немис босқинчиларининг тиш-тирноғигача қуролланган армияси мамлакатимиз ичкарасига бостириб келмоқда эди. Бўлимимиз бир кунлик жангдан сўнг дам олишга ўтди. Лекин ҳордиқ чиқаришга имконият бўлмади. Жангчилар эндигина блиндажларга тушаётган пайтларида яна отишма бошланиб кетди. Қаршимиздан учиб келаётган замбарак ўқлари яқинимизда ёрилиб, ерни ларзага келтирар, устимизга тупроқ ёғдирадди. Ҳаво захарланиб кетгандек, димоғимизга аччиқ, қўланса ҳид урилиб, томоғимизни қичитиб, йўталтира бошлади. Отишма бошланиши билан ўхчиб-ўхчи йўталганимизча окопга тушиб, қуролларимизни шайлаб, душманни кузата бошладик. Отишма узоқ давом этди. Бироқ душман ҳадеганда ҳужумга ўтвормасди. Жангчилар бунинг сабабини тушуна олмай туришганларида бирдангина лейтенант Смирнов пайдо бўлиб қолди.

— Жангчи ўртоқлар!— деди у тантана билан. — Душманнинг плани барбод бўлди. Белгиланган муддатда танкларни етиб келмагани сабабли улар ҳужумга ўтиша олмади. Энди гал бизники. Олга, ўртоқлар!

Бетараф майдон бир зумда жангчиларга тўлиб кетди. Шахмат усулида сочилиб югуриб боришгаётган жангчилар ёлғирдек ёғилаётган ўқни писанд қилмасди. Ботирга ўлим йўқ, деганларидек жангда кўзи пишган жангчиларимиз душман ўқидан ўзларини эхтиёт қилиб бетараф ердаги пастқамликка етиб келишди. Орқа томондан отилаётган замбарак ўқлари рўпарамиздаги иккита уйини қўйиб ташлагач, душман қаршилиги бирмуноқа пасаёди. Жангчилар пастликдан чиқиб, кудратли «Ура» садолари остида душман устига ташланишди. Қишлоқ овоз қилинди. Лекин аламзада гитлерчилар замбарак ўқларини аямай қишлоқ устига ёқдира бошлади. Қоп-қора тузун ва тўзон ичида қолган ўйларнинг гум-журлаб қулашлари снарядларнинг портлашларига қўшилиб, қулоқни қар қиладиган ваҳимали овозга айланди. Осмонга иргитилётган тузунча парчалари, эшик, дераза бўлакларини тўзон ичида бир зум гойиб бўлар, кейин тарақлаганча ерга тушарди.

Лейтенант Смирнов жангчиларни колхоз саройининг бутун қолган девори орқасига жойлаштиради. Мен бир лаҳзада ачнарли аҳволга тушиб қолган қишлоқ манзарасини шу ердан кузатиб турардим. Шу вақт яқинимиздаги бир уйга снаряд тушиб, кишининг асабини қачшатувчи овоз чиқариб портлади. Кейин қандайдир аёл кишининг «Вой-дод», деган чинқирини қулоққа чалинди. Мен шу томондан кўзимни узмай турганимда, жангчилардан биттаси енгимдан тортиб: «Бу ёққа қара», деб шошилганча югуриб келаётган аёлни қўли билан кўрсатди.

Аёл қўлини осколка юлиб кетган уч яшар чамасидаги қизчасини бағрига босганича югуриб келарди. У лейтенант Смирновга яқинлашиб тўхтади. Аёл бир жангчиларга, бир қизил қонга беланган қизчасининг

пахмоқ сочлари билан лўппи юзига телбалардек маъносиз тикилиб қарай бошлади. Бечора она қизчасининг узилиб тушган қўлини ҳам бағрига босиб олган, унинг кўйлаги гўдакнинг қони билан бўялган эди. У шу алфозда бир оз жим тургандан сўнг, сўниқ товуш билан: «Ердам беринглар!», деди.

Смирнов аёлнинг қўлидан қизчасини дарҳол олди-да, биз томонга ўгирди:

— Қани, йигитлар, тезроқ,— деб буюрди. Биз унинг нима демоқчи бўлганини пайқаб, ер қазишга тушиб кетдик. Бир зумда шохларини снаряд юлиб кетган олма тағда кичик бир қабр тайёр бўлди. Смирнов жасадни қаирилламай турди. Кейин кўз ўйларини оқизганча қизчасининг қўлини узатди. Лекин кўп ёш тўмади. Қабрга тупроқ тортилаётганда унинг қўзларида ғазаб ва нафрат ўтлари қақнаб турарди.

Лейтенант Смирнов қабр бошига ўтди-да, қисқа, тазсирли нуқ сўзлаб, жангчиларини ёвуз душмандан қасос олишга чақирди. Ундан кейин аёл гапирди. Аёлнинг сўзлари кескин ва қаҳрли эди. У:

— Қадрли ўртоқлар!— деб жангчиларнинг фикрини ўзига қаратиб, гапида давом этди.— Мени Вера Кузнецова дейишди. Анави бинода,— дея у бармоғи билан қишлоқ марказидаги вайрон бўлган икки кавалети бинони кўрсатди.— қизим Наташанинг отаси билан ўқитувчилик қилардик. Васля Харьков оstonасида ҳалок бўлди. Ҳар гал у Наташанин ширин сўзлабдан аёз юборишимни сўрарди. Отам билан онам ҳам ўрмондан ўтин қисқиб келаётганларидеда душман самолёти ўқидан ўлди. Тинчлик кунларида дунёга келган қизимнинг келажаги, бахти ва саодатидан махрум этиб, ғуборсиз қувноқ кўзларини абадий юмдирган

душман газандаларидан ўч олишим керак. Қизчасининг ширин сўзларини эшита олмай, унинг қадди-бастини кўролмай ҳалок бўлган Васяма учун, оиламизнинг энг ҳурматли аъзолари бўлган қайнонам ва қайнотам учун қасос оламан! Охириги томчи қоним қолгунча душманларга қарши тик бораман!

Вера сўзини тугатиб, сафимизга қўшилди. Вера Кузнецова кейинчалик кўп жангларда қатнашди. Душман билан юзма-юз олишиб, ҳам қизининг, ҳам эрининг, ҳам қайнота билан қайнонасининг қасосини олди. Унинг автомати кўп босқинчиларни ер тиллатди. Кўп ўтмай жангчилар орасида шухрат қозонди. Унинг номи ҳурмат билан оғиздан-оғизга кўча бошлади. Қизил байроқ ордеини билан мукофотланди. Лекин ўторак Вера ҳалок бўлди. Воқеа шундай бўлган эди.

Кеч куз. Дарахлар қизғиш бағрларини тўкиб, киш тайёригини кўриб қўйишган. Гага-гала учаётган қарғалар ўрмонни бошларига кўтаришарди. Тонг отишда баданни жунжидадиган эзирин бошланди. Вера устидаги кўкимтир шинелини ечиб ташлаб, бир даста ўтни ерга санчиб, окоп атрофини ниқоблай бошлади. Унга кўзим тушиб уялиб кетдим. «Офарин сенга, Вера, бизни уялтирдинг. Ҳақиқий жангчи окопда жунжикиб ўтирмайдми», дедиму юхорига чиқиб ўнга қарашдим. Кейин пулемётимни тозалашга ўтирдим. Ҳали пулемёт қисмларини йиғиштириб улгурганимча йўқ эдик, Вера югуриб келди-да: «Тезроқ бўл, нонушта бошланиши биланоқ ҳужумга ўтар эканми», деди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Замбаракларимиз тилга кирган заҳотиёқ окопдан чиқиб, илгарилеб кетдик. Вера ўнг қанотда эди. У тонг эзиринига қарамай шинелсиз, фақат киннастёркада эди. Мудрофаа пунктига ўрнашиб олган душман

қаттиқ қаршилик кўрсата бошлади. Ниҳоят туришининг иложи бўлмагач, қорнимиз билан судрала бошладик. Вера чап қанотдаги Смирновга яқинлашди-да: «Рухсат этинг, ўртоқ лейтенант, ҳув анави харсанг тош қинидаги қаршилик курсатётган нуқтага бора», деди. «Жойингизга бори», сиздан бошқаси ҳам топилиб қолади», деди Смирнов. «Осонгина йўл топиб қўйдим, ўртоқ лейтенант. Рухсат этинг». «Ғап тамом. Фикримиз бу». Смирнов душман мудофавчиларидан кўзини узмай зарда билан гапирди. Вера яна ултимосини қайтарди. «Бўлмайди дедим-ку, ўртоқ Кузнецова, бўлмайди! Ахир, ҳаётингиз учун жавоб бераман. Уринсиз ҳаракат ҳалокатга олиб боради. Тушундингизми? У ерда фақат битта эмас иккита ўт очини нуқтаси бор. Биринчисининг овозини сиз ўчирасиз, иккинчисини эса сизни йўқотади».

Смирнов гапини тугатиб, олға ўрмалаб кетди. Вера чап қанотга ўтиб, жангчилар орасида кўздан гойиб бўлди. Бир маҳал қарасам, у жангчилардан анчагина олдинда ўрмалаб кетаяпти. Чўчиб тушдим. Ахир полкимизнинг кўзга кўринган севимли жангчисини ажал уругини сепатдан икки нуқтага бир ўзи рўпара бўлса чўчимай бўладимми? Лейтенант Смирновга Верани кўрсатдим. Бу пайт Вера харсангга яқинлашиб, биринчи ўт очини нуқтасига граната иргитиш учун ҳозирланаётган эди. Душманни қачлитиш учун лейтенант Смирнов ўриндан даст туриб: «Олга, йигитлар! Ура!!!», деб қичқирди. Унинг салобатли овози жангчиларга етиб борди. Йигитлар шу бўйруқни кутиб тургандек «Ура!», деб қичқирганларича олдинга югура бошладик. Бу пайтда душман қаршилиги бир оз сусайган эди. Бошларини кўтаришга имкон тополмаган жангчилар, энди бемалол югуриб боришарди. Мен харсанг тош томон шошилардим. Чунки Верани ўша ерда кўрганимдан бери гашик борган сари вужудимни қоплаб оларди. Ана, қаршилик ҳам тугади. Иккинчи нуқтадаги омон қолган душман солдатлари қуролларини ташлаб қочиб қолишган эди. Верадан дарак йўқ. «Қаерда экан у? Еки бирор воқеа юз берди-микан», дея югура эканман, ўзимизга савол берардим. Харсанг ёнига Смирновдан сал кейин етиб келдим. Верани шу ерда кўрдим-у, кўзим тиниб, атрофим тини қоронғи тунга айлангандек бўлиб кетди. Севимли Верамиз жонсиз ётарди. Жангчилар уни ўраб олишди. Мен бир чеккада хомш хаёл сурардим. Верани биринчи кўрган кунимдан бошлаб то ҳалок бўлгунга қадар босиб ўтган жанговар йўли кўз олдимдан кино лентасидек ўта бошлади. Доворақ аёлнинг немис босқинчиларига қарши жасуруна курашини хотиралар эканман, унга қалбимдан офарин айтиб ўрнимдан турдим-да, жангчилар орасини ариб Веранин жасадига яқинлашдим. Веранинг чап кўрагидан оқётган қон ерни лопларанга бўзган эди. Узун кинриклик кўк кўзлари ярим юмилган бўлиб, гунча лабларида табассум қотиб қолган эди. У тирикдай ётар эди.



Расмин Н. ИБРОҲИМОВ чизган.

Шербек ота ҳаммагила уя анида таксидан ташди. Шобёр отанинг юкларини машинадан олиб кўр экан, унга юзланиб:

— Отахон, мана, етиб келдингиз, марҳамат,— деб кўйди.

Ота йигитга миннатдорчилик билдирди:

— Барака топинг ўғлим, оғиримни энгил қилдингиз, тўппа-тўғри олиб келиб қўйдингиз.

Шербек ота юкларини эҳтиётлаб бир чеккага олиб қўйди.

— Қаранг-а, бу ерлар жудаям ўзгариб кетибди,— деди ота атрофга ҳавас билан қараб.— Келмаганимга ҳам анча бўлиб қолди.

Ҳақиқатан ҳам отанинг ўғлиникига келганига кўп йил бўлди. Ушанда невараси Элбекнинг турилган кунни муносабати билан йиғилишган эдилар.

Шербек ота ўғлининг илгари Бухорода ўзи билан бирга турган даврларини эслади. Зондбек отанинг яқою ягона ўғли. Ушанда шу арзандасини орау-ҳавас кўрай деб бир нонойнинг қизига уйлантириб қўйганди. У пайтлари Шербек ота колпортда ишлар, авжи куч-қувватга тўлган даври эди. Уруш бошланиши билан фронтга кетди. Урушдан қайтиб келгач, яна савдо ташкилотларида ишлади. Бу соҳада неча йил хизмат қилган бўлса ҳам, лекин бирор ноўрин иш қилмади, давлатнинг молига кўз олайтирмади, «меҳнат дафтари»га доғ туширмади. Кейин уни иззат-ҳурмат билан пенсияга кузатишди.

Зондбек эса уйлангандан сўнг, уч йил ўтгач, фарзанд кўрмаганини баҳона қилиб, хотинини ташлаб алақайларга гоёиб бўлиб кетди. Бировлар Зондбек Душанбада ишлаётган эмиш деса, яна кимдир уни Термиаде кўрганини айтишди. Хотини бўлса эрини кута-кута охири бўлмагач, кийим-кечақларини кўтариб, ота-онасиникига кетиб қолди. Шу давр ичиде Зондбек уйга рав келиб, бир кўриниш берди-ю, хотинининг кетиб қолганига эътибор ҳам қилмай, мени фалон районга ишга юбо-

ОТА ЎҒЛИНИКИГА КЕЛДИ

ҲИКОЯ

ришапти, деб жўнаб қолди. Шундай қилиб, Зондбек ўша районда бўрдоқчилик базасига ишга жойлашиб, кейинчалик эса шу базага бошлиқ бўлиб олди.

Шербек ота совға-саломини ерга қўйиб, эшик кўнгиригини босди. Анчагача ҳеч кимдан дарак бўлмади. Ниҳоят, овоз эшитилмагач, ота бетоқатланиб дарвозани қўли билан тақиллатди.

— Ким?— ичкаридан аёл кишининг овози эшитилди.

— Менман, қизим, оч!

— Кимсиз ўзи?

— Мен, мен отангман, Шербекман.

Эшик занжири туширилиб, кейин келитинг буралган овози эшитилди. Эшик қия очилиб, аёл кишининг боши кўринди. Шербек ота келинини таниди-да, сўраша кетди.

— Ҳа, келин, эсон-омон ўтириб-сизларни, болалар саломатми, Зондбек уйдаими?

Сурайёхон орқага тисарилиб жавоб берди:

— Ўғлингиз командировкага кетган эдилар, уч-тўрт кундан кейин келадилар,— деди.

— Қаерга кетган?

— Кетган жойларини менга айтмайдилар,— қуруқчина жавоб берди Сурайёхон.

Шербек ота уйга киришни ҳам, қайтиб кетишни ҳам билмай эшик олдида бир оз туриб қолди. Кейин келинига юзланиб:

— Уйда ким бор?— деди нима учундир.

— Неварангиз... мен,— деди келини.

— Ҳимм..., шунақами. Ҳозиргина Бухородан келдим, жуда чарчадим, қариллик курсин...

— Кириг,— деди Сурайёхон секингина ва эшикни очиб қайнотасини ичкарига бошлади.

Шербек ота ҳовлига кириб, атрофга кўз югуртирди.

— Ҳовлиларинг анча катта экан-а. Оббо, узумга қарамбсанлар, кул тушиб кетибди-ку!

— Ўғлингиз бунақа нарсаларга беҳафсала, ҳамма ишни мена ташлаб қўйганлар. Қачон сўрасангиз командировка-командировка. Бир кун кўниб уйда ўтирмайдилар. Ўғиллари ўнинчини битиряпти. Эртаю кеч мо-тоцикл мингани-минган. Унга менинг кучим етмайди. Оталарининг эркаси. Яна машина олиб берав эмишлар!

Сурайёхон жаврай-жаврай кириб, кўрпачани олиб ерга тўшади-да, ўзи эшик олдида туриб қайнотасининг овёига қараб қўйди. Ота остонада этгани еча бошлади.

— Нарсаларингизни ҳам, этингизни ҳам шу ерда қолдира қолинг!

Шербек ота итоаткорлик билан келинининг айтганларини бажо келтирди, кейин камсукумлик билан ўзини айвонга олди, кўрпачага тиз чўкди. Сурайёхон ҳам айвон четидеги стулга омонатгина ўтирди. Шербек ота юзига фотиҳа тортиб, кейин яна ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

— Келин, анови анжирини дарров холодильникка қўйинг, атайлаб Бухородан олиб келгандинг.

— Бекор овора бўлибсиз, анжирини ким ерди.

— Эй қизим, ундай деманг, анжир «жаннат» меваси, соғлиққа қони фойда.

Сурайёхон ўрнидан туриб, отанинг айвон четиде қолдирган совға-саломини у ёқ-бу ёқ қилган бўлди.

— Мана шу эшикни ҳам тузатиб бермадилар. Қалит солсангиз чиқмайди.

Шербек ота келинининг эри ҳақида ҳадеб нолий беришига бир оз жаҳли чикди. «Тавба, бу шунақа аёл экан-да, илгари билмаган эканман, аввал келганимда яхши ҳўрмат билан кутиб олган эди-ку. Ажаб, жуда ўз-

тин ўз бахтига завол бўлади», ўйлади ота.

— Қизим, томоғим қақраб кетди, бир пиёла сувми, чойми беринг...

Сурайёхон столда турган катта чойнакни олиб, эрталабидан қолган яхна чойни пиёлага тўлдириб қўйди-да, қайнотасига узатди.

Шербек ота чойни симириб ичди-да, ичкарига кириб кетётган келинига қараб қолди. Чўнтагидан рўмолчасини олиб юзини артди. Кейин айвонга, моҳир устанинг чизган гулларига разм солди. «Болаб ишлабди, қўли дард кўрмасин», деб дилидан ўтказди. Жиҳозлари ҳам чакки эмас.

Шербек ота ўтираверди, келини ичкарига кириб кетганча анчагача жим бўлиб қолди. Ота бир оз хижолат чекди, ўнғайсизланди.

Ўтириб-ўтириб Шербек отанинг хўрлиги келди. Бир вақтлар ариллаб-дариллаб юрган даврларини эслади. Бухоро инқилобиде Қизил Армия сафиде туриб амир аскарларига қарши жангда қатнашганди. Ушанда жанговар Қизил байроқ нишонини билан муқофотланганди. Уша вақтлар орденни тақиб юрганиде кўчаде одамлар унинг орқасидан эргашиб боришарди, ўраб олишиб саволларга кўниб ташлашарди. «Мана шу меҳроқибатсиз келинимга ўша орденни бир кўрсатиб қўйсанг», ўйлади ота. Ватан уруши бошланиши билан Шербек ака биринчилар қатори ихтиёрий равишда армияга кетди. Тўрт йил жанг қилди. Курск остонасидеги ўша машҳур ҳаёт-мамонт жангиде ярадор бўлди. Қайтиб келгач, район универмагига директор қилиб қўйишди. Ҳа, унинг ҳаёлидан ўтказиб, негадир бир оз газаби кўзгалди. Ҳамма айб анови димоғдор, галаври ўғлимда! Мен уни тишли-тирноқли қилиб тарбиялаб олмадим. Уз ҳовлига қўйдим: оқибат аҳвол мана шу! Ҳали неварам қандай бола бўлди экан. Зондбекка ўхшаган «осмондан овғини узатиб тушган» димоғдор бўлиб ўсган бўлса чакки бўлади.

— Ҳой келин, қаердасиз?— Ҳеч ким овоз бермади. Ота жавоб келдимикан деб қулоғини динг қилиб турди. Ҳеч бир нида бўлмагач, ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа юра бошлади.

— Келин, қаердасан!— деб энди сансиреди ота.

— Нима дейсиз,— ичкари ўзининг айвонига қараган эшиги очилиб Сурайёхоннинг боши кўринди.

— Вой, вой, нега турдингиз, чой қўйгандим...

— Чой керак эмас, қўявер. Кўнглингизга келмасин-у, битта гап айтман: давлатларингиза маҳлиё бўлиб ҳўрмат-иззат, одамгарчилик деғар, нарсаларни унутибсанлар! Э-хе, эссиз-эссиз инсон... Сенларга раҳимин келадди. Нима бўлди сенларга!— Ота бошини чайқаб-чайқаб қўйди.

— Нима бўлганини ўғлингиздан сўранг,— деди Сурайёхон.

— А, нима— деди!

— Яқшанба кунни қаёққа кетясангиз, десам мени тергайдиган одам ҳали туғилмаган,— деб оғизларига келган сўзлар билан ҳақорат қилдилар!

— Хайр, мен кетдим.

— Қаёққа, дастурхон тайёрлаётган эдим.

— Эй келинжон, оппоқ қизим, ҳеч овора бўлманг, ҳа, ҳа, узр.

— Вой, қаерга борасиз?

— Дунёда яхши одамлар кўп, ўша ёққа бораман.

— Кетманг, ўғлингиз билсалар-хафа бўладилар.

Шербек ота ҳовлига чиқиб, остонада турган этингни кия бошлади. Сурайё айвонда туриб отанинг қийналиб этик кийишига қараб турди.

Ота эшик томон бир оз юриб бордида, келинига қайрилиб:

— Эшикни маҳкам қўлфлаб олинг,— деб қўйди.



Расмини А. ХОЛИҚОВ чизган

САХОВАТ

— Муваффақиятларимиз сиримиз.— раиснинг юзига ним кулги югурди.— Бунинг ҳеч қандай сирин йўқ. Ҳама гап ерга чинакамига ихлос қўя билишда. Тупроққа қанча меҳр қўйсанг, у саховатини шунчалар аямая сочади. Мана, қаранг,— дея Алексей Янфанович хона деразаларидан бирининг дарпардаларини очади. Правление биносининг иккинчи қаватидан колхознинг уфқларга туташиб кетган далалари кўзга ташланади.— Ана шу, сизлар айтмоқчи, қиш кўрпасига бурканиб ётган бўлиқ далалар ўрни яқин ўн йилликлар нарида ботқоқликдан иборат ерлар эди. Узбеклар, руслар, корейлар ва бошқа миллат вакиллари бир мақсад йўлида бўлашиб, ана шу заминга билан кучи, қалб кўрини бердилар. Хув дала четидаги тўп-тўп пахта хирмонлари кишиларимиз меҳри эвазига ернинг берган саховатидир. Рақамларни келтириб ўтирмайман, биргина факт шуки, ҳар гектар ердан 42 центнердан пахта ҳосили олдик. Каноп пояси гектар бошига 190 центнердан, шולי эса 60,4 центнердан тушди.

Ерга ишлов беришнинг юксак агротехник усулларини қўллаш, партия ва ҳукуматимизнинг биз дехқонларга кўрсатаётган битмас-туганмас ғамбарлиги туфайли турли соҳаларда ана шундай ютуқларга эришайтирмиз.

Ернинг дехқонга саховати юқоридеги рақамлар билангина ўлчанмайди. Колхоз территориясида қад кўтарган муҳташам маданият саройи, мунтазам ишлаб турган кинотеатр, кишилар хизматидеги маданият ва истироҳат боғи, савдо маркази ва «Болалар дунёси» магазини ҳам ана шу меҳнатнинг самараларидир. Ҳозирги пайтда колхоз территориясида хутор системаси батамом тугатилган. Колхоз аҳли берча қулайликларга эга бўлган замонавий хонадонларда истиқомат қилмоқдалар.

— Энг муҳими,— дея сўзида давом этади Алексей Янфанович,— кишиларимиз онгида буюқ ўзгаришлар рўй берди. Кишиларимиз фақат ўз хўжалиги ташиши билан эмас, умумхалқ ташиши билан нафас олаётгани. Битта мисол: яқинда чорва хўжалигида машғул ёшлардан бири ҳузурига келиб: «Раис, кўзигиз-тушдингиз, йўқми?», деб «Правда» газетасининг бош мақоласидеги мана бу жумлаларга эътиборимни тортди. «Бир центнер сут ишлаб чиқариш учун сарфланадиган озуқани атиги бир процентага камайтириш натижасида мамлакат миқёсида деярли миллион тонна қўшимча маҳсулот олиш мумкин... Чорва сонини бир процента ўстириш уч юз миң бузоқ, ярим миллиондан зиёд чўчка бошига тенгдир». Еш мутахассиснинг унсиз саволини дарров фаҳмладим — хўжалик миқёсида чорвачиликни янада ўстириш учун яна нималар қилсак экан, деган ўй-фикр билан менга термулиб турарди у. Партия ва ҳукуматимиз мазкур беш йилликда озиқ-овқат программасини ҳаётиятнинг йўл-йўриқларини белгилаб берди. Бу вазифани амалга ошириш ҳар бир хўжаликнинг, ана шу соҳа билан машғул ҳар бир мутахассис ва меҳнатчининг виждон бурчига айланган паллада кишиларимиз онги ва психологиясида рўй берибётган ўзгаришлар катта аҳамият касб этади. Партиямиз олдинга сурбатган вазифалар фидойи кишиларимиз меҳнати туфайли тўла рўйбга чиқишига ишонч тугдиради...

Кўздан пинҳон резерва ва имкониятларни қидириб топиш ва ишга солиш оқибатида маҳсулдорлик ошиши, унинг сифати яхшиланиши, таннархи камайиши турган гап. Бунинг натижасида план ва топшириқлар ортиги билан бажарилди, халқнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлароқ қондирилади. Ана шу фикрдан келиб чиқиб, мутахассисларни бир нарса ўйлантириб қўйди: ҳозирги пайтда район территориясида 20 миң қорамол (шундан 6 миң 600 таси сигир), 40 миңтадан зиёд чўчка, 70 миңдан ортиқ парранда боқилади. Иш агар тўғри йўлда қўйилса, ҳар бир сигирдан ўн ойга биттадан бузоқча олинади. Маълум муддат улар сизга сут билан боқилади. Ана шу сутни унинг ўрни билан босадиган бошқа озуқа билан алмаштириш мумкин эмасмикин?

Ташкент Қишлоқ хўжалиги институтининг мазкур районда жойлашган ўқув хўжалигида экспериментлар бошланди. Бу ишга раҳбарликни хўжалик директори Шокир Хадралиев ўз зиммасига олди.

Тажрибалар муваффақиятли аяқланди: қоймоғи олинган, лекин оксил моддаларини ўзида сақлаб қолган сут «қиқиндиси»га паст сортдаги ун, кунжага кукунни, макро, ва микроэлементлар қўшилди. Унинг номини «сузий сут» деб атадилар. Натижада тонналаб сут иқтисод қилиб қолинди.

— Қорамол сонини ўстириш борасида ҳам диққатга молик ишлар қилиняпти,— дейди хўжаликнинг собиқ директори, ҳозирги пайтда район партия комитетининг биринчи секретари Шокир Шоматович.— Озуқа базасини талаб даражасида мустаҳкамлаш, ферма ва комплексларни механизмлаштириш натижасида 1983 йилга бориб, қорамол сонини бир ярим баравар ўстириш имкониятига эга бўламиз. Партиямиз олдинда сурган озиқ-овқат программасини изчил амалга ошириш учун берча ички резерв ҳамда воситалар ишга солиняпти. Район хўжаликларидеги, илгор тажрибалардан моҳирлик билан фойдаланаётган Димитров номли колхоз мисолида бунга янада чуқур ишонч ҳосил қилиш мумкин... * * *

— Чорвачилик ниҳоятда мураккаб, айтиш мумкинки, инжиқ соҳа,— дейди район ветеринария станциясининг шифокори Бенони Канаев.— Шунинг учун бу соҳа билан машғул киши ўз касбига сидқиқидан меҳр қўйиши керак, акс ҳолда иши орқага кетаверади. Айниқса, озуқа базасини мустаҳкамлаш, озуқа рационини кучайтириб бориш, ферма ва комплексларнинг тоза-озодлиги, лозим бўлганда ҳарорат мўътадиллигини доим назорат қилиб туриш керак. Ифлосланган сигир бир неча литр сутни кам беради, агар у соғувда қолса, сутнинг бир қисминини ўзини иситишга сарфлайди. Шу сабабдан ҳам «Сигирнинг сuti — тилда», деб бежиз айтишмаган.

— Бу фикр устоаларимиз ва ўзимнинг тажрибамда тўла тасдиқланган,— дея суҳбатга қўшилади ёш сут соғувчи Лола Қўчқорова.— Биз, сут соғувчилар, зиммамизга бирктилган сигирларни ёз фаслида уч маҳал, қишда эса икки марта — эрта соҳар ва кечки пайт соғиб оламиз. Ферма-мизда 1 миң 400 бош қорамол бор,

шундан 800 тага яқини соғиниб сизгир. Шуларнинг ҳар биридан 4—4,5 миң литрдан сут соғиб олмақдамиз. Агар сизгир тўйиниб озукланса, аяшилаб парварिश қилинса, ишончим комилки, кунига 2—3 литрдан сутни мўлроқ беради. Ферма қошида очилган сут соғувчи қадрларини тайёрлаш курсларида ҳам ана шу жиҳатларга катта эътибор берилди. Нина Яковлева, Шура Лохматкина каби сут соғувчиларимиз ўз касбининг сир-асорини пухта билгани учун ҳам доим илғорлар сафидан ўрин олиб келадилар. Лекин сигирларнинг тоза, озодлигини бир хилда сақлаш ҳаммиса ҳам кўнгилдагидек эмас.

Суҳбатга колхознинг бош зоотехниги Николай Шин қўшилади:

— Бу гапдаги таъна ўринли,— дейди у.— Айниқса ёгин-сочин кунларда сигирларнинг тозаллигига риоя қилиш анча мушкуллашиб қолади. Сабаби? Ферма ичидеги техник жиҳатларни жойлаштиришдаги камчиликлар, ташқаридеги очиқ майдонларнинг ниҳоятда торлиги кўпгина ноқулайликлар тугдирапти. Лоийҳалаш ва қурилиш ташкилотлари бизнинг тақлиф ва истақларимизни инобатга олишавермайди. Бир мисол: сизгирни соғишдан аввал бўйинга арқон ташланади. Лоийҳада ҳар бир сизгирнинг оҳури олдида унинг бўйинига тушадиган ҳалқа қўйилган, буларнинг ҳаммаси бир жойдан бошқарилади. Айтайлик, юзта сизгир соғиладиган бўлса, уларнинг ҳаммаси бирваракайига ҳалқа ёнига келиши керак. Миңг афсуски, буни амалда ҳеч қачон рўйбга чиқариб бўлмайди. Натижада биз ана эски усулга қайтиш. Очиқ майдонлар эса сизгирлар учун ниҳоятда ноқулай, бу ерда улар қўл-оёғини ёзиши учун имконият йўқ. Шуни назарда тутиб, биз ана шу очиқ майдонларни кенгайтира бошладик. Лекин эришавтган ютуқларимиз ҳам оз эмас. Хўжаликда чорва кишлоғига пухта тайёргарлик қурилди. Утган йили озуқа маҳсулотларининг маълум бир қисминини бошқа хўжаликлардан олишга мажбур бўлган эдик. Бундан тегишли хулоса чиқариб, бу йилги чорва кишлоғи учун 1 миң 600 тонна беда пичани, 7 миңг 500 тонна силос, 2 миң 800 тонна сенаж, 1 миң 800 тонна хашаки лавлаги, 200 тонна витаминли ўт уни жамғардик.

Ҳа, хўжалик чорвадорлари ва паррандабўқарлари аҳолининг гушт, сут, туҳумга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ишга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Ушбу маҳсулотларни кўпайтириш — давр талаби эканлигини мазкур соҳада банд бўлган ҳар бир киши чуқурроқ англамоқчи. Шунинг учун ҳам меҳнатга коммунистик муносабат туйғуси тобора изчил қарор топаётир. Молбоқар Тўхтасин Қодиров ва В. Исоқова, Клара Юн каби паррандабўқарлар топширилган вазифага масъулият туйғуси билан ёшларга ибрат намунасини кўрсатаётирлар. Район миқёсида эса бу соҳага қадрларни кўпроқ жалб этиш масаласи чуқур ўрганилмоқда.

Шу нарса ҳам аёнки, ҳеч бир хўжалик ўз ҳолича юқори кўрсаткичларга эришолмайди. Хўжаликлар оро тажриба алмашиши, йўл қўйилган камчиликлардан фойдали хулосалар чиқариши ва бир-бирига сидқиқидан кўмаклашиши муваффақиятлар гарови ҳисобланади. Масалан, янги туғилган бузоқлардан саралини, маълум муддат парварिश қилинган, эркак бузоқлар Охангарон районидеги «ВЛКСМ 50 йиллиги» номли савоат комплекси совхозига, ургочилари эса райондаги Волков номли совхозга жўнатилади. Бу ерларда бузоқлар кучайтирилган режими асосида тўйимли озуқа билан боқилади, қорамоллар зоти янада аяқшиланишини таъминлайди. Бундан ҳар бир хўжалик, оқибат-натижада эса юртимиз манфаат кўради. Фақат бу ишларни янада изчил йўлга қўйиш ва такомиллаштириш лозим, токи берча резерв ва имкониятлар кўзи очилмаган булдоқдай яширин қолмасин...

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1981 йли ноябрь Пленуми бошқа соҳа меҳнатчилари қатори чорвадорлар зиммасига ҳам катта вазифалар юкледи. Чорвачиликни экономикаимизнинг сердаромад тarmoғига айлантириш учун ҳамма хўжаликларда изчил кураш давом этмоқда. Биз ана шундай хўжаликлардан бирининг ҳаёти ҳақида қисқача ҳикоя қилдик.

Баҳодир АМИНОВ

Ғалаба районидеги Димитров номли колхоз



Боёво ва неварра.

Н. ШАРИПОВ фотоси

МИЛЛИОНЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

КПСС XXVI съезди ўқтириб ўтганидек, телевидение ва радиодан берилаётган ҳар бир кўрсатува ёки эшиттириш миллионлар билан чинакамга жонли мулоқот тусини олгандагина меҳнатқашларни юксак идеаллар руҳида тарбиялаш ишга ҳизмат қилади. Воқеликдаги фактларни ҳаққоний ва зудлик билан кўрсатиб беришгина эмас, балки уларни чуқур таҳлил этиш ва жиддий умумлашмалар чиқариш ҳам муҳимдир.

Марказий телевидение эшиттиришларини ҳар куни юз миллион киши томоша қилади. Айниқса Ватанимиз тарихининг инқилобий саҳифалари, ленинчи большевикларнинг ҳаёти ва курашига доир мавзулар катта қизиқиш уйғотмоқда. Айни кунларда киноҳужжатчилик 16 сериядан иборат «Владимир Ильич Ленин» фильмини суратга олмақдалар. Мазкур телефильм замондошлар хотираси, фото ва киноҳужжатлар асосида дохийимиз биографиясини акс эттирди. «20 декабрда» деб аталган тўрт серияли телефильм эса Бутуниттифоқ Фавқулодда Комиссиянинг фаолиятига бағишланади.

Уртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Кўриқ», «Эсдаликлар» асарлари асосида суратга олинган кўрсериали ҳужжатли телевидение фильмлар, эфир тўлқинларидан таралган эшиттиришлар социалистик жамиятимизнинг муҳим босқичларини жонлантириб берди ҳамда телевидение ва радионинг имкониятлари битмас-туганмас эканлигини яна бир бор намоий этди.

Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ҳам сўнгги пайларда адабиётимизда муҳим из қолдирган баде-

лар билан бойиди. Республика ёзувчиларининг телекўрсатува ва радиозиттириш редакторлари, режисёрлари билан алоқаси кучайганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Яқин икки йил ички оқибатида юзга келган «Оловли йўллар» кўрсериали телефильм инқилоб куйчиси Ҳамза ҳаёти ва фаолиятининг турли қирраларини қамраб олади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг «Умид» романи асосида яратилган кўрсериали телефильм эса замондошимиз маънавий дунёсини бадий тадқиқ этиши билан минглаб телетомошабинларга манзур бўлди.

Телевизион кўрсатувлар ва радиозиттиришларнинг мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланиш тўғрисида бу соҳада жанрлар ранг-баранглиги юзга чиқмоқда. Радио-песалар, теле ва радиодисципровакалар, бадий ва ҳужжатли фильмлар муҳлислар эътиборини ўзига тортаётди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекнинг «Кутлуг қон», Одил Ёқубовнинг «Улугбек ҳазинаси», Уткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романлари ва бошқа асарлар асосида яратилган видеофильмлар минглаб санъатсеварлар қалбини эбат этди, адабиётнинг таъсирчанлигини янада кучайтирди.

Воқелигимизга хос оддий фактлар моҳиятини публицистик руҳда очиб берган баъзи кўрсатувлар бадий умумлашма даражасига кўтарилиб, томошабинни чинакамга ҳаяжонга солаётди. Ҳамза номидagi республика Давлат мукофотига сазовор бўлган «Ўзбекистон: сўзсиздан сўздэгача» ҳужжатли фильми бунинг ёрқин мисолидир.

Кўрсатувларда янги форма — театр спектакллари асосида яратилган спектакль-фильм пайдо бўлди. Умуман, телевидение ва радионинг фаолияти бадий адабиётнинг деярли барча жанрлари, айниқса шеърят, кўшиқчилик ва драматургия билан чамбарчас боғлиқдир.

Портретлар устаси Ираклий Андронниковнинг чиқишларини муҳлислар хамisha ҳаяжон билан қарши оладилар. Янгича ва ўзига хос мазкур адабий форма орқали муаллиф ҳаёт ҳақидаги мушоҳадалари, нуқтаназарлари ва баҳосини ўта жонли, кучли баён этади.

Радиороман жанрининг пайдо бўлиши яна бир янгилик ҳисобланади. Михаил Ульянов Михаил Шолоховнинг «Тинч Дон» романини радио орқали ўқиб, адабиёт ихлосомандлари даврасини янада кенгайтирди.

Халқ оғзаки ижодида бағишланган теле ва радиотелевизионнинг аҳамияти жуда катта. Телевидение ва радиозиттириш комитетига республикамизнинг турли жойлардан пайдар-пай келиб турган мактублар халқ оғзаки ижодини янада кенг тарғиб-ташвиқ этишга бизни даъват этади.

Ижодкорларнинг радиозиттириш ва матбуот билан алоқаси азалий ва доимий аънамага эга. Дохийимиз В. И. Лениннинг, у асос солган Коммунистик партиянинг санъаткорларга вевосита ғамхўрлиги тўғрисида бундай алоқа юзга келди ва мустаҳкамланди. «Искра» газетасининг ilk сонларидаёқ адабиёт масалалари кенг муҳокама қилина бошланганди. В. И. Ленин «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласида санъатнинг иж-

тимоий ҳаётда тугган ўрни ва ролини белгилаб, адабиётнинг партиявий иш ва халқ манфаатларидан четда туриши мумкин эмаслигини кўрсатиб берди. Ёзувчиларимиз дохий васиятларига амал қилган ҳолда жамият ҳаёти билан алоқаларини кун сайин мустаҳкамлаб бораёттирлар. Хусусан, халқ билан алоқанинг энг самарали воситаси бўлмиш телевидение ва радио орқали муҳим ҳаётий проблемаларни дедил кўтариб чиқмоқдалар. «Константин Симонов радио ёки телевидениега доим аниқ ва муҳим аҳамиятга молик масалалар билан кириб келарди,— деб эслади таниқли шoir Роберт Рождественский.— Кейин эса қатъий ва изчиллик билан ана шу масаланинг мукамал рўёбга чиқишига интилади. Бунда ўзини ҳам, кучини ҳам, вақтини ҳам аёб ўтирмақдир». Фаол инсон учун курашдаги изчил йўл кўпгина ўзбек ёзувчиларига ҳам хосдир.

Партия XXVI съезди қарорларини ўз икки йил фаолияти учун дастуриланган деб билган ёзувчиларимиз бадий адабиётнинг бой имкониятларидан тўлароқ фойдаланмоқдалар. Лекин сермазун ҳаётимиз анги-яни масалаларни кундан-кун қўймоқда. Назаримизда, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қозида телевидение ва радиозиттириш бўйича Совет тузилмаси, максдаги мувофиқ бўлув эди. Коммунистик партия оммавий ахборот воситалари ва адабиёт олдига халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати билан алоқасини кучайтириш вазифасини қўйди. Теле ва радиожурналистларнинг ёзувчилик билан ҳамкорлигиде амалга оширажак ижодий ишлар ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

ЖАСОРАТ САҲИФАСИ

Район ҳарбий комиссари Омонбоев конвертни очиб, Белорусиядан келган хатни ўқий бошлади: «Ҳурматли Балиқчи район ҳарбий комиссари!

Биз Улуғ Ватан уруши йилларида Белорусияга тулғори учун жанг қилиб, мардик кўрсатган жангчилар ҳақида материал тўплаётгирмиш. Ҳамюртингиз Райимжон Исроилов тўғрисида маълумот юборишгизни сўраймиш. У 1944 йилнинг июнида Витебск область, Шумилов районидagi Поддубье қишлоғини озод қилишда жасорат кўрсатган. Самимий салом билан: А. Л. Патрашкевич, Белоруссия Совет энциклопедияси бош редакторининг ўринбосари».

Комиссар мактубини ўқиб бўлгач, ҳавлга толди. Райондаги «Москва» колхозида яшовчи, Улуғ Ватан уруши ветерани Райимжон ота Исроиловнинг таниш қиёфаси кўз ўнгидан ўтди. Ундан эшитганларини эслади. Воқеа бундай бўлган эди. 1944 йилнинг ази. Витебск область, Шумилов районининг Поддубье қишлоғи учун кескин жанг борарди. Ҳаёт-мамот олинмувида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатаётган довураклар орасида анджонлик Райимжон Исроилов ҳам бор эди. Ҳа, Ватанимизнинг ҳар бир қарич ери учун қаттиқ олишув борарди. Гарчи душманиннг ҳимоя ҳизмати ёриб ўтилган бўлса-да, фашистлар осонликча чекинмасди. Икки тарафдан ҳам ўқ дўл-

дек ёғдириларди. Қишлоқни озод қилиш учун бир кеча-кундуз аёвсиз жанг олиб борилди. Тонгга яқин қишлоқни бизникилар тўла ишғол қилдилар. Гўлиб жанговар қисмларимиз душманини таъбиқ этишда давом этдилар. Поддубье қишлоғини озод этишда алоҳида жасорат кўрсатган жангчилар ҳукуматиимизнинг орден ва медаллари билан тақдирландилар. Ўзбек жангчиси Райимжон Исроилов ҳам СССР Олий Совети Президиумининг фармонига мувофиқ «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

...1944 йилнинг қиши, декабрь кезлари эди. Уй юмушлари билан ҳовлида ўралашиб юрган она ўше қаҳратон қиш кунларининг бирнда ҳайратдан нима қиларини билмасдан турган жойида қотиб қолди: оstonада қизил аскар кийимида ўғли Райимжон турарди. Йигит ўзини онамизорининг бағрига олди...

Уруш қаҳрамон халқимизнинг ғалабаси билан туғалгач, Райимжон Исроилова бир неча йил Балиқчи район комсомол комитетида инструктор бўлиб ишалади. У комсомолнинг масъул ходими сифатида уруш оқибатида издан чиққан халқ ҳўжалигини тиклашда фаол қатнашди. 1949 йилдан кейин комсомол йўлланмаси билан пахтачилик бригадасига бошчилик қила бошлади.

— Биз, уруш қатнашчилари, жангу жадаллардан омон қайтганимиздан сўнг меҳнат фронтида ҳам матонат билан ишладик,— деб эслади ўша йилларни Райимжон ота.— Уруш йилларидаги азоб-ўқубатлар ҳам биримизни янада саботлироқ бўлишга ўргатди. Шунинг учун ҳам қийинчиликлардан қўрқмасдан бутун куч-ғайратимизни Ватанимизнинг равақи йўлига сарфладик. Пахтадан мўл-ҳосил олиш учун янги ерлар ўзлаштирдик, аввалдан экилиб келинган майдонларнинг ҳосилдорлигини ошириш пайида бўлдик. Бригаданимиз йигирма йил мобайнида пахта ҳосилдорлигини 15—17 центнердан 38—41 центнерга етказишга эришди. Буни мақтаниш учун айтаятганим йўқ. Балки халқимизнинг нималарга қодир эканидан қувониб айтаялмам.

Райимжон ота 1970 йилга қадар Балиқчи районининг «Москва» колхозида пахтачилик бригадасига бошчилик қилди. Уз тажрибасини ёшларга ўргатди. Бугун эса у пенсияда, кескалик таштини суряпти. Лекин у ҳалиям деҳқон даласидан оёқ узгани йўқ. Шогирдлари Абдурашул Ҳақимов, Таштонбой Чименов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда тез-тез бўлиб, пахтакорларга ўзининг қимматли маслаҳатларини бериб туради.

Балиқчи район ҳарбий комиссариати Улуғ Ватан уруши ветерани Райимжон ота Исроиловнинг жанговар ҳаётига оид материалларни Белоруссия Совет энциклопедияси бош редакциясига юборди. Энциклопедия нашриоти «Белоруссия шўҳрлари ва районларининг жанговар шўҳрати йилномаси» деган китобни нашрга тайёрламоқда. Матонатли жангчи Райимжон ота Исроиловнинг қардош Белоруссия қишлоғини ёвуз душмандан озод қилишдаги қаҳрамонлиги ҳам мазкур китобдан муносиб ўрин олади.

Ҳа, қаҳрамонликнинг янги саҳифаси битилимоқда.

Муҳаммадjon ҚАРИМОВ

СЕН – МАНГУЛИК, СЕН – ШАРАФ...

Эслайман сени

(Номазлум солдат ҳайкали пойида)

Бугун кутлуғ саждагоҳга яна тушар йўлим бор,
Маҳзун чаманлардан унга атаб терган гулим бор.
Эвоҳ, нечун бу оламда ногаҳоний ўлим бор,
Менинг, сенинг бахтимиз деб, жон берган нургулим бор,
Норгулларга тушса кўзим,
Учар бўлса тонг юлдузи,
Эслайман сени.

Гул очганда фасли баҳор янги боғлар, чаманлар,
Эгарланса кутлуғ сафарларга тулпор, саманлар.
Остонада гулбарглардай кузатсалар санамлар,
Соғинчларнинг баёзини ёзар бўлса қаламлар,
Келса олислардан чопар,
Севинч — кўз ёшидан хабар,
Эслайман сени.

Куйиб кетган дарахтлардан чиқса яна япроқлар,
Саҳроларнинг луғатидан ўрин олса гулбоғлар,
Одамизод бир кафт она тупроғини ардоқлаб,
Ватанининг сарҳадидан кетар бўлса йироқлаб,
Олислардан соғинсалар,
Талпинсалар, сигинсалар,
Эслайман сени.

Жавоҳирлар тизимидан узилса дур, садафлар,
Ғам-андухни оқизса гар гулгун шароб, қадахлар,
Булутларнинг чодирини сўкса кўёш чарақлаб,
Урушларнинг дафтарини қолар бўлсам варақлаб,
Гулчамбарлар келтирсалар,
Е пойингда ўлтирсалар,
Эслайман сени.

У кунларнинг бағридан бўйлар сенинг ёшлигинг,
Балки ҳамон мотамдадир, севган қалам қошлигинг,
Айт азизим, баҳор билан борми қариндошлигинг,
Сўнмас бир ишқ ҳадея этар сенга ватандошлигим,
Ғунчалар гар чок ўлсалар,
Булбуллар нола қилсалар,
Эслайман сени.

Диёнатни одамлар солса гар тарозуга,
Зилу замин юк ортиб қўйса умид, орауга,
Ўтган кунлар ёдини солиб кўрмай кўзуга,
Бино қўйса баъзилар ҳисоб бермай ўзига,
Унутсалар ҳижронни,
Не-не мўътабар жонни,
Эслайман сени.

Сени номазлум дейдилар, аслида сен шондирсан,
Оқ тонгларим-чун тўкилган тоза, кутлуғ қондирсан,
Эътиқоду имондирсан, юракда виждондирсан,
Ҳасратларинг онани пинҳон-пинҳон ёндирсан,
Қўнса киприкка ёшлар,
Эслайман сени.

Гап ва фикр жанги

(Бир адабий танқидчиға)

Бир жанг кўрдим қиличсиз, қирғинсиз эди бу жанг,
Лекин жонин, жаҳонин тиккан эди иккиси.
Гап дегани голибдир,

Фикрнинг-чи, ҳоли танг,
Фикр меҳнат билан банд...
...еб юрар Гап даққисин.
Кўриб турибман, бунда ҳар нарсани қилар ҳал
Низо сўғорган дарахт нишон эрур, кетар жанг.
Бир сўқмоқ эдию, бириси эди гузар,
Лекин бунда кўчмас, устивордир тупроқ, чанг.
Ғапдонлик — доноликми? Ўйлагунча одамлар,
Гап дегани қулатди фикр қурган қасрни.
Қуллуқ қилсин деди-я, фарзандларга оталар
Жим турдилар лоқайдлар... билмам, улар басирми?
Фикр ҳамон ҳайратда... наҳот Гапнинг замони,
Улоқда ҳам чопар гап, тузоқда ҳам у ўзи.
Фикр ўлмас, бу аён... одам ўзи омонми?
Ғапларнинг қуюнида кетмадимикин тўзи?!
Алҳазар!

Голиб келса бардошлар,
Эслайман сени.

Сен — мангулик, сен — шараф, сенсан меҳр кўрида,
Ўлтирсан биз билан давраларнинг тўрида.
Андуҳларимизда сен, шодликларнинг мавжиди,
Кўшиқлар куйлар бўлсак, куйларимиз авжиди,
Тўй тузатса ёронлар,
Куйласалар ёр-ёрлар
Эслайман сени.

Ҳижрон билмай ўсмоқда ўспиринлар бу юртда,
Машъаллар ҳам ёнмоқда... бағри қону сукутда,
Кўвонч-олам, ишқ-жаҳон ҳар бир қизда, йигитда,
Қиличлар ҳам деворда, ором олар совутда,
Кўёш чиқса тўлишиб,
Ёғдуларин бўлишиб,
Эслайман сени.

Эвоҳ, сўзламайди-ю ёндирди ҳайкаллар,
Машъал тебранар... уни нур қалами сайқаллар.
Аслида бу — дунё гап, дунёлигинг пайқарлар,
Ирмоқ бўлиб келганлар, дарё бўлиб қайтарлар,
Кўрсам юртда фозиллар,
Дала тўла ҳосиллар,
Эслайман сени.



Ўғил зотига тўймас, билсанг агар аёллар,
Ўғилни алқаб ўтган гадо, султон, аъёнлар,
Ўғилларсиз дилшодлик кўрмайди-ку замонлар,
Ўғиллардан ҳайиқар қабохатлар, ёмонлар,
Ёқса алам-ғурбатни —
Яхшиларнинг суҳбати,
Эслайман сени.

Ҳадемай келар баҳор гувраб қолар ғунчалар,
Ҳар бутуқнинг кафтида феруза тугунчалар,
Ўғлоним ёдинг олиб сарқаш ел севинчилар,
Машъала уйғоқ, уйғоқ! Таъзимда ўткинчилар,
Келтирганимда гуллар,
Оташ ўтинг ловуллар,
Эслайман сени.

Мактуб

Кўзига.
Пинҳон-пинҳон сақланар дил
Сўзига.
Соғинч недири, изламагин
Мактубдан,
Соғинч бедор дилнинг туби
Тубида.

Осмон тўла қарвон ўтар —
Қалдирғоч,
Тонгда сени мактуб кутар —
Бағринг оч.
Қалдирғочдай талпинчоқдир
Юраги.
Лекин жуда тортинчоқ у
Негадир,
Сўргил, нега ўзин ўзи
Доғлайди.
Хаёл ипин хаёлларга
Боғлайди.
Тунлар — қалам унинг севган
Ўртоғи.
Тонглар — дафтар у ёқтирган
Гулбоғи.
Кўзларида юлдуз асраб
Термулди,
Дафтариди тонг саҳарлар
Гул унди.
Назар солгин, унинг ўтли



Мзимта дарёси

(Кавказ дафтарида)

У тоғлардан келади
Асов, бебош, югурик
Кумуш камар белида,
Қиличини сўғуриб.

Кўёшни ҳам орқалаб,
Водийларни нур қилиб.
Учоқларга ўт қалаб,
Тошларни ҳам дур қилиб.

У ўтади ўрмонлар,
Соҳиллардан куй билан,
Пушкин кенган армонлар,
Унга ҳамроҳ ўй билан.


Дарёнинг тўлкинида
Шоир тугёнларида.
Тўлқинлар талқинида
Алам, гирёнларида.

Сув ўтар, кўкси тўла
Кўшиқ, армон оқади,
У шоирнинг ўзи бўлиб,
Табиатга боқади.

Дарё келар ҳаёт олиб,
Кўшиқ олиб денгизга.
Шоир деган бир даҳони
Олиб келади бизга.



Биров тунлар ширин уйқуда,
Яна биров бедор — қайғуда.
Уйку ётдир, хаёллар душман —
Бошлаб борар мени кўрқувга.



Босиб келар ўйлар тумани,
Ёқар бедорликнинг гулхани.
Ташишларим соққийдай қатор,
Ҳукмдорга етаклар мени.

Ҳукмдорим — одамлигимдир,
Инсонларга ҳамдамлигимдир.
Тунлар ташвиш, хаёллар бари —
Тонг — ёруғ юз, бардамлигимдир.



ҚУЕШГА ТАЛПИНГАН ШАҲАР

Социалистик Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент — Урта Осиёнинг йирик маъмурий-сиёсий, иқтисодий, фан ва маданият марказидир. У кўп асрлар давомида ривожланиб келаётган буюк шаҳарлар қаторига кирилади. Шунинг учун ҳам шаҳарнинг вужудга келиши тарихи биргина олимларни эмас, балки кенг жамоатчилишни, қардош халқларни қизиқтиради. Бизгача етиб келган қадимий ёзма ёдгорликлар қисқа, шунингдек, қарама-қарши фикрларга тўла бўлиб, бутун Тошкент регионига тааллуқлидир. Чунинчи, қадимги юнон олимлари келтирган маълумотлар ва форс шоҳи Дороннинг Бехистун ёзувларига қараганда, эраизгача бўлган I аср ўқинарида ёки бундан 25 аср муқаддам Тошкент воҳасида жанговар кўчманчи сақлар яшаганлар.

Зардуштийларнинг форс тилида битилган Авесто китобида сақлар пойтахти ҚанҲа ёки ҚанҒиз бўлган ҚанҒ давлати бирлигидаги Турон мамлакатининг қудратли жангчилари деб таърифланган. Қадимги манбаларда эса эраиздан олдинги III асрда шаҳарни яқсарт (Сирдарё)нинг нариёғидаги Антихлар деб эслатилади. Эраизгача бўлган II асрларда (бундан 2200 йил муқаддам)ги баъзи маълумотларда Тошкент воҳасида яшаган аҳоли ҚанҒлар деб берилган. Бундан 17 аср муқаддам Эрон подшоси Шопур I ёдномасида биринчи марта Тошкент регионига оид Чоч термини тилга олинади. Шаҳар то Тошкент бўлиб шаклланишига қадар Чоч, Шош, Шожанд деб ҳам юритилган.

Кўчманчи сақларнинг ўтроқ бўлиб қолиши учун Тошкент воҳасининг табиий шароити, деҳқончилик билан шуғулланишига имконият мавжудлиги катта аҳамиятга эга бўлган. Кўпгина ўтроқ деҳқонлар аҳолиси авваллоқ Оқангарон водийси ва Чирчиқ бўйларида ўрнашган. Сўнгра аста-секин ерларни ўзлаштирган қабилалар шимол тарафга, ҳозирги Тошкент территориясига силжинганлар. Улар Жун ирмоғи шаҳобчалари бўйига ўрнашиб, ярим ертўла шаклидаги илк ўтроқ аҳоли турар жойларида яшай бошлаганлар. Бу турар жойлар эраиздан аввалги VI—III асрларга тааллуқли ҳали унча мустақкам бўлмаган аҳоли пунктлари бўлиб, фақат эраиздан

олдинги II асрга келибгина мудофаа деворлари юзга келади, яъни шаҳар аломатлари шаклланади.

Одамларнинг Солар ва Бўриқар қўшилиши яқиндаги 2500 йиллик тарихга эга бу ўрнашуви Тошкентдаги энг дастлабки ва ягона жойдир. Эраиздан олдинги II—I асрларда бу ерда аста-секин шаҳар қиёфаси шаклланиб, шаҳар маданияти белгилари кўзга ташлана бошлади. Шаҳарда ҳарбий истеҳкомлар, уй-жой бинолари қурилди. Бундан ташқари ҳунармандчилик (металл қуйиш, зергарлик, тўкувчилик, кулолчилик) савдо ривожланди. Бу хусусиятлар Шоштепаннинг эраиз бошларида шаҳар сифатида тамоман шаклланиб етганлигидан далолатдир. Тошкент ташкил топганидан буён икки минг йилдан зиёроқ вақт ўтди деб айтишга тўла асос бўла олади.

Шундай қилиб, Тошкент воҳасида шаҳар маданияти тикланишининг дастлабки босқичи эраизгача бўлган III—II аср десак, бу тараққийнинг сўнги босқичи эраиздан олдинги II—I асрларга тўғри келади. Шу вақтда воҳанинг шимолий қисмига ҳам шаҳар маданияти кириб борди. Воҳа аҳолисининг эраиздан аввалги II—I асрларда бир ерга тўпланиши, савдо муносабатларининг ривожини, кенг қўламдаги қурилиш ишлари унинг бир неча минг йиллардан буён Орол денгизидан шарқий Фарғонагача бўлган ўлкани воҳа ва даштга сиёсий таъсир ўтказиб келаётган ярим кўчманчи ҚанҒ давлатига қўшилишига катта таъсир кўрсатди. Гарчи ҚанҒ давлатининг турли босқичларидаги сарҳадлари хусусида фанда ягона фикр мавжуд бўлмаса ҳам, Тошкент воҳаси унинг асосий қисми ва ўзаги деб тан олиб келинмоқда.

ҚанҒ давлатига қўшилиш даврида Тошкент ва унинг атрофида қурилиш ишлари жуда қизитиб юборилган. Натижанда эраизнинг I—IV асрларида Селор, Чирчиқ, Қорасув атрофларида янги-янги турар жойлар барпо этилади ва бора-бора шаҳарга айланиб кетади. Ҳозир ҳам мавжуд Кўгайттепа, Бузғонтепа, Тауқаттепа, Мингўрик ва бошқалар шундай шаҳарлар жумласидандир. Уларда эраиздан аввалги IV—V асрларга келиб қадимги шарқ меъморчилиги ва ҳарбий истеҳкомлар тиклаш услублари қўлланиб, паҳса ва хом гишдан барпо этилган мустақкам қўрғонларга айланди.


Вақт ўтиши билан Мингўрик бош мавқега эга бўла борди. У эраизнинг V—VI асрларида 30 гектар майдонли мустақкам қалъа ва унга уланиб кетган аҳоли зич жойлашган, тигиз ҳунармандчилик дўконларидан иборат шаҳарга айланди. Қалъа харобаларининг қолдиқлари Тошкент темирйўл вокзали атрофида ҳозиргача сақланиб қолган. Бу шаҳар Чочда илк феодализм муносабатлари ривожланиб келаётган пайтда гуллаб-яшнади. Бу вақтга келиб оғир ва қақшатқич жанглардан кейин эфталит (оқ хунлар) истилочилари ҳукмдорлигига барҳам берилди.

Шундай қилиб мазкур регион турк ҳоконлиги тарқибига кирди. Ана шу улкан сиёсий бирлик миқёсида VI—VII асрларда воҳа аҳолиси ва кўчманчилар ўртасида савдо-сотик, маданий алоқалар кенг тараққий этди. Чочда рангли ва асл металллар қазиб олиш учун янгидан-янги конлар ишга туширила бошлади. Қорамозор тоғларидаги конлардан бири VIII—IX асрлардаги ёзма манбаларда «Чочнинг қумуш кони» деб аталган. Хуллас, аҳоли ҳунармандчилиги тараққийоти билан боғлиқ фойдали қазилмаларнинг кўплаб ишга туширилиши Чочдаги шаҳарларнинг бундан кейинги ривожига бош омил бўлди. Ҳунармандчилик ва савдо имкониятларининг тобора ўсиб бораётганлиги натижасида асосий қарвон йўлини ўзгартириб, воҳа марказий қисмидан бу тарафга кўчирилди.

Эраизнинг VII—VIII асрларида Чоч хонликига бўйсунса ҳам, ўз мустақил ҳукмдорига эга эди. Шу вақтда регион маркази Чочнинг ҳозирги Тошкент



Қароргоҳ ичидagi даҳлиз.



Чилонзор Оқтепасидаги қадимий қароргоҳ.

ўрнидаги шимолий районларига кўчди. Бу вазифа Мингўрик зиммасига тушди. Мингўрик ўрта аср ёзма манбаларида қайд этилган «Чоч мадинасиндир. Араблар истилоси арафасида шаҳар ҳар томонлама равнақ топди, арк ичида Чоч ҳукмдорларининг серҳашам саройи қўр тўкиб турарди. Маҳаллий ҳукмдорлар номи битилган тийнлар зарб этила бошлади. Чоч савдогарлари ўша пайтларда сон жиҳатидан Шарқий Туркистон мустамлакалари ичида Самарқанд ва Бухоро савдогарларидан кейин учинчи ўринда турарди.

Чоч мадинасининг ён-тевараги унга қўшилиб-чирмашиб кетган кўркам манзарали шаҳарчалар ва маҳаллалар, аҳоли юқори табақаларининг қўрғонлари, жамоа уйлари, ибодатхоналардан иборат эди.

Тошкент тарихидаги энг оғир ва фожияли даврлар VIII асрда кечди. Араб истилочилари билан бўлган жангларда қўрғонлар ваён бўлди, минглаб одамларнинг ёстиги қуриди. 713—751 йиллар давомидаги арабларнинг ҳужуми ва унинг оқибатлари археологлар топаётган ёдгорликларда ҳам акс этган. Манбаларда айтилишича, шаҳар бутунлай харобага айланган. Лекин Чоч аҳолиси таслим бўлмаган. Кетма-кет қўзғолонлар уюштириб, мустақиллик ва арк учун кескин кураш олиб борган. Таъқибга учраган Муҳанна издошлари ҳам охир-оқибат Чочдан паноҳ топганлар.

Тошкент воҳасида фақат VIII аср охирларидан кейингина ҳаёт қайта изга тушди, феодализм қизгин



«Кучунча» шаклидаги кўза.

ривожланган X—XI асрларда эса Чоч шаҳри тағин тараққий эта бошлади. Бу ҳақда X асрда саёҳатга келган араб сайёҳларининг йўл дафтарларида кўп-кўп хотира ёзувлари битилган. Чоч пойтахти ҳам қайта тикланди. Фақат энди у Мингүрик харобалари ўрнида эмас, балки ундан 4 километрлар шимол-ғарбда Бўзсув ёнида барпо этилди. Тарихий манбаларда у Бинкат деб аталади, унинг қолдиқлари ҳозирги Эски шаҳар замининда кўмилиб ётибди.

Араб сайёҳларининг ёзишча, шаҳар арк, шаҳристон, алоҳида девор билан ўралган 10 ва 7 дарвозали 2та ҳунармандчилик ҳамда савдогарлик работидан иборат бўлган. IX асрда шаҳар сомонийлар тасарруфида эди. X аср охирида шаҳар қорахонийларнинг турк давлати ихтиёрига ўтди. Тошкент номи XI асрдан эътиборан, илк бор турк олими Маҳмуд Қошғарий ва Абу Райҳон Беруний асарларида қайд этилади.

Бинкат катта савдо маркази эди. Бу ерда тайёрланган ҳунармандчилик, айниқса, кулолчилик буюмлари жуда машҳур бўлган. Лекин XII асрларга келиб бир қатор ички ва ташқи омилларга кўра таназзулга юз тутди. XIII асрда эса уни Хоразмшоҳ, кейинчалик Чингизхон қўшинлари забт этди. Шаҳар Амир Темур ва темурийлар, шайбонийлар давлатининг йирик маъмурий, маданий ва ҳарбий маркази сифатида XIV—XVI асрларда яна қайта тикланиб, ободонлаштирилди ҳамда ривожланиб кетди. Кўп-кўп мачит ва медресалар, кўприклар, бозору турар жойлар, карвонсаройлар ва бошқа иншоотлар қурилди. Тошкент ўз халқининг тарихи каби қадимий, воқеаларга бой, бағри сирлар хазинасига тўлиқ Урта Осиёдаги энг кўхна ва гўзал шаҳарлардан биридир.

М. И. ФИЛОНОВИЧ,

тарих фанлари кандидати,
ЎзФА Археология институти Тошкент археология экспедицияси бошлиғи



IX—X асрларга тааллуқли Бинкатдан топилган ўйинчоқлар.

Эргаш ЯУЛДОШЕВ фотолари

НАЗАРМАТ

БЕЛОРУССИЯ ЎРМОНЛАРИ

Белорус совет адабиётининг асосчиларидан бири Янка Купала туғилганига юз йил тўлди. Улуг шоирнинг қўшиқларга айланб кетган жанговар шеърларини белорус партизанларидан кўп эшитганман. Уша энзлар жанглр оралигидаги қисқа танаффусларда улуг шоир хотирасига бағишлаб

мазкур шеърни ёзганман. Янка Купалага қардошларининг эҳтиром-и ўлароқ Беларуссияда нашр этилаётган тўпламга иритилган уша шеърини хурматли журнал-хонлар эътиборига лутфан ҳавола қиламан.

Муаллиф



* * *

Купаланинг севган дёбри,
Ўрмонларинг — либосинг, хусинг.
Бўронларда кечар баҳоринг,
Ўт-оловли жанглрда кўксинг.
Изғиринли қарагайзорлар,
Булбулларнинг навоси қайда,
Бағринг тутаб, тўплар гумбуллар,
Ул мусаффо ҳавоси қайда.
Қайда қолди тонгда яркираб,
Ерга тушган ёғду қуюни.
Қайда қолди охулар сакраб
Ўтлоқларда шўхлик, ўйини.
Гулхан ёнар сўқмоқларингда,
Юлдуз бўлиб учар учқунлар.
Дарё, кўллар, қирғоқларингда,
Ухламайди фарзандлар тунлар.
Ўқ овози янграб ўрмонда,
Изғир, топтаб ерларингда ёв,
Фарзандларинг турар майдонда,
Олишувлар бўлар беаёв.
Ватан ишқи меғубор экан,
Ҳаётининг мазносин евар.
Ўрмонда эл жанговар экан,

Партизанлар жанг билан яшар.
Босқинчига омон берилмас,
Ўрмонларинг ёвга хаф-хатар.
Босқинчилар сени топтолмас,
Қучоғингда ўлимин толар.
Фарзандларинг сенга онт ичган,
Кеча-кундуз тўхтамас жанглр.
Дам олганда, жанг тинган пайтда,
Купаланинг шеърлари янграб,
Ғалабага чорлар у қўшиқ,
Фарзандларинг куйлар дилидан,
Ёвларини янчиб, савалаб,
Ҳайдамоқда она элидан.
Ёвни енгиб Қизил Армия,
Қучоғингда зафар кучмоқда,
Эрк келтирдик, Беларуссия,
Фарзандларинг Ғарбга бормоқда.
Зафар билан қайтамиз сенга,
Янграб сенда шод қўшиқ, ялла.
Орамизда янги шеър айтиб,
Бирга юрар улуг Купала.

1944 йил, январь. Беларуссия фронти

Исмомл МАҲМУД

Қалдирғоч

Иссиқ ўлкаларга кетган қалдирғоч
Қайтиб келди яна ўз Ватанига.
Бунда гуллаганди беҳилар қийғос,
Ранг ҳам кирган эди гуллар баргига.

Ариқдаги сувлар оқарди тўлиб,
Тўлиқиб оқарди вазини ва ўйчан.
Ариқ бўйидаги кекса тут қуриб,
Кўлайиб қолганди нихоллар бўйчан.

Лекин ўзи қурган, меҳрини қўшган,
Тилида лой ташиб битқазган уйин —
Топмади, кўрсаки, янги уй тушган:
Баайни осмонга ўрлаган қуюн.

Бошқа жойга кўчди, бошқа ин қурди,
Бошқатдан бошлади турмуш-рўзгорин.
Бунда болаларин парвозин кўрди,
Сўнг учди йироққа қоқиб қанотин.

Лекин ул туғилган, кўз очган Ватан —
«Киндик қони томган» муқаддас уйи
Бир умр кўзида қолди дафъатан —
Бир умр шу уйга боғланди ўйи.

Сир

Уша тун поездда
ухламай чиқдинг.
Ўтган-кетганларга
Боқиб сен маънос.

Кўнглингни очмадинг,
ўйларга чиқдинг.
Кўзларим олдида
турибсан ҳануз.

Ўзингда акс этиб
турарди, лекин,
Қалбингда не кечар,
Не дейди кўзлар.

Тобора хаёлга
чўкканинг сайин
Эшитгандай бўлдинг:
юрагинг сўзлар...

Маматназар

Ҳайдалган далага термулиб-толиб
Эртанги кунини ўйлар у обдон.
Тасвирида оққан чарчоқлар қолиб
Кўзига қалқийди яна ҳаяжон.

Эсидан чиқади гўё ушбу дам
Бедор тунлар, «мовий кемалар» саси.
Ташвишлар унутдир, лекин дамо-дам
Кўзига кўринар гўза-боласи.

Авайлаб боққани, чаноқ ўғлонин
Гўё эл қорига узатди — олди.
Яна у ташвиши, бахти ва шони —
Ҳайдалган ер билан юзма-юз қолди.

Ҳожимуроод

(Леф Толстойни ўқиб)

Сўнги ўқ зарбидан қулади бешон,
Сўнги бор айланга узатди дунё:
Ғанимга ташланган Абунунсалхон,
Тадбиркор Воронцов — кўзлари
бежо.

Ягона мурооди — навқирон Юсуф,
Ва содиқ хотини гўзал Софиат.
Сариқ соқол Шомил... тўхтади дунё,
Кўзида тўхтади қон тўла, бевақт!..



АБУ НАСР АЛ-УТБЙЙ

Х асрнинг иккинчи ярми ва XI асрнинг бошларидаги давр маданиятимиз тарихида муҳим ўрин тутди. Бу вақтда Урта Осиёда фан ва маданият гуркираб ривожланаётган эди. Чунки Сомониёлар ҳукмронлик қилган бу даврда Мовароуннаҳрда уруш-жанжаллар бир оз таскин топди. Бир асрга яқин давом этган осиёишталик натижасида илм-фан ва маданият раванқ топиб, Абу Райҳон Беруний ҳамда Абу Али ибн Сино каби кўплаб машҳур олимлар, адибу шоирлар, тарихчию файласуфлар етишиб чиқди. Ана шундай алломулардан бири Абу Наср Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал-Утбийдир. Олим ва тарихчи Абу Наср ал-Утбий 961 йили Эроннинг Рай шаҳрида бадавлат оилада дунёга келди. Ешлиги Хуросонда Сомониёлар ҳузурида хизмат қилаётган тоғаси хонадонда кечди. У тоғаси қўлида ўқиди, тарбияланди.

Утбий ижодий фаолиятини Хуросон сипоҳсолари Абу Али ибн Симжурий, Жужронинг зиёрий ҳокими Қобус ибн Вушмағир ҳузурида қотибликдан бошлади. Бироқ Абу Наср ал-Утбий фаолиятининг ақсар қисми Газнавийлар билан боғлиқ. У ўз даврининг машҳур адиби ва шоири Абу-л-Фатҳ ал-Бустий билан биргаликда Газна ҳокими Абу Мансур Сабуктегин қўлида сарқотиблик қилди. Абу Наср ал-Утбий ўша пайтлардаёқ етук қотиб ва тадбиркор арбоб сифатида эл озағига тушади. Чунончи, Сабуктегиннинг ўғиллари Исмоил ва Маҳмуд ўртасида Газна ҳукмронлиги учун юз берган кураш жараёнида Утбий тадбиркорлик кўрсатиб, ҳукмронликнинг Маҳмуд қўлига ўтишига ёрдам беради. Маҳмуд Газнага ҳукмрон бўлиб олган, Утбий унинг қўл остида ишлайди ва султоннинг элчиси сифатида дипломатик хизматларни адо этеди. Абу Наср ал-Утбийнинг шундан кейинги ҳаёти ҳусусида манбаларда аниқ ва муфассал маълумотлар келтирилмай, у узоқ вақт Нишопурда яшаганилиги, Маҳмуд Газнавийнинг ўғли Масъуд ҳузурида қотиб бўлганлиги қайд қилинади. Манбаларда ва тарихий адабиётда Абу Наср ал-Утбий ўз даврининг етук шоири, адиби ва тарихчиси сифатида гавдаланади.

Абу Наср ал-Утбийнинг Маҳмуд Газнавий даврига бағишланган «Тарих ал-Иаминий», («Иамин уд-давлатнинг тарихи») китоби ҳақли равишда энг йирик ва муҳим асар ҳисобланади. «Тарих ал-Иаминий» асари «ал-Иаминий», «ал-Китоб ал-Иаминий», «Тарих ал-Утбий» деб ҳам юритилади. 1201 йилда ёзиб тузилган бу асарда Урта Осиё ва Хуросонда кечган қарийб ярим асрлик (975—1021) тарихий воқеалар ўз аксини топган. Мазкур асарнинг бошқа тилларга таржима қилиниши унга муҳим тарихий манба сифатида қаралганлигини кўрсатади. «Тарих ал-Иаминий» дастлаб (1205—06) йили Абу Шароф Носих ибн Жаъфар ал-Журбадоғоний томонидан форс тилига таржима этилади, 1857—58 йилларда эса бу таржима Техронда қайтадан босиб чиқарилади. 1858 йили Ж. Рейнольдс бу асарни форсчадан инглизчага таржима қилиб, Лондонда нашр эттиради. Шунингдек, мазкур асарнинг кичикроқ бир бўлаги рус тилига ҳам таржима қилинган. Асарнинг ўз даври тарихига оид қимматли маълумотлар манба

эканлиги борасида Бартольд, Якубовский, Белиницкий, Беляев, Строева, Булгаков, Абдуллаев каби тадқиқотчилар бир неча бор такрорлаганлар, ўзларининг Урта Осиё, Эрон ҳамда Афғонистон тарихига оид илмий тадқиқотларида «Тарих ал-Иаминий»га мурожаат этганлар. Дарҳақиқат, муаллиф ўз асарига 975—1021 йилларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда бўлиб ўтган воқеаларни кенг қўламда акс эттиришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга асардаги воқеалар жонли, ишонarli ва тўлиқ тарзда шарҳланади. Муаллиф ўзи билган, ўз кўзи билан кўрган ёки конкрет тарихий шахслардан эшитган воқеаларга асосли равишда мазкур жанрда ёзилган кўпгина асарлар учун намуна бўлиб келди. Асар бехад даражада кўп бадийи безаклар, нозик қосирим ва ишоралар, беҳисоб риторик шакл ва кўринишлар, мажозий сўзлар, теран иборалар, нафис ўхшатишлар ҳамда назмий қитъаларга тўлиқки, бу муаллифнинг нақадар билимдон, юксак маҳорат ва ноёб талант соҳиби бўлганлигини кўрсатади. Лекин қофияни сақлаш учун истеъмолда бўлмаган ортиқча сўз ва иборалар қўлланлиши, тил ҳамда услубининг баяндоқлигини асарни тушунишда биринчи қийинликлар туғдиради. Шу сабабли асар яратилганидан кўп ўтмасданок унинг мазмунини тўғри тушунишни оsonлаштирадиган муфассал шарҳлар зарурлиги тақозо қилиниб қолди.

«Тарих ал-Иаминий» ўз даврида кенг оммалашган бўлиб, жаҳоннинг турли кутубхоналарида унинг кўплаб нусхалари мавжуд. Асарнинг XI асрга оид энг қадимий икки қўлёзмаси Машҳадда сақланмоқда. Бундан ташқари Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, Париж, Вена ва бошқа шаҳарларда ҳам «Тарих ал-Иаминий»нинг анча нусхалари бор. Мамлакатимиз қўлёзма фондларида ҳам бу асарнинг уч нусхаси бўлиб, шундан иккитаси СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланаётир. Булардан бири 1265 йилда Урта Осиёда кўчирилган. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича бу нусха асарнинг энг аjoyиб нусхаларидан ҳисобланади. Иккинчиси эса 1739 йилда кўчирилган.

Тошкентда, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида ҳам Утбий асарининг аjoyиб нусхаси асралмоқда. Мазкур нусха XIII—XIV асрларда кўчирилган.

Абу Наср ал-Утбийнинг «Тарих ал-Иаминий» асари насрий сажъ (қофияли проза) услубида ёзилган бўлиб, шу тарзда яратилган дастлабки тарихий-биографик асарлардан ҳисобланади. Услуб жиҳатидан нафислиги ва теранлиги сабабли Абу Наср ал-Утбий асари ҳақли равишда узоқ муддат давомида мазкур жанрда ёзилган кўпгина асарлар учун намуна бўлиб келди. Асар бехад даражада кўп бадийи безаклар, нозик қосирим ва ишоралар, беҳисоб риторик шакл ва кўринишлар, мажозий сўзлар, теран иборалар, нафис ўхшатишлар ҳамда назмий қитъаларга тўлиқки, бу муаллифнинг нақадар билимдон, юксак маҳорат ва ноёб талант соҳиби бўлганлигини кўрсатади. Лекин қофияни сақлаш учун истеъмолда бўлмаган ортиқча сўз ва иборалар қўлланлиши, тил ҳамда услубининг баяндоқлигини асарни тушунишда биринчи қийинликлар туғдиради. Шу сабабли асар яратилганидан кўп ўтмасданок унинг мазмунини тўғри тушунишни оsonлаштирадиган муфассал шарҳлар зарурлиги тақозо қилиниб қолди.

«Тарих ал-Иаминий»га бағишланган шарҳларнинг дастлабкиси 1214 йилда шайх Маждуддин ал-Қирмоний томонидан ёзилган. Нишопурлик олим Ҳамидуддин Абу Абдуллоҳ Маҳмуд ибн Умар Ан-Нажотий Абу Наср ал-Утбий асарига ёзган ўз шарҳини «Басатин ал-Фузало ва райоҳийн ал-уқало» номи билан атаб, уни 1321 йилда Табризда тугатади. Абу Наср ал-Утбий асарига бағишланган шарҳлар ичидан араб филологий шайх Аҳмад ал-Маниний (1678—1759) қаламига мансуб шарҳ алоҳида аҳамиятга эгадир. Бинобарин, Ал-Маниний ўз шарҳида ўзига маълум бўлган барча шарҳлардан фойдаланибгина

пология шарҳи рияти мақсадида ўша даврга хос қатор тарихий, жуғрофий ва фанинг бошқа соҳаларига оид кўпгина ёзма манбаларда келтирилган маълумотлардан ҳам кенг фойдаланилган. У ўз шарҳига бизгача етиб келмаган Урта Осиё ва Хуросон тарихига оид баъзи манбаларни ҳам кўп ўринларда кiritган. Ал-Маниний фойдаланган мана шундай манбалардан бири Абу Али ал-Хусайн ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Салмонийнинг «Хуросон ҳокимларининг тарихи» номи асаридир.

«Тарих ал-Иаминий» муқаддима ва қирқ беш боб (зикр)дан иборат. Унда давр жараёни ақсар ўринларда X асрнинг охири ва XI асрнинг биринчи чорағиди Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихига алоқадор бўлган воқеалар ва шахсларга боғлаб ҳикоя қилинади. Уша даврга хос барча тарихий асарда учратилгани каби «Тарих ал-Иаминий»да ҳам ҳукмдорларга нисбатан хайрихоҳлик маълум даражада сезилиб туради. Лекин, муаллиф истаса-истасамас кўп ўринларда ҳоким синфлар ўртасидаги тожу-тахт, бойлик, ҳокимият йўлидаги жангу-жадаллар, низолар, беҳуда қон тўкишлар, хар хил ихтилофу можароларга тўхтади. Шу билан бир қаторда асарда оддий меҳнатқаш халқнинг аянчи аҳоли, оғир турмуши уларнинг зулм ва истибодга нисбатан нафрати ҳамда ҳоким синфларга қарши кураши ҳусусида ҳам талайгина маълумотлар келтирилди. Чунончи, муаллиф 987 йили Жужронда вабо касали тарқалиб кўпдан-кўп аёнлар, қотиблар, қўшин бошлиқлари ва халойиқ халок бўлганини хабар қилиб, хилма-хил соғлиқ ва тўловлардан сабр-қосиси тошиб, мушкул аҳволда қолган Жужрон аҳлининг шаҳар ҳокимларига қарши бош кўтаргани, улардан кўпчилигини ўлдирганиларни тўғрисида очлиқ-ойдин ҳикоя қилади. Бундан ташқари «Тарих ал-Иаминий»да ўша даврда яшаб ижод қилган қатор адиб, олим, мунажжим ва қотиблар ҳақида талайгина маълумотлар берилади. Уша даврининг кўпгина шоирлари эса, китобда фақат эслатилиб қолинмасдан, ақсар ҳолларда уларнинг назмий асарларидан парчалар ҳам келтирилган.

Ҳеч шубҳа йўқки, Беруний ҳамда Ибн Сино замондоши Абу Наср ал-Утбийнинг «Тарих ал-Иаминий» асарини ҳар томонлама ўрганиш буюк ватандошимиз ижоди ва фаолиятини, у яшаган даврни кенгроқ ёритишга имкон беради.

Убайдулла УВАТОВ

филология фанлари кандидати

Академик Фани Мавлонов бошляқ бир гуруҳ олимлар Ўзбекистон территориясини сейсмик районлаштириш соҳасидаги туркум илмий-тадқиқот ишлари учун 1981 йилда Беруний номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Дарҳақиқат, 1966 йилги Тошкент зилзласидан сўнг ташкил этилган Сейсмология институти бугунги кунда серкўб республикамизнинг энг йирик илмий муассасаларидан бири бўлиб қолди. Институт дастлаб бундан ўн беш йил илгари 85 илмий ходим билан иш бошлаган бўлса, эндиликда бу илмий муассасада қарийб етти юз олим хизмат қилмоқда. Улардан беш киши фан доктори ва ўттиз беш киши эса фан кандидати илмий даражасига эга бўлган истеъодли илм кишиларидир.

Ҳозир Сейсмология институти Иттифоқимиздаги ва чет эллардаги йигирмадан ортиқ илмий муассаса билан ҳамкорлик қилади. Институт коллективининг энг захматли табиий офат — зилзлани олиндан аниқлаш усули ЮНЕСКОнинг тавсияси билан қатор мамлакатларда, жумладан фаол сейсмик зонада жойлашган Японияда кенг қўлланилмоқда.

Институтни қисқа вақтда йирик илмий-тадқиқот марказига айлантиришда ва тадқиқотларни аниқ мақсадлар сари йўналтиришда зарбадст олим, аjoyиб ташкилотчи ва гамхўр раҳбар Фани Мавлоновнинг хизматлари каттадир. Суратда: таниқли олим Фани Мавлонов.





Врач, медицина фанлари кандидати Мурод Туропов бемор болани кўздан кечирмоқда.

Н. ШАРИПОВ фотоси

Иштихон район, «Муродобед» колхозидаги махсус ҳунар-техника билим юрти

А. КУДРЯШОВ фотолари





ЧИРЧИҚ ШАХРИДАГИ ЯНГИ АВТОБУС БЕКАТЛАРИ

Н. ШАРИПОВ ФОТОСИ.





Маж нуннинг отасига берган жавоби.



Боязиднинг асир олингани.




Зулайхо шарафига тузилган шодийналар

ШАРҚ МИНИАТЮРАЛАРИ




Бедил ва Донш.



Олижаноб ошиқ-маъшуқларнинг булбул қўшиғини тинглаётгани.




Мис кўза
XII аср



Сопол кўза
V аср



Шоир Жуманчѐз ЖАББОРОВ.



Езувчи Борис ПАРМУЗИН.



Шоир Барот БОЙҚОБИЛОВ.

РАССОМ
ПАВЕЛ ВОРОНКИН
ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

ГҶЗАЛ ТҶЙҶҶ

МУНОСИБ авлодлар ҳаётига аждодлар донишмандлиги фойда бағишлайди. Эсингизда бўлса, Геродот Қорақумда яшайдиган оқ чумолилар — термитлар ўзлари учун уя қазиганларида ер юзасига чиқариб ташлаган қумларда олтин мўл бўлиши ҳақида ёзиб қолдирган эди. Олимларимиз қадимги тарихнинг маълумотини текшириб кўрдилар. Геродотнинг сўзларини қарийб тасдиқланди: тўғри, оқ чумолилар жисмидан ҳозирча олтин топилмади, лекин улар танасида 23 хил кимёвий модда, чунончи, кумуш, стронций, хром, титан, никель, мис мавжудлиги аниқланди. Гап шундаки, оқ чумолилар ерни ўнлаб метр чуқурликда қазиб, тупроқ остига тушади, ўша жойларда тўпланган шўр сувлардан ичоди ва беихтиёр мавжуд барча фойдали қазилмаларнинг жонли омбори бўлиб қолади.

Эндиликда Геродот зикр этган тарихий маълумотини бугуннинг дастёрига айлантирган биолог ва геолог олимлар оқ чумолиларни қимматли минералларни ахтариб топшида ўз ёрдамчилирига айлантириш тўғрисида ўйламоқдалар: тарих донишмандлиги бугунга ва келажакка хизмат қилмоқда.

II

«Билимлар кўпайгани сайин тасаввур кучи ҳам орта боради».

Озарбойжон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Зиё Мусаевич Бунёдов 1981 йилнинг 6 сентябрь куни Наримон Ҳасановданинг «Оттабеклар» шеърини драматини тинглаб ўтириб, Константин Паустовскийнинг худди шу сўзларини эслади. Чунки шоир айна асарини унинг «Озарбойжон оттабеклар давлати» (1978) монографияси асосида яратган эди.

Олимнинг тарихни бугуннинг бадийи хизматига қўйган «Озарбойжон оттабеклар давлати» монографияси қандай асар? Муаллиф унда Озарбойжоннинг ўрта асрлар тарихини, хусусан, VII—VIII асрлар тарихини ҳозирги совет ва мажон тарихшунослиги талаблари даражасида ўрганган. Улар диёри тарихининг қарийб 150 йиллик даврини, унинг ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий соҳаларини теран илмий асосда кўрсатиб берган. Маълумки, Озарбойжон VII асрда феодализмнинг юксак чўққисига кўтарилган эди. Оттабеклар давлати эса, ўша вақтга қадар Озарбойжонда қурилган барча феодал давлатларнинг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан энг кучлиси эди. Олим ана шу етук феодал давлатнинг ўзига хос хусусиятларини ниқшоф эди, Масъуд ибн Нимдор, Ҳоқоний Ширвоний, Абул Али Ганжавий, Фалакий Ширвоний каби мутафаккирлар шеърятиндан намуналарни ўша давр тарихининг муҳим манбалари сифатида таҳлил эди. Муаллиф Низомий давридаги озарбойжон илм ва маданиятининг тарихига алоҳида эътибор билан қаради. Бу даврдаги форсий тил тарққатиётига озарбойжон шеърятини мактаби катта ҳисса қўшганлигини ҳақли равишда таъкидлади.

Бу ирқ асарининг яратиллиши Совет Озарбойжонини маънавий ҳаётида сезиларли воқеа бўлди. «Озарбойжон оттабеклар давлати» монографияси учун академик Зиё Бунёдов республика Давлат мукофоти билан тақдирлангани ҳам буни тасдиқлайди.

— Шоир шеърини драматини менда қўйиб бераётганда, кўп жойларда кўзимга ёш келди,— деди Зиё Мусаевич биз билан сўхбатда.— Мен тарихий ҳужжатлар асосида тасвирлаган воқеаларга, одамларга жон кирган: Озарбойжон тарихининг бутун бир даври бадийи намоён бўлган эди... Шу тариқа олимнинг ижодий меҳнатидан куч олиб, парвозга шайланган шоир илқоми туйғули эмонларнинг узилган занжирини уланди. Улар диёри тарихининг бутун бир даври — тарих донишмандлиги бугунга ва келажакка хизмат қила бошлади.

III

Лев Толстой шундай деган эди: «Сўз билан ифода этилган ҳақиқат одамлар ҳаётидаги қудратли кучдир».

Энг яхши тарихий асарлар одамлар ҳаётида қуд-

ратли кучга айлана оладилар, чунки уларда сўз билан ифода этилган ҳақиқат мавжуддир.

Атоқли олим хоразмшоҳлар сулоласининг сўнгги вакили Жалолиддин Менкбурнинг мушйисини Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Сират ас-султон Жалолиддин Менкбурни» («Султон Жалолиддин Менкбурни ҳаётининг тасвири») асарини араб тилидан рус тилига таржима қилиб, уни шарҳлар билан таъминлаб экан, фақат тарихининга эмас, балки бугунги ва келажакни ҳам ўйлади. Ан-Насавий асари таржимаси нашрига ёзилган бағишловни академик Зиё Бунёдов эзгу ўйларининг тиниқ кўзгуси, деб айтиш мумкин. Мазкур бағишловда китоб таржимасини: «Ўзбек халқининг шонли ўғли генерал Собир Раҳимов хотирасига бағишлайман», дейилган.

Мўғул истилочиларига қарши мардона курашган султон Жалолиддин Менкбурни ва фашист босқинчиларига қарши совет халқи олиб борган адолатли жанг — Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларидан бири генерал Собир Раҳимов. Ватан мустақиллиги йўлидаги кураш, ватанпарварликнинг ўзига хос тимсолла-



ларига айланган икки ном. Салаф ва ҳалаф. Бу икки номни ёнма-ён қўйиб билан академик Зиё Бунёдов Ватанга муҳаббат ва қаҳрамонликнинг мангулигини ўқтиришни, маънавий ворислик ва маънавий садоқат ўйғунлигини яна ҳам ёрқин таразда намоён этишни истади.

— Уртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Эсдалариди»: «Ҳаммамизда ҳам Ватан тўйгуси жуде кучли! Ажойиб тўйғу! Бу тўйғу заминимизнинг гўзаллигини ҳис этиш билангина тугилмайди, албатта. Донулар айтганидек, бу заминга ажууд-ажууднинг билан сингиб кеткини керак. Инсон заминда обдон тер тўкиб меҳнат қилиб, галла ўстрида, шаҳар бино қилади, янги йўл қуради ёки шу заминни ҳимоя қила туриб, унда оқоп қазийди, ана шундангина у Ватан нималигини мағзи-мағзигача тушуниб етди», деган қимматли сўзлар бор. Мен, кекса солдат, юракдан қайнаб чиққан бу сўзларни тақдорлар эканман, ўрмининг, ўз авлодим ҳаётининг бутун мазмунини «ифодалаб бераётгандек бўламан... Генерал Собир Раҳимов ҳақидаги кинофильми томоша қилганимда ҳам, кўнглимда ана шундай эзгу хислар уйғонган эди. Эканда генерал Раҳимовни кўрдим, ҳаёлимда эса Жалолиддин Менкбурни жонлар эди. «Демак, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик абадийи дахлсиздир», деб ўйладим, Жалолиддин Менкбурни ҳақидаги асар таржимасини генерал Раҳимов хотирасига бағишлашга жазм этдим.

Ўзбекистон менинг иқоидимда алоҳида ўрин эгаллайди. Урта аср Ўзбекистони, хусусан, хоразмшоҳлар давлатига тааллуқли ҳамма тарихий маълумотларга мурожаат этганмен, асарларимда улар ўз аксини топган. Ҳозир «Хоразмшоҳлар давлати» деган монографиям устида ишламоқдаман.

Зиё Бунёдовнинг бу сўзлари чуқур маънога моликдир. Унинг ўзбек халқи тарихига алоқадор асар-

лари совет оиласида биродарлар аро бирдирар либ яшаётган қардош ўзбек ва озарбойжон халқари абадий дўстлигининг, совет воқелигига хос гўзаллигининг мисоллари бўлиб қолди.

IV

«Агар ҳаёт гўзаллиги ҳақида сўз боредиган бўлса,— деган эди Михаил Иванович Калинин,— Ва учун курашда фидокорлик кўрсата билиш гўзал ётнинг энг юксак намунасиридир».

Зиё Бунёдов эса Ватан учун курашда фидокорлик кўрсата билган инсондир. У ўн туққиз ашида Ватан химоясига отланди, йигирма тўрт ашида Соц Иттифоқи Қаҳрамони бўлди.

Зиё Бунёдов урмининг Улуғ Ватан уруши дав саҳифаларини арақайлаик. Капитан. Рота командир. Коммунист. Қизил Байроқ ордени кавалери. Кавказда, Украинада, Молдавияда, Белоруссияда, Польшада жанг қилди. Берлин учун бўлган жангларда уррак кўрсатди.

Капитан Зиё Бунёдовнинг 26-Гвардиячи ўқчи котиб командирини гвардия генерал-майори П. Фирс имзо чеккан мукофот арақасида жумладан кўндалар қайд этилади: «1945 йил 14—16 январь кулари гвардиячи капитан Зиё Бунёдов командирлик қилган рота Варшава шаҳри жанубидаги Магн шевек плацдармида душманнинг кучли мудофасини ёриб ўтшида мардлик, жасорат ва қаҳрамон намуналарини намойиш этди. Гвардиячи капитан Бунёдовнинг мохирона рақабарлиги натижасида ро Домбрувка қишлоғининг жанубий чети билан теми йўл линиясига чиқди ва 14 январь куни Пили дарёсидан биринчи бўлиб жанг билан ўтди ҳам, 89-Гвардиячи дивизиянинг асосий ўқчи қисмига этиб келгунларича дарёнинг чап қирғоғида маҳка турди.

Рота 160 неми солдат ва офицерини қиратилади, 45 солдатни асир туширди, 5 та олтиштовли миномётни ўлжа олди. Рота командирини капитан Бунёдов ўзининг дадил ва доно ҳаракатлари билан душманнинг қайсарлигини чиплакка чиқарди ва қўшинларимизнинг янада олға қараб силжишлари учун имконият яратиб берди».

— 1945 йил январьда билар эдимки, энди мен Совет Иттифоқи Қаҳрамониман,— деб эслайди Зиё Бунёдов.— Фармон 1945 йилнинг 27 февралда чиқди. Урушдан кейин, бир йилга экин Берлин қомеи датурасида ишладим...

1974—1975 йилларда эса яна бу шаҳарда бўлди. 1974 йилнинг октябрь ойида Улуғ Ватан уруш ветеранлари делегацияси билан бирга ГДРнинг 2 йиллик юбилейи тантаналарида иштирок этди. Ушанда зўр ҳаяжон билан Берлин тугроғига қўла қўйдим. Берлин аэрофидаги Штраусберг қасабасини бордим. Чунки 1945 йил апрель ойининг охириларда менинг ротам шаҳарга шу ер орқали кириб борган эди. Кўчалардан ўтиб бораётганда, кўлоқларимда дарахтар орқасидан, деразаларда бетўхташ ўч аётган пулемётларнинг, автоматларнинг садолари қайта янграб, бундан қарийб ўтти йил аввал рўй берган ҳодисалар кўз ўнгимдан ўта эди.

Урушдан сўнг Берлин кўчаларини тузатиш, янги йўллар қуриш, алоқа воситаларини тиклаш, аҳолини оқсиз-оқоқ, дори-дармон билан таъминлаш осой бўлмади. Қаровсиз болаларни бир ерга тўллаш жойлаштиришнинг ўзи катта бир масъала эди. Эсимда, болаларга кўп нарса бердик, лекин уларга мо китоб топа олмадик. Ҳамма китоблардан фашизмнинг қўлланаси нафаси келар эди. Кўп қийинчилик билан бир неча қадимий немис нақлларидан тузилган китобларни топдик.

Хуллас, Берлинда урушдан сўнг кўп иш қилиш тўғри келди. Совет аскарини бу тупроққа истилоч эмас, озодлик элчиси бўлиб келганлигига неми халқини амалда ишонтирмоқ зарур эди. Бу ишда бизга неми коммунистлари ва антифашистлари фаоллари яқиндан ёрдам бердилар. Берлинда бўлган вақтимда, ўлқанинг энг юксак мукофотларида хисобланган «Валфенбрудершафт» қизил медал билан тақдирландим.

Қирқ олтинчи йилда Берлиндан Озарбойжонга келдим. Ҳамма нарсини қайтадан бошламоқ кера эди. Олий таҳсил олиш, оила қуриш лозим. Уш йилда Москва Шарқшунослик институти араб факультетига ўқишга кирдим. Эллигинчи йилдан аспирант бўлдим. Эллиқ тўртинчи йилда «Италия империализми Африка ва араб мамлакатларинда» мазъида кандидатлик диссертациясини химоя қилдим. Шундан бери Озарбойжон ССР Фанлар академиясида ишлайман...

Бу содда, самимий сўзлар замирида катта мақсад йўлидаги қаҳрамонликлар, Ватанга фидойилар мужассам. Алишер Навоий айтганидек:

Нафнинг агар халқга бешак эрур,
Валки бу наф узингга кўпрак эрур.

V

Қаҳрамон ва олим.

Совет қаҳрамонлиги янги тиндаги қаҳрамонлик. Уз мамлакати, тақдирини ва келажакнинг чинакам хўжайини бўлган халқнинг адолат тантанаси йўли.

асами бўлган, социализмнинг бутун раянатдан лувчи қаҳрамонлиги. Илгари ҳеч қайси мамлакат, қайси халқ қаҳрамонлик кўрсатиш учун бу катта табиий, бу қадар кенг миқёсда ижтимоий-маънавий муҳитга эга эмас эди.

Социализм шахс ўзининг бутун истеъдодини рўй чиқара олиши учун шароит яратди. Шу сабабли Ватан урушининг иштирокчилари — адолат дотлари мўъжизалар яратувчи ишчилар, деҳқон-олимллар, адаблар сифатида оламни яна бир та ҳайратга солдилар. Зиё Бунёдов — қаҳрамон олим — ана шу катта ҳаёт ҳақиқатининг бир зухурининг илмий фаолиятининг таъсир доираси нидта келг.

Зиё Бунёдовнинг тарихий астрономияга бағишланган тадқиқотлариға суянган ҳолда Тожикистон ССР ғлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, астрофизик м Добровольский думли юлдузларнинг ҳаракат ларини ҳисоблаб чиқди.

Машҳур «Озарбойжон VII—IX асрларда» монографиясининг муаллифи ўз персоналияридан би — Озарбойжонда араб истиклосига қарши курашға барлик қилган улуг Бабақ ҳақидаги фильм ижодларига маслаҳатгўй бўлди.

Зиё Мусаевич тарихий сейсмология билмидонини ратнда Ливияда уюм электр станцияси қурилиши-изилла бўйича консултантлик қилди.

Бунёдов Имомидин Насимий устидан олиб боған суд жараёни ҳужжатларини топди ва улуг нкор шоир қатли ҳақидаги тарихий ҳақиқатни қлади. Бу борадаги чалкашликларға бәрҳам

Олти юзга яқин ўтмиш озарбойжон олимлари, ғ кишилари номини тарих ғуборларидан халос

Академик Бунёдов тарихий табиётга оид ишлар илфий ҳаидир. У Кордова халифаларининг саъи ҳақими Абдуллоҳ Халеф аз-Заҳравийнинг алусий асарининг ўттинчи трактатини араб тили-рус тилига таржима қилди. аз-Заҳравий бу рида ўзи яратган икки юздан ортиқ жарроҳлик обларнинг тасвирини берган. Уларни Дамашқ атдан ясаб йўлларини тушунтириб ўтган. Бу ойиб тиб қомусида кўп касалликлар муолажасига та тавсияномалар, дори тайёрлаш қондалари қайд лган. Автор жароҳатни ёришдан аввал маълум лмаган бир қанча янги усулларни тақлиф қилган. асар XII асрда лотин тилига таржима этилган ва та аср ҳақимларининг асосий қўлнамасига айлан-эди.

Албатта, бу ишлар Октябрь революцияси ордини алери Зиё Бунёдов ўзи тадиқ этётган даврни з томонлама яхши билишини кўрсатадиган мисол-дур. Зеро, унинг энг муҳим асарлари рўйхатини тириш учуноқ яна бир неча саҳифани қорала-миз керак бўлар эди.

Лекин Зиё Мусаевич хонанишин олимлардан-эс. Зиммасидаги қуйидаги вазифалар унинг активий позицияда турган инсон эканлигини намош қилади: 1. Яқин ва Урта ШАРқ мамлакатлари икки институти директори. 2. СССР ва араб мамла-атлари дўстлик жамиятининг вице-президенти. Уруш ветеранлари Совет Комитети Президиуминг аъзоси. 4. Совет халқи революцион, жанговар Меҳнат шон-шуврати жойлари бўйлаб Бутуниттик ҳолати Республика штабининг раиси. 5. 18-Ар-я ветеранлари Озарбойжон советининг раиси. Докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бў-ла иктиқослаштирилган совет раиси...

Ҳазар денгизи бўйларида сайр этсангиз, тўлқин ғроққа чиқариб ташлаган турли шаклдаги ёғоч-они кўрасиз. Уларнинг бэзилари қушларга, ҳай-ларга ўхшаб кетади. Зиё Мусаевич буш вақтла-да табиатнинг қўли билан яратилган бундай тайёр икалларга жон бағишлайди, уларининг табиий би-ини мукамаллаштириб, чинкамаига қушлар, янворлар қиёфасига киритади...

Янгилимасак, бу шоир дўстларининг шеърларига родиялар ёздаган, адабий таржима билан шу-ландадиган тарихчи олимнинг бадий завқини аойиш этадиган машғулот... Бу — ақлни машқ лдиришнинг бир воситаси. Зеро, тарих ҳикматла-ни авлодларга бедахл етказа олиш мана шундай ийи, бетўхтов фикр оқими жараёнидагина амал-ошиши мумкин.

Зиё Бунёдов шундоққина Қора денгиз бўйида яилган «Қаҳрамонлар уйи»да яшайди. Бу уй — вет Иттифоқи Қаҳрамони, Социалистик Меҳнат қрамони бўлган ажойиб кишиларга республика-н тортиги.

Ташқарида Ҳазар шовуллаиди, тўлқин уради. Олам яралгандан бери Ҳазар шовуллаиди, тўл-қин уради.

Бабак, Жалолиддин Менкбурни, Зиё Бунёдовнинг та қўлдан-қўп қаҳрамонлари Ҳазарнинг гувиллаши-зшитган, тўлқин урганини курган...

Зиё Бунёдов сўхбатни давом эттиради. Назарим-Ҳазар денгизидай улуг ҳаётнинг бир тўлқини та киргандек бўлади...

ЮЛИУС ФУЧИК ҚАҲРАМОНИ



АШХУР Чехословакия адиби, атоқли жамоат ароби Юлиус Фучик 1931 йил-да ва ундан кейин бирмунча вақт Йош-кентда яшайди. У республикамиз шаҳар ва қишлоқларида бўлди, серкуёш диё-римининг ажойиб кишилари ҳақида очерклар ёзди. Унинг эътиборини тор-ган ҳамюртларимиздан бири 1920 йил-дан КПСС аъзоси, тошкентлик шифокор Мирза Мирсоатовдир. Мазкур лавҳада ана шу мўътабар инсоннинг ибратли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

— 1935 йилнинг октябр ойлари эди, — деб эслай-ди ўша йиллари Мирза ота, — машҳур чехословак адиби ва журналисти Юлиус Фучик, азуучи Драган Озрин ва бошқа бир қанча меҳмонлар касалхона-мизга кириб келишди. Уша вақтда мен Самарқанд-даги республика касалхонасида бош врач бўлиб ишлардим. Касалхона ҳаёти билан, беморлар, врач-лар билан суҳбатлашди. У мен ҳақимда кимдандир эшитган экан, фаолиятин билан қизиқди. Биз тенг-дош эдик. Тезда иноқлашиб қолдик. Ушанда эсда-лик учун бир қура сурагга ҳам тушдик. Кетаётиб касал-хонамиз албомуғи шундай деб дастхат қолдирди: «Бизга Самарқанддаги Файзулла Ҳужаев номидаги республика касалхонасини Совет Ўзбекистонини эриш-ган муваффақиятлардан бири сифатида кўрсатишди. Лекин энди биз шунини баралла айти оламизки, бу касалхона фақат Совет Урта Осиёси учуғина эмас, балки бутун инсоният учун оламшумул воқеадир. Халқларнинг ашадий душманни бўлган ваҳший капи-тализм бундай даволалш муассасаси бор деб ҳеч қачон мактанолмайди. Фақат Совет ҳокимиятигина, фақат коммунистларнинг миллий сиёсатига жуда кенг меҳнатнашлар олмаси учун шундай гамҳўрлик қила олиши мумкин.

Фучик».

Орадан кўп ўтмасдан эса Чехословакия Комму-нистик партияси Марказий Комитетининг органи «Руде право» газетасида Юлиус Фучик мен — оддий ўзбек врач ҳақида очерк эълон қилди. У социалист-ўзбекистонимизнинг дастлабки ютуқлари, киши-ларимизнинг янги турмуш шароитидаги камолоти тўғрисида тўлқинлиниб ҳикоя қилган эди.

Баъзида йўллаб қоламан. Фучик бизнинг ўша дастлабки ютуқларимиздан қанчалик фахрланган, уни бутун оламга кўз-кўз қилиб мактаган эди. Агар у ҳаёт бўлиб, дийримиизнинг бугунги гуллаб-яшнаган қиёфасини кўрганда эди... Ҳа, албатта беҳад қувон-ган, қаҳрамон кишиларимиз ҳақида янги-янги очерк-лар, китоблар ёзган бўларди.

Дарвоқе, Мирза ота Мирсоатовнинг тақдир, унинг мазмуни ҳаёти Юлиус Фучикнинг эътибори-ни тортиши беҳиз эмас эди. Негаки, унинг ҳаёти Улуг Октябр берган саодатнинг ёркин тимсоли эди. Шунинг учун ҳам у бахтиёр ўзбек шифокори-нинг порлоқ ҳаёти мисолида социалистик жамият-нинг қудратини кўрди ва шу улуг бахтни ўз қалами билан оламга кўз-кўз қилди. Бу халқ жамиятимизда синфий кураш давом этётган 30-йиллар учун жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга эди.

Мирза Мирсоатов 20- ва 30-йилларда Совет ҳо-кимиятини мустаҳкамлаш учун фидойийлик кўрсатган бўлса, уруш йилларида у душманга қарши мардона-вор жанг қилди. У дастлаб 394-Грузия ўқчи дивизи-ясида врач-ординатор бўлиб хизмат қилди. Сўнгра Мирза ака медицина-санитария отрядига командир қилиб тайинланди. Отряд бошқа қисмлар билан Киевказдаги Клухорий довоғига қараб йўл олди. Довоғга чиқадиган ёлғизоёқ йўл тор ва хавфли эди: бир томони тубсиз жарлик, бир томони тик қоялар. Довоғда эса аёвасиз жанг борарди. Ҳар қуни душманга қарши жангга кирган йигитларнинг жуда озгина қисми омон қайтарди. Декабрь бошида қор ёғиб, довоғдаги уруш тўхтади. Шундан сўнг Мирза ака 1943 йил январда 9-тоғ-ўқчи дивизияси-га вазод командирини қилиб юборилди. Бу дивизия Алексеев довоғидан ошиб, Кубанни эгаллаган душ-ман қисмларига қарши ҳужумга ўтди. Немислар Кубанни ташлаб орқага чекина бошладилар. Меди-цина-санитария батальони ҳам дивизия билан изма-ни бориб, яредорларга ёрдам кўрсатарди. Мирза ака тиним билмас, яредор аскарлар бошида парво-на эди.

Жаҳонғирлик планлари амалга ошмай, шарманда-ларча чекинаётган душман қандай йўл билан бўлмасин Совет Армиясига кўпроқ талафот еткази-шга уринарди. Уларнинг жон талвасида қилаёт-

ган разилликларидан биттаси вирусли юқумли касалликларни совет солдатлари орасида қасддан тарқатиш эди. Мирза ака яредор жангчиларга ёрдам кўрсатиш билан бирга жангу жадаллар гирдобида ҳам изланди, илжозси дардага чора топиш йўлини қидирди. Юқумли таносил касаллигини даволанишнинг янги усулини топди. Илгари бу оғир дардага йўлқи-қан бемор бир ярим-икки ой давомида ётиб даво-ланса, янги усулда беш-олти күн ичида соғайиб кетарди. Мирза ака ўзининг содда ва қўлай бу усу-ли билан медицина-санитария батальонида қисқа вақтда 600 беморни даволаб, уларни яна сафга қайтарди. У кишининг бу хизматларини ҳукуматимиз Ватан уруши ва Қизил Юлдуз орденлари билан тақдирлади. Мирсоатовга медицина хизмати майори унвони берилди. 1943 йил сентябрда уларнинг дивизияси Краснодарга келди. Бу ерда 9-Тоғ-ўқчи дивизияси 9-Краснодар-пластун дивизиясига айлан-тирилди. Афсонавий қаҳрамонликлари билан шухрат қозонган бу дивизия жангчилари Прага шаҳригача бўлган узоқ масофани мардонавор босиб ўтди. Дивизиянинг собиқ сиёсий бўлим бошлиғи Иван Матвеевич Петрашин «Кубан пластунчилари» китоб-ида дивизия жангчиларининг ажойиб қаҳрамонлиқ-ларини ҳаяжон билан тасвирлади. Аҳор китоби-нинг бир нусхасини дивизиянинг собиқ врач, меди-цина хизмати майори Мирза Мирсоатов ўз дастхати билан тақдим этган. У бу китобни жанго-вар йиллардан ноёб ёдгорлик сифатида сақламоқда.

Уруш ғалаба билан туғалган, Мирсоатов юртига қайтди. Дастлаб Тошкент Медицина институтининг урология клиникасида ассистент бўлиб ишлади. 1950-77 йилларда эса тери-таносил касалликлари институтида урология бўлиминин бошқарди. Меди-цина фанини тараққий эттириш ва медицина кадр-ларини тайёрлаш соҳасидаги катта хизматлари учун 1947 йилда унга биринчилар қаторида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач унвони берилди.

...Болгариянинг марказий органларидан бири — «Силистренска трибуна» газетаси «Юлиус Фучик қаҳрамонлари изидан» рубрикасида кекса коммунист Мирза Мирсоатов ҳақида «Фурнаджийчо Мирза» номли очерк эълон қилди. Очерк Юлиус Фучикнинг Мирза ака ҳақидаги очеркларидан роса қиёқ йил кейин газетанинг 1976 йил август ва сентябрь сон-ларида босилди.

Юлиус Фучик қаҳрамонлари... Оташин чехословак журналисти бундан яқин аср муқаддам юртимизда бўлган эди. Уша 1931 йилги ва кейинги сафарлари-нинг самараси улароқ ажойиб замондошларимиз ҳақида ажойиб асарлар ёзди. Унинг қаҳрамонлари дунёдаги энг азгу иш — тинчлик ишини ҳар бири ўз шахсий иш деб биладиган улуг совет халқининг асл фарзандлари эдилар. Улар тинчликни ёлқовчи бирдан-бир жамият — социализм кишилари, тинч-ликнинг ишончли, қудратли побсони Совет Иттифо-қи граждандари эдилар.

Йиллар ўтди, бу даврда инсоният тарихида олам-шумул воқеалар, буюқ ўзгаришлар юз берди. Юлиус Фучик қаҳрамонлари, хусусан, мўътабар инсон Мир-за Мирсоатов ҳам жангу жадалларда тобланди, замонамизга муносиб фаолияти билан эътибор топди. Унинг фидойий ҳаёти ёшларимиз учун ҳам доимо ибратлидир.

Орзуқул ЭРҒАШЕВ

Суратда: (чапдан) Юлиус Фучик Густина Фучикова ва Мирза Мирсоатов билан. 1935 йил, октябр.





Ворошилов номидаги Тошент Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг доғдор ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Мўйдиновга бағишлайман.

Пресс цехи гўё бир олам,
Унинг минг бир жозибаси бор.
Ҳар дастгоҳга таржимон одам,
Цехнинг жумбоқ формуласи бор.
Рақам тошин яратса ишчи,
Тарозининг шаъини — меҳнат.
Нечун цехин паст кўрсаткичи,
Тенгдошлардан кетганим омад!
Нечун ҳамма ўзи сингари
Бир қозонда қайнамас. Нечун?
Нечун завод босмас илгари,
Кемтиклари бўлмайдиган бутун!
Ети ўлчаб бир кесади у,
Муҳим жумбоқ кечар фикрида.
Тенгламалар ечиладию
Формуласи тафаккурда.
Шогирдларга оталиқ даркор!
Наф келтирар ахир ҳамкорлик.
Шундай бўлса иш топиб барор
Бўлмас эди меҳрга зорлик.
Миясига режасин жамлаб
Нуқсонларни Маҳмуд этди ҳис.
Юракларга балки чўғ ташлаб
Бошласини янги ташаббус!

...Кабинетда намозшомадан то
Не вақтгача ўчмади чироқ.
Давом этар парткомда бюро,
Муҳим ишни кўришар, бироқ,
«Генераллар» индай эшилиб
Масалани этишолмас ҳал.
Баҳслар кўзлар сузулиб,
Бир қарорга келишмас тугал.
Норгул йигит турар ўрнидан,
Сўз олади ўзин тутиб ғоз:
— Камчиликлар учрайди баъзан,
Менда бунга йўқдир эътироз.
Мўйдиновнинг почини эса
Шубҳаларга ҳақини сўзлайди.
Ҳали ахир ўзи ёш бўлса,
Яхши билмас ишнинг кўзини!
Жуда катта кетмадимикан,
Ўйлаб кўрмоқ керак бу ишни.
Шунга ақли етмадимикан,
Ортирар-ку бизга ташвишни!
Тиг санчса ҳам унинг сўзлари,
Узин олди Маҳмуджон қўлга.
Ғазаб билан ёниб кўзлари,
Шитоб билан отилди залга:
У ловуллаб ҳақини сўзлайди,
Тўқиб солар дилда борини.
Учкун каби қалб чирсиллайди,
Залга бериб ихтиёрини.
Инсон ахир ҳаёт гултожи,
Унга ёрди машъал тафаккур.
Ақл-одоб — умрининг тожи
Йўлларига гўё сочар нур.
Сен ҳаётда кўз очган кундан
Эзгулигининг кўчасида юр.
Ғазилатининг машъали шунда
Сахйиликнинг кўчасига бур.

Ҳамидулла ЕҚУБОВ

Оқ теракми, кўк терак

Қардошлар саф бўлишди,
Икки тараф бўлишди!
БАМлик дўстлар у ёқда,
Чўлқуварлар бу ёқда.
Кўл ушлашиб бўйлашар,
Қизик ўйини ўйнашар:
Чўлқувар қиз Гулойим
Сўз бошлади бинойи:
— Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак!
Саволни тинглаб Алла
Жавоб берар баралла:

Шогирдларга бўлмаса ғамхўр,
Меҳрибонлик қилмаса агар,
Ора йўлда қолиб кетса гўр,
Бахш этмаса борини тугал,
Ўзидан сўнг корхона қалбин
Ким бошқарар,
Ким бошқарар, ким?!
Ахир шогирд устоздан кейин
Унинг ишин олиши лозим!
Ақл-идрок кўёшга ўхшар,
Ёқиб турар кўнгил чироғин,
Қалбидаги туман ёришар,
Нур-ла ювар тубанлик доғин.
Бюро тугар, ҳамма тарқалар,
Маҳмуджонни кутлар секретарь.

Чирчагани билмайди ҳеч бир,
Киприкларга илинмас уйку.
Хаёллarga бўлади асир,
Юрагда ўша хис-туйғу.
Цехдан цехга кўчарми дедил,
Ташаббуслар отарми илдиэ!
Балки мева бермай муттасил,
Кетарми ё соядай исизэ?
Ташлармикан залворли қадам,
Етармикан катта манзилга?
Жилваини олурми қўлга?
Йўл ҳақида ўйлайди нечун,
Нечун унга интилар кўнгил?
Қалбин қоплаб нотинчлик бутун
Ғалаёнлар солади буткул?
Не кечади унинг фикрида,
Е туғилар бирор кашфиёт.
Юрагининг қайноқ кўрига
Йўғрилларин янгилик, ижод?
Билмам, қандай дард қийнар ахир,
Муҳим нени ахтаради у?
Нечун виждон бонг ураётир,
Бунёд этиш дардимикан бу?
Осудалик бегонами ё
Турғунликин ёқтирмайдим?
Балки аҳду паймонами ё
Ҳаракатми, кўнгил майлими?
Безоватлик, ахтариш дардин
Замирида борми ҳаракат.
Ҳаракатда кўнгилнинг гардин
Бошланмалар юварми фақат?
Ҳаракатга ундаса юрак,
Бўлармикан ҳаётда ўрни?
Ва яшанинги маъносин бешак —
Англаш учун ундарми уни?
Ҳаёт уни турса шиддатлаб,
Ҳаракатда акс этса ижод,
Чечак отса ният ва матлаб,
Ташаббуслар қоқсою қанот,
Шиддат билан ўтса лаҳзалар,
Аксин топса минутлар қадри.
Унда ўзин ўрни бўлса гар,
Яшаш ишқи чулғаса меҳрин,
Мўъжизалар яратса кунда,
Сезармикан ўзин бахтиёр.
Қалб дунёсин тортқил қилганда
Фахр этарми шу она-Днёр!
Гулгун ҳаёт ўзи бир дарё,
Тўлқин уриб мавжланиб оқар.
Шиддатда бу рангин дунё
Ҳаракатда аксини топар.
Жўшқинлиги — беором қалб бу,

Шоққинлиги — умр мазмуни.
Кўнгилдаги ҳаракат, гулу
Эзгуликка ундайди уни!
Ишчи касби — унинг тақдирин.
Тақдир эса кетмайди ташлаб.
Шу тақдирда — бахти, шуури,
Тақдир уни бормоқда бошлаб!
Нотинчликка интилган инсон
Фароғатдан қочади бешак.
Бахт ва толе ёрди бегумон
Гар беором бўлганда юрак!
Ижод йўли — элнинг йўлидир,
Шу йўлларда унинг ғурури.
Элнинг қўли — унинг қўлидир,
Кўл яратар зафар сурурин.
Элнинг йўли — юртим ҳаёти,
Бир сония тўхтамас. Аммо
Элнинг бахти, ҳаётнинг тоти
Бир қатрада акс этар гўё.
Ўйлаб деҳкон фароғатини
Кечди ўзин фароғатидан.
Енгил қилса унинг меҳнатин
Кўрар ўзин нашъа-роҳатин.
Ер томирин ушлаб қишу ёз,
Деласидан аримас деҳкон.
Фароғатдан у ҳам кечиб воз
Юрт тақдирин ўйлайди ҳар он.
Ивантур тер-ла тупроқини
Қишда ҳосил хамирин қорар.
Узоқ тунлар ёқиб чироқини
Унга сувмас, гўё қон берар.
...Тинч ҳолатда ҳали уруғ-дон,
Фароғатда мудраб ётади.
Омборлардан ташаркан деҳкон
Бузилади ором ҳолати.

Тупроқ қизир қуёш нуридан,
Унга сочар борака — уруғ.
Дон портлару манглай теридан,
Офат нурын силқорар тўлик.
Ерга илди отади ғўза,
Тутмоқ бўлар қуёш баридан.
Ва баҳордан олиб андоза
Ҳосил тугар деҳкон меҳридан.
Гўза ахир унга бош фарзанд,
Пахтазорда чиққан тили ҳам.
Пахта илмин устаси гарчанд,
Шуъласидан мунаваар олам!
...Гоҳ инжиқлик қилар табиат,
Кўрсатади ўз «уйинларини».
Пахтазорини босганда офат
Елга учар фикр-ўйларини.
Офат билан туриб юзма-юз
Этик билан сув кечар гоҳи.
Ранж-аламда чекару афсус,
Баъзан зардоб, қон ичар гоҳи.
Қон қақшайди япроқдай титраб,
Юрагига тушар зирқирок.
Зое кетса кураш ва матлаб,
Ахир бунга чидайди қандоқ!
Танглиги тутса табиат,
Нашидалар тўлар дилига.
Кўз ўнгида акс этар омад,
Қуваниб боқар оруз селида.
Уфларга ташласа кўприк
Селдан кейин кўкда камалак,
Кўёш қулиб қоққанда киприк,
Алвон нурын тараса бешак,
Юксак-юксак шалоларининг
Тинглаб турса садоларини,

Экинди зумрад шодалар
Силбирса ёз нур-ҳаволарин,
Гард-ғуборин силкитиб бўрон
Пок этганда чексиз борлиқини,
Шодликлари бўлиб бир жаҳон
Чикаргандай бўлар хордиқини.
Кузда уйиб осмонлар тоғ,
Шунда ёзар ўз хуморини.
Келмоқ учун яшин бунёгда
Икки қақмоқ тўқнашмоғи шарт.
Меҳнат ахир асос ижодга,
Туғилмайди йўқса қўшиқ, байт.
Икки қақмоқ тўқнаш келмаса,
Ҳаёт йўли тўлуқини нурга!
Агар ишчи ҳамкор бўлмаса,
Деҳкон юки қоларди ерда.
Бўлмаса гар шорида туғён,
Жўш урмаса оташ ҳиссиёт,
Кўтармаса қалбада ғалаён,
Шоир, шеъринг қоқурми қанот!
Фикрларнинг сеლობида у,
Қалб масала талашиб ётур,
Ўйлариди ўша хис-туйғу,
Йилларни у қувишга қодир!
Ҳаракатда очди кўзини,
Янги мазмун кашф этди олам.
Нотинчликка ундар ўзини
Гулхан мисол ишчи қалби ҳам.

Айланади улкан енгидирак,
Шовқин солиб чириллар дастгоҳ.
Айланади мисли пирпирак,
Ҳаракатин кузатади гоҳ.
Манглайдан тер оқар шаррос,
Тез-тез артар рўмолча билан.
Цехин қоплар минг турфа овоз,
Меҳнат жангин самари — план.
Рақамларни чўтлайди бир-бир,
Улчар фикр тарозисида.
Икки юзга тош босмаётир,
Қийинмикан бу марра жуда!
Чегарамас юз олтиш ахир,
Бунга йўқдир ҳеч қандай қонун.
Энди рекорд қўйишга қодир,
Икки юзга етказмас нечун?
Унинг ишин белгилар фақат
Тарозиди рақамлар тоши.
Қирқини қачон қўшади тагин,
Е етмасми бунга бардоши?
...Вақт бир кўнғи, сочади ёғду,
Ерилади инсонлар йўли.
Камалақдай зоҳир булару
Ушлатмайди ҳеч кимга қўлини.
У пинҳоний ўтиб боради,
Ором билмас, ишлар бетиними.
Довул каби кетиб боради,
Минг мақомада турланади жим.
Ҳар онда сурбат бор, суръат
Унда ёнар юрак олови.
Ҳар сония шиддатлар, шиддат
Қалблар азини — унинг жиловин!..

1979—1981

Болаларга ўқиб беринг!

Чўлимга сув кўп зарур.
БАМлик дўстлар у ёқда,
Чўлқуварлар бу ёқда...

Ёрдамчи хўжалик

Корхонамиз қошида,
Қирларнинг ёнбошида
Хўжалик бор ёрдамчи,
Мен ҳам унга борсам-чи?

Қад кўтарган мол боча,
Ичи тўла бузоқча.
Сут ичар қулт-қулт қилиб,
Кўзларин мўлт-мўлт қилиб,
Энг аъло, нодир зотли
Сузмас, тепмас — одоби.
Гов сиртида охурча
Уту, кепак бор пича.
Идишда — сув, шифтда — нур
Ерга, топ-тоза — ҳузур.
Ветврач тили билар,
Уларни суяр, силар:
«Катта бўлса, бой қилар,
Бизга гўшт, сут, мой қилар».

— Деҳкон керак — олтин қўл,
Пахта, меваси мўл-қўл,
БАМликлар раҳмат айтар,
Меҳри Иртишдай қайнар:
— Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак!
Чўлқувар қиз Гулойим
Жавоб берар мулойим:
— Сахй мироб керак,—
дер,—
Суви сероб керак,— дер,—
Азим дарё Обь зарур,

Нуроталин ёш журналист ва фольклоршунос Раҳим Қодиров бир неча йиллардан буён халқ озғани ижоди намуналарини қизичиб ўрганиб келади. У фольклор мавзусидаги турмуш мақолалари учун 1980 йилги Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи мукофотини олди. Қуйида унинг фольклоршунослигида ҳозиргача нам ўрганган Қўтир қишлоқ достончилик мактабига бағишланган мақоласини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

«Бу воқеа Исломо шоирнинг вафотидан икки йил олдин бўлди. Мен ўшанда шоир уйда бўлдим. Дўмбирларидан куй чалиб, оз-моз машқ қилдим. Ушанда шоир нимдан таълим олганини сўраганда, айтди. Бекмурод жировнинг номларини эшитишлари билан: «Ҳа, чўл бахшисими?.. Чўл бахшиси Бекмуродни эшитиб юрардики-ку, аммо учрашмовдик. Ташкентда кўриб қолдим. Хўп овози бор экан», деб устодимнинг номини ҳурмат билан тилга олди».

Хуллас, Қўрғон, Булунгур, Норпой, Қўтир достончилик мактаблари ақиллари бир-бирларидан беҳабар эдилар, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Бу мактаб намояндаларидан ёзиб олинган достонлар гоёвий жиҳатдан бир-бирларига анча яқин. Лекин улар бадияти, ижроси жиҳатдан ранг-барангдир. Қўтир қишлоқ достончилари жиров деб юрилганликлари ана шу бадиятдаги, ижродаги ўзига хошликин намён қилувчи далиллардан биридир.

Маълумки, Нурота атрофи ва унинг чўл томонларида ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқлар, тожиқлар бир оила фарзандларидай тотуликда яшаганлар. Улар ўз достончиларини жиров, жирчи деб атаганлар. Ўзбек достончилигида «жирчи» термини биринчи бор Қўтир қишлоқ достончиларига нисбатан қўлланилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиши кераки, қорақалпоқ жировлари биз тилга олаётган мактаб ижодкорларидан достон айтишнинг нафис, нозик томонларини, сўз жиловларини, овозини мақомга солиш каби «сир»ларини ўрганганлар (қarang: «Амударё» журналі, 1960 йил 6-сон, 80—81-бетлар).

«Бу адабий традициянинг донғи Қорақалпоғистонга қадар етди. Қорақалпоқ халқ шоирларининг гувоҳлик беришича, қорақалпоқ достончиларининг бир нечаси Нурота достончиларидан таълим олганлар, — деб уқтирган эди устод Ходидар. — Фольклоршунос Қалли Ойимбетов берган маълумотга кўра қозир ҳаёт Исомурод жировнинг этиси Нурабдулла жиров (1858 — 1922) достончилиги ўз юртида ўргангандан кейин бу соҳадаги билим ва санъатини ошириш учун Нурота райониغا келган ва бу ердаги халқ шоирлари тарбиясида балоғат касб этиб, Қорақалпоққа қайтган. Машҳур қорақалпоқ халқ шоири марҳум Қурбонбой жиров Нурота район халқ шоирларининг таърифини эшитган, Тўрткўлдан Нуротга келиб, таълим олган. Дастлаб достончи бўлиб етиштиши шу ерда юз берган. Шунинг учун Қурбонбой жиров ўзбек достонларини ҳам яхши куйлар эди».

Бу каби мисоллар, юқорида кўрсатилганидек, ўзбек достончилик мактабларининг ўзига хос камолотини ячада намён этиди. Камолот, истевдод — бадий ижодада кўп изланиш, кўп йиллик меҳнат махсули эканлиги ани ҳақиқат. Шундай экан, Қўтир қишлоғи достончилари шажараси ўтган асрнинг 40-йилларида вафот этган Холмурод жировдан ҳам аввалроқ бошланганигини, унинг ҳам кўпгина сифатлари бўлганлигини таҳмин қилиш мумкин. Холмурод жировнинг ҳалафлари — давомчилари жуда кўп бўлган. «XIX асрнинг иккинчи ярмида

ни «бу йўл билан айтиб» ўтиши эса мазкур достончи бетакорр истевдод эгаси бўлганини билдиради.

Бекмурод жиров, Холмурод шоир «Авазхон» достонини бу йўл билан айтиб ўтган, дейиш билан чегараланмайди. Балки: Холмурод бахшидан бу йўл

қолганди. —

деб алоҳида уқтиради. Маълумки, ҳар бир достончилик мактабининг ўзидан кейин «йўл» — аънава қолдирган достончилари бўлган. Чунончи: Амин бахши Булунгур мактаби муҳитида мулолавай йўлга асос солган. Қўрғон достончилик мактабининг буюк вакили Жуманбулбул эса «Равшан» достонини ўзининг «уч ҳайдалган шугорига айлантирган. Демак, Холмурод шоир Қўтир қишлоқ достончилик мактаби ривожини учун «йўл» берган асл халқ шоирдир.

Холмурод шоирнинг муносиб шоғирларини унинг ўғлини ижодий давом эттирдилар. Чунончи: Чанкут бахши узидан таълим олганди.

Холмурод, Чанкутларнинг издоши, Бекмурод Жўрабой ўғлининг устозларидан яна бири Қурбон жиров Йўлдош ўғли эди. У ҳам устодлар йўлидан борган, репертуари бой ва ранг-баранг бўлган. Бу бадиҳагўй шоир достонларни мароқ билан куйлаган.

Қўтир қишлоқ достончилик мактабига мансуб яна бир жиров Эшмуроддир. У асли Нурота яқинидаги қадимий Зулқарнайн қишлоғидан бўлиб, ҳаётининг сўнгги йилларини Қалқонота қишлоғида ўтказган. Эшмурод достончи сифатида овоза кўтарган. Айтишларича, Чанкутнинг сидқидилдан ҳурмат қилар экан. Чунки Эшмурод бу устоз жировдан достончилик сирларини ўрганган эди.

Равшан бўлаётки, Холмурод, Чанкут, Қурбон, Эшмурод жировлар Бекмурод Жўрабой ўғлининг савлафлари эдилар. Шу ўринда Қўтир қишлоқ жировларига хос муштарак бир хусусиятини айтиб ўтиш керак: улар ани достонни ўзбек даврасида ўзбек, қорақалпоқ даврасида қорақалпоқ, қозоқ даврасида қозоқ, тожик даврасида — тожик, туркман даврасида туркман тилига яқинлаштириб куйлашга интиланганлар. Бу ҳақда Бекмурод Жўрабой ўғли шундай дейди:

Чанкутнинг шоғирди Қурбон

шоирнинг

Овозаси кўп жойларга ёйилди. Қозоқ, қорақалпоқ, туркман ўзбек, Яна тожиқлар ҳам унга қойилди.

Англишлядики, Қўтир жировлари кўпгина туркий халқларнинг аънавий достонларини куйлаб келганлар. Демак, улар ўзларининг шу халқлар озғани бадий ижоди хазинасига муаян улушларини қўшганлар. Бундод бахт ҳар қандай санъаткорга насиб қилвермайди, албатта. Табиқини, изланишлар давомида кўп нарсалар ойдинлаша боради. Қўтир қишлоқ достончилари ҳақида материаллар,

фактлар тўплаш жараёнида, улар бошқа мактаб шоир-достончиларидан фарқи яна бир муштарак хусусиятга эга эканликлари — дўмбира, дутор, қўбизни бирдек маҳорат билан черта олганликлари маълум бўлди. Шу босмдан ҳам улар ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, тожик, туркман тингловчилари орасида бирдек машҳур бўлишган. Маълумки, Ўзбекистонда яшаб, достон куйлаган шоирларнинг кўпчилиги дўмбирада, баъзан дуторда, қорақалпоқ ва қозоқ жиров-оқинларига кўбизда куйлаганлар. Фольклоршунослигида, ўзбек достончилиги тарихида фақат Бекмурод жировгина кўбиз ердамида достон айтганлиги зикр этилди:

«Бекмурод бахши ўз достон ва термаларини 6 — 7 куй билан дўмбира ёки кўбизда куйлайди, — деб ёзган эди Беруний мукофоти лауреати Мансур Афзалов. — Ҳозирда Ўзбекистонда яшовчи бахшилар ичидан кўбиз билан достон айтивчи достончини билмаганимиз учун ҳам Бекмуроднинг ижоди алоҳида аҳамиятга эга».

Қўрғон достончилик мактаби намояндалари кўпроқ Оқтоғ билан Қоратог оралғида, Қўтир қишлоқ достончилик мактаби вакиллари эса, Нурота теvarак-атрофида, чўл томонларда куйлар эдилар. Яна, муҳими, бу достончилик мактабларининг йирик вакиллари яшаб, ижод этган даврлар таққосланса, масалая бироз аниқлик киради. Қўрғон қишлоқ шоирлари Жоссоқ шоир, Жуманбулбул яшаган пайтларда, Қўтир қишлоқ ижодкорларидан Холмурод жиров, Чанкут жировлар ҳам машҳур шоир бўлганлар. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ижоди камолотга етганда, Қурбон жиров Йўлдош ўғли, Эшмурод жиров, Бекмурод жиров Жўрабой ўғилларининг ҳам достончилик маҳорати эл назарида бўлган.

Албатта, кейинги изланишлар жараёнида Қўрғон ва Қўтир қишлоқ достончилари ўртасидаги ижодий муносабатларини ойдинлаштирувчи ҳужжатлар ёки адабий манбалар топилиши мумкин, деган умиддамиз. Қўрғон достончилик мактабининг кенжа вакили Раҳматулла шоир Юсуф ўғли:

«Тўрисини айтганда, бу ҳақда — Қўрғон ва Қўтир қишлоқ достончилик мактаблари вакилларининг ўтмишида бир-бирларини билган-билмаганликлари хусусида дабдурустларимиз бирлик томонларини кўрсатишга ҳаракат қилаётирлар. Аммо, устозим Эргаш Жуманбулбул ўғлидан улар ҳақида ҳеч нарса эшитмовдим. Бунинг сабаби, шу мавзуда суҳбат очилмагани бўлса керак. Бекмурод Жўрабой ўғлини илк ва сўнгги бор 1946 йили Ташкентда достон ёздиратган пайтларида кўрдим. Уткир бахши эди...»

Бекмурод жировнинг шоғирди конимехлик Қурбон шоир Наврўзов шундай дейди:

УЗБЕК халқ озғани ижоди азим дарёдай жўшқин, азим дарёдай ҳаётбахш. Қўрғон ва Булунгур, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм достончилик мактабларини эса унинг мангу моқлари, деб таърифлаш мумкин.

Узбек совет фольклоршунослигибу мактаблар ва уларнинг намоядалари ижодий мероси ҳаммиша ққат марказида бўлиб келмоқда. Йинги йилларда халқ озғани ижодий тадқиқотчилари эътиборини ва бир достончилик мактаби ўзига элб этмоқда. Бу достончилик мактабининг муносиб вакиллари асрлар байнида, бошқа достончилик мактаблари намояндалари каби, «Аллопош», «Гўрўглининг Авазин олиб олиш», «Авазхон», «Ҳасанхон», «Унутмиш», «Киронхон», «Қандулан Юлдуз» «Маликаи айёр», «Ақса Аҳмад» сингари достонларни йўлаб келганлар. Аини шоирлар Сарқанд область Нурота районида. Қўтир қишлоғида марказлашган достончилик мактабининг шоғирдори эдилар.

Қўтир қишлоқ достончилик мактаби намояндалари ўзларига хос оҳида поэтик сулолани ташкил қилган. Бу уларнинг ижодининг баққийетиға муносиб улуш қўшири. Шу ўринда мазкур достончилик мактаби, унга мансуб жиров ва умуман, фольклоршунослигида деярли ўрганилмаган бу халқнинг кашф этилишига сабабчи қилган Бекмурод Жўрабой ўғли 378 — 1955) ҳақида тўхталиб ўтиш рак бўлади. Бекмурод жиров ижоди билан машҳур бўлган бу шоир иккита аънавий халқ достонини р маҳорат билан куйлаб, элга интизури қилган. Афсуски, уздан аттирт асар — «Холбека», «Гулшан», «Авазхон», «Алломиш» достонларига ёзиб олинган. Таъкид-ш кераки, Бекмурод жировдан иб олинган достонлар Қўтир қишлоқ достончилик мактаби гоёвий-дийн оламнин, унинг устод шоирини ижодий тақдирини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Чунончи, «Авазхон» достонини улар экан, жиров шундай дейди: ур умрга битса шоир таърифнас. уздан бирин оини баён этолмас. иларига эшитганлар қойиндир, унишамандлар сўз маъносин айирди.

Достончилик — санъат. Ҳар қандай шоир ҳам эл олқишига сазовор главермайди. Шоир «бир умр» сезакон каби аънавий қаҳрамонир таърифини келтирса ҳам, бари-ир, унинг айтилмай қолган сўзлари глади. Устоднинг дилида қолган эларини муносиб шоғирлар айтмай Ана шунинг учун ҳам Бекмурод иров «Авазхон»да ўз қаҳрамонининг сазуэштларини тасвирлаб глаган, шу йўлда, яъни усунда куйган устод достончиларни эхтиром га эсга олади:

«Йўл» билан айтиб ўтган Авазхон, ураваллошда Холмурод шоирди.

Чанкут бахши уздан таълим олганди. Яъни Холмурод таълим деганиннг эга кўринган, ўз йўли, услубига да бўлган устод достончилардан исобланган. «Холмурод шоир» деб рмат билан тилга олинши ҳам уни кўрсатади. «Авазхон» достони-

Нурота раинони Қўтир, Зулумасарой, Искандар, Зулкарнидан каби қишлоқларида бир неча талантлик халқ достончилари ўтган, — деб ёзади М. Афзалов.— Масалан, Зулумасарой қишлоғида Ашур Бахши, Жодир қишлоғидаги Исиргап бахши...

Ивланишлар шуни кўрсатадики, булар сафидан муносиб ўрин олган, халқ орасидан етишиб чиққан кўплаб достончилар бўлган. Булар: Қизилқум томонда Мансур жиrow, Норттой қозоқ, Совуқбулоқ ва Модводда Жиянбой, ИслоM, Аҳмамад, Маматназар, Турсун жиrowлар. Нуротада Турсун Шер, Зулумасаройда Файзи... Бу достончилар ҳам жиrow, жиричи номлари билан машҳур эдилар.

Айтишларича, Мансур жиrow Холмурод жиrowнинг шоғирди, Норттой қозоқнинг устозидир. Норттой қозоқ ўнлаб анъанавий достонларни билган. Шоғирди Исиргапни ҳам устоз достончи қилиб тарбиялаган. Бу жиrowларнинг таъсири, кейинчалик ҳам Совуқбулоқ, Модвод ва чўл томонларда катта бўлган. Маълумки, Мурод жиrow Саидмурод Паноҳ ўғли фольклоршуносликда алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. У асли Қизилтепа районидан бўлиб, 20—22 ёшларида Нуротада яшаган. Уша пайтлари бу атрофда Холмурод жиrow куйлаган дoston ва термалар эл орасида машҳур эди. Чанкутнинг хуш овози, сеҳрли соз чертиши кишилар қалбига етиб, уларни тўлқинлатар, ҳаяжонга солар эди. Ҳа, тунни тонгга уловчи — зулмандухдан қалби чок-чок бўлганларга нур, умид, баҳодирлик бахш этувчи дostonхонлик оқшомлари узлуксиз давом этар эди.

Мурод жиrow «Кунларим» термасида дейди: Ундан сўгин чиқдим Нурнинг чўлини, Ораладим саксовулнинг мулини, Ҳайқи тавёқ бериб менинг кўлима, Қўйлар боқиб, чўпон бўлган кунларим.

Икки йил юрдим Нурнинг чўлини... Нурота чўллари томонида Қўтир қишлоқ дostonчилик мактаби дostonчилари машҳур эдилар. Унинг Чанкут, Мансур, Қурбон, Нуртой, Жиянбой сингари ижодчиларининг номлари, айниқса фахр билан тилга олинади. Мурод жиrow улар сафидан ўрин олиб, муносиб издош бўлди.

Бекмуроднинг амакиси мулла Нурназар жиrow Рўзайбой ўғли ҳам кўзга кўринган дostonчи бўлган. Аммо у, худди Эргаш шоир Жуманбулбул ўғли сингари саводди киши эди... «Мулла Нурназар қиссахонлик билан шуғулланган. У Навоий, Фузўлий, Машраб ғазалларини ҳам ўқиган» (М. Афзалов).

Нурназар жиrow ўзининг аjoyиб қобилияти ва олижаноб хислатлари билан ёшларга ижобий таъсир этди. Укаси Пирназарнинг фарзандлари Холмурод ва Нормурод унга шоғирд тушдилар, натижада етук дostonчилар бўлиб етишдилар. Бу икки жиrow ҳақида сўз борганда, уларни кўрган, дostonларини тинглаган қариялар: «Созлари ёқимли, дилқаш эдилар, зўр дostonларни айтардилар, — деб эслайдилар.— Аак-укалар эндигина камолга етган пайтларида қазо қилдилар. 1926 йили кенжа Нормурод жиrow, 1928 йили Холмурод жиrow вафот этди. Улар бир умрга эъзолаб юрган суюкли дostonлари, термалари, ҳали айтиб улгурмаган дил сўзларини ўзлари билан бирга совуқ тупроққа олиб кетдилар...»

Англашладикки, Қўтир қишлоқ дostonчилик мактаби кўпгина истеъдодли жиrowларни майдонга чиқарган эди. Унинг намояндалари ҳам ўзбек, ҳам қорақалпоқ дostonчилигида арзирли из қолдирдилар. Бу дostonчи-шоирларнинг куйлаш услублари, куйлари, ўзларига хос белгилари, хусусиятлари билан ажралиб турар эди.

Бундан ташқари, Қўтир қишлоқ дostonчилик мактабининг вужудга

келишида фақат ўзбек шоирларининг эмас, қорақалпоқ, қозоқ, тожик дostonчиларининг муносиб ҳиссаси борлиги ҳам аниқ сезилиб турибди. Бу ҳол мазкур мактаб дostonчилигининг кенг тармоқчилигини кўрсатади. Айни қардош халқлар истеъдодларининг бирикуви ва ўз навбатида, ҳар бир халқнинг урф-одатлари, тили, мусиқаси, шунингдек, дostonчилик санъати муҳим омилларининг уйғунлашуви, шак-шубҳасиз катта аҳамият касб этган.

Дostonчиликда ҳар қандай мактаб вакилларининг, улар репертуридаги баркамол асарларнинг тақдир шогирдлар фаолияти билан боғлиқдир. Устозлари изидан бориб халқ дostonчилигининг энг яхши анъаналарини давом эттириш истеъдодли кишиларгагина nasib этди. Ўз устозлари ижодини рўйбга қарган, Қўтир қишлоқ дostonчилик мактабининг ёрқин намоёнлигига айланган Бекмурод Жўрабой ўғлининг шоғирдлари атоқли жиrowнинг умидларини оқлаб, унинг анъаналарини давом эттирмақдалар.

Шоғирдлар хусусида сўз борганда, кўйдаги мисолни келтириб ўтиш жоиздир. «Якка Аҳмад» дostonини Қўрғон дostonчилик мактаби вакилидан бошқа бахшиларнинг куйлаб келганлиги ҳақида маълумотлар кам сақланган, — деб гувоҳлик беради фольклоршунос Т. Мирзаева. — Бекмурод Жўрабой ўғлининг шоғирдлари Маъмур Эрматов, Файзи Нажмиддинов, Турсун Шерофар... дostonнинг мазмунини ҳам айтиб бердилар».

Издошлар рўйхатини яна давом эттираемиз. Конимехлик журналист Қурбон Наврўзов устози Бекмурод жиrow дўмбирасининг оҳанглари яхши билади. Тўрт анъанавий дoston, бир қанча терма, халқ қўшиқларини мароқ билан куйлайди.

Қорақишлоқлик Жаббор ота Умаров ҳам Бекмурод Жўрабой ўғлининг шоғирдларидан. Лақай дўмбирода Қурбон, Бекмурод оҳанглари яхши билади. Устози айтган дoston ва термаларни яхши билади, ўзи ҳам термалар ижод қилади.

Хуллас, ҳозирча тўплаган материалларимиз асосида Қўтир қишлоқ дostonчилик мактаби шажарасини кўйдагича тузish мумкин: бу мактабининг бобокалони — тўрт пушт олдин ўтган катта устоз Холмурод жиrow, унинг шоғирдлари Чанкут жиrow ва Мансур жиrow; Чанкутнинг шоғирдлари — Қурбон жиричи, Эшмурод жиrow ва Нурназар жиrow; Мансур жиrowнинг шоғирдлари — Ашур жиrow, Исиргап жиrow; Қурбон, Нурназар, Эшмурод жиричиларнинг шоғирди — Бекмурод жиrow, Ашур ва Исиргап жиrowнинг шоғирдлари — Норттой қозоқ, Аҳмамад жиrow, Маматназар жиrow; Бекмурод жиrowнинг шоғирдлари — Қурбон Наврўзов, Турсун Шер, Маъмур Эрматов, Файзи Нажмиддинов; худди шу мактаб дostonчилари сафига аjoyиб жиrow Саидмурод Паноҳ ўғлини киритиш керак бўлади. Шунингдек, Нурназар жиrow Рўзайбой ўғли, Холмурод ва Нормурод жиrow Пирназар ўғиллари ҳам шу шажарага мансубдирлар.

Қўтир қишлоқ дostonчилик мактаби ўз даврининг маданият уюшқларидан бири сифатида халқни юксак идеаллар руҳида тарбиялаш ишига ҳисса қўшди. Бутун ўзбек дostonчилигида бўлганидек, она-Ватанини ардоқлаш, меҳнатга меҳр, қаҳрамонлик, поклик, софдиллик, вафодорлик, тинчлик, эрқ, бахт ҳақида тўлиб-тошиб куйлайдилар.

Қўтир қишлоқ дostonчилик мактабининг ижоди бўлмиш дostonлар ва термалар, шеърый парчалар, қизик-қизик ҳангомалар, ҳикматлар, латифаларни халқимиз унутгани йўқ, бу ҳазина жавоҳирларини излаш, гўллаш фольклоршунослигимиз олдида турган вазифалардандир.

Нурота

Раҳим ҚОДИРОВ.

ЧИНОРЛАР

Чинорларнинг томири йўгон, Чўчитилмас иссик-совуқ ҳам. Тоғлар унга бўлолмас тўгон, Кафтидадир олис-ёвуқ ҳам.

Чинорларнинг томири йўгон, Илди отган заминга чўқур. Шу ваздан у эчмайди фйгон, Насиб этган минг йиллик умр.

Чинорларнинг томири йўгон, Беш юз йилда супа ҳам боғлар.

Новдаларин Буколмас бўрон, Шохларига қўнолмас зоглар.

Чинорларнинг томири йўгон, Савлатидан ёғилар вигор. Чинорсиз юрт бўлмоғи ёлгон, Ҳар бир юртнинг чинорлари бор.

Чинорларнинг томири йўгон, Мен улардан завоқлиб юрдим. Бахш этувчи сенга шухрат-шон, Чинорларинг кўп сенинг, юртим!

Булоқ

Қиқирлайди буралиб булоқ, Туйғуларни сочиб кулади. Шодлигидан ранг олар ўтлоқ, Юрагини очиб кулади.

Кулгусидек йиғиси ҳам тез, Мавжланади, гўё урар бонг, Тоғ-дарани айлар сахархез, Уйқусидан уйғотар ҳар тонг.

Некбинлик

Куйиб-ёнди. Куйиб-ёнди шам. Нолимади куйдим деб, аммо. Зорланмади тун чўканида ҳам, Порлаб турди ўзи доимо.

Куйди. Аммо қолдирмади куй Бор умрини ёруғлик кучиди. Таради у нур бўлиб буткул Учганда ҳам нур бериб ўчди

Кўнгилдаги қўшиқ

(Жалолиддин Менкбурнинг Чингизхон улдиртирган ўғлига марсияси)

Юрагини кемирмоқда пушмонлар, Сен эдинг-ку орқа тоғим, кўз нурим. Бошинг тандан жудо эди душманлар, Аммо жудо этолмади гуруринг.

Қочди дея қаро қилма юзимни, Мен ҳам ёнинг қаҳри билан тўлгандим. Евдан қочиб кутқармадим ўзимни, Мен Ватанин кутқармоқчи бўлгандим.

Сен нимасан, мен нимаман, болажон, Бутун бошли Ватан ахир азобда. Биз ҳисобдан чиқсак, майли, бериб жон, Аммо ёмон — Ватан чиқса ҳисобдан.

Қора мазор андадир, Дарди анинг тандадир, Болажоним, болажон, Ватан учун жангдяман, Хоёлларим сандадир, Болажоним, болажон.

Қўлда Ватан қиличи Юрт умиди мададир, Болажоним, болажон. Юрт ўлими олдида Бизнинг ўлим майдадир, Болажоним, болажон.

Улимингдан мен розиман, кўз нурим, Жон берибсан душманнингга боқиб тик. Ҳаммага ҳам ёр бўлсайди гуруринг, Юрт доимо яшар эди беҳадик.

Бу шум хабар юрак-бағрим қон этди, Қадалгандек бўлди гўё мийнаб ўқ. Нетай, болам, юрт тағига сув кетди, Сенга видо айтмишам ҳам вақтим йўқ.

Айтилмаган видо эзар дилимни, Бизнинг кунлар ёв бошига қайтуглик. Қилмасин-ей, ҳеч бир халқни, ҳеч кимни Ватанига мангу видо айтгулик.

Сен нимасан, мен нимаман, болажон, Бутун бошли Ватан ахир, азобда. Биз ҳисобдан чиқсак, майли, бериб жон Аммо ёмон — Ватан чиқса ҳисобдан.



Тор қабрга тикилдинг, Аммо юртнинг хур бўлсин, Болажоним, болажон.

Нур кўрмайин кетдинг-ку, Қабринг тўла нур бўлсин, Болажоним, болажон!..

ДРАМАТИЗММИ ЁКИ ЛИРИЗМ?



Бердиали ИМОМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

ОВЕТ ёзувчиларининг VII съездида социалистик гуманизм гоълар байроқдори бўлган адабиётимизда эришилган ютуқлар фахр билан сарҳисоб қилинди. Драматургиямизга доир материалларда фодасини топи: театрларимизларинда кўплаб спектакллар кўйилганлиги қарамай, уларга бўлган драмалар камдан-кам этилаётганлиги қайд қилиб

ди. у ҳаққоний талаб ва ҳаётий за-т нуқтадан назардан ёндашилса, совет драматургиясида ке-к ўн йилликлар мобайнида яра-н пьесаларнинг жуда оз қисми э-тилганлигини афсусланиб тан-га тўғри келади. Ваҳоланки, илмларимиздан ташқари, «Шарқ-гази», «Гулистон», «Совет Узбе-ни санъати», «Саодат» ва бош-турналлар бир йилда икки-учта-пьеса эълон қилсалар ҳам дра-огиямиз хазинасини тўлдириш-а муносиб улуш қўшган бўлур-ар.

ана шундай шароитда Максим-ов пьесаларининг алоҳида ки-ҳолида нашр қилиниши қув-и ҳолдир. Драматург яратган ижобий-терларнинг муштарак фазилати-у, улар соф ахлоқли, даврга му-б, фаол, курашчи шахслар бу-а интиладилар. Автор ўз қа-нларининг майда-чуйда ишлар-загида ўралаш қолмасликла-умумхалқ манфаатлари билан-илари, жаҳоншумул ҳодисаларга-рк қарамасликлари устида бош-ради.

аматургиямизнинг ривожланиш-внциясига разм солсак, унинг-қийетида гоъвий ниятини сахна-драматик ифодаланишнинг икки-логик шакли мавжудлигини кў-из. Уларнинг биринчиси,— сўз-втининг қадимий ва аънавий-ниши,— гоъий, характерларни-дир. Бундай асарлар учун ум-гоъайий-эстетик белги автор ма-қнинг ижобий ва салбий персо-лар ўртасидаги очик-ойдин ку-шаклида ифодаланишидир. Ик-иси, персонажлар қисматидаги-иятлардан, ички дард-ташвиш-ан, оғир ҳолатлардан туғилувчи-изиялар занжир орқали мақ-и ифодалаш усулидир. Ёш дра-рг ҳар икки типдаги усулда-алар ижод қилаётган авторлар-сига қиради. Тўпламдаги икки-«Интиқилганга толе ёр» ва «Но-танишгинам»,— ютуқ-камчи-ларидан қатиб назар,— ҳозирги-этилган биринчи йўл асосида-илган.

Интиқилганга толе ёр»да ахлит фа-

була-воқеа чизиги бор. Лекин иж-обий қахрамонларнинг салбий персо-нажлар билан тўқнашуви бадий таъ-сирли чиқмайди ва драмани кескин-лаштирмайди. Характерлар тўқна-шувиини сахнавийлик талабларига мувофиқ кучайтириш, унинг лафоси бўлган драматизмининг таъминлаш йў-лидан изчил бормаслик таъсирчан-ликни сусайтиради.

Автор «Нотаниш танишгинам» драматизмда бу темада илгари ёзил-ган асарлар орасида ўзига хос хусу-сиятлари билан ажралиб турадиган, оригинал ва ҳаётий образлар ярата олмаган. Бунинг бош сабаби: у дав-римизнинг муҳим ижтимоий ҳодиса-си — Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши билан ёшларнинг шахсий ҳаётлари-ни, улар тақдирини рўй берган во-қеаларни бир нуқтада бирлаштириб турадиган ҳаётий негизин бадий ёр-қини таъсирлаб беролмаганлигида-дир. Дурдонанинг уйдан Мирза-чўлга қочиб бориши ва у ерда иш-лаши ҳаётий ҳодисалар негизида ишонарли талқин этилмайди. Унинг эри Сайфулганин Дурдонани чўл-дан олиб келиш йўлидаги уриниш-лари, тўқнашувлари тор доирада ке-чади. Комсомоллар сардори Нодир ва Сайфулга ўртасидаги тўқнашу-влар бутун асарга, персонажлар та-қдирига таъсир кўрсатадиган даража-да муҳим эмас. Пьесада драматик-конфликт муайян эстетик қиймат-касб этмаган, яъни автор драматур-гиянинг классик шаклини моҳирона-қўллаш олмаган. Тўғри, Сайфулга-устаси фаранг, кабобпаз, хўранда-лар ҳақида хиёнат қилувчи, олий маълумотли бўлатуриб бундай йўлга-қандай қилиб кириб қолганлиги маъ-лум эмас. Лекин бу асар охирида-автор маҳоратидан далолат берувчи-бир эпизодни тилга олиб ўтиш за-рур: Дурдона билан Нодир Мирза-чўлнинг бугунги чиройига божиб-завқланишади, фахрланишади. Шу-фонда Мирзачўл харитаси олдида-хаёлга чўмган ҳолатда доҳиймиз-Владимир Ильич Ленин пайдо бў-лади. Автор услубига хос бу сурурли-кўриниш асарнинг ўзига яраша, таъ-сирчан апофеозига — тантанавор ва-салмоқли ахунига айланган. Афсу-ски, бу таъсирчан кўриниш — асар-да олға сурилган мақсад билан уй-ғунлашиб кетмайди ва ўзинча, мустақил-бўлиб қолади. Бу ҳам автор мақсад-ини характерлар тўқнашувига асо-сланган драматик шаклда ёритишдан-кўра, турмуш ҳодисаларини лиро-роман-тик кўринишларда ифодалашга-мойиллигини билдиради.

«Инсонликка номзод» пьесасида-студент Башар Улуғ Ватан уруши-инвалидининг соатини тортиб олаётган-у безорига қарш ташланади, ҳатто-ёш жонини қурбон қилади. Лекин,-афсуски, автор Башарнинг инсоний-ва олжаноб сифатларини драматик

ҳаракатда бевосита кўрсатиш ўрнига-уларни район ижроия комитети ра-вис Алиевнинг сўзлари, мақтовлари-орқали таъсирлайди, холос. Аммо-Алиевнинг ўзи турли ҳодисалар, я-хши-ёмон кишилар билан бўлган му-лоқатда анча жонланади. Хусусан,-унинг бозор директори билан тўқна-шувлари драматизмдан холи эмас.-Бироқ асарни ахлит олиб қараганда,-тавсифийлик босиб тушади, оқибат-да характерлар очилмай қолади. Ма-салан, Башарнинг хотини, Алиевнинг-секретари Фароғат асар бошида чет-эл кийим-кечаги дарагини эшитса,-ўзини томдан ташлашга тайёр аёл-сифатида гавделанади. Шунинг учун-у, ҳаромхўр, суюқоёқ Азимнинг до-мига илинади. Лекин Фароғат эри-ўлғач, тўстатдан олжаноб одамга-айланиб қолади. Азимдан ўзини-олиб қочади, унинг берган пулла-рини сочиб ташлайди, бу ҳаракат-ларининг сабаблари асосли ва таъ-сирли кўрсатилмаган, унинг психоло-гиясидаги ўзгаришлар, силжишлар-боиси ёритилмаган, зеро, улар ки-шини ишонтирмайди ва образ асар-нинг бошларида тўғдирган антипатия-таъсирини босиб кета олмайди. Бар-ча образлар фаолиятининг бош ма-салага — чинакам инсонийликни-уллувоқли линияга узвий боғланмас-лиги эса пьесанинг композициясини-тарқоқ қилиб қўйган, драматизми-ни таъминлаш имкониятини чекла-ган.

Инсон характери, унинг психоло-гияси ижтимоий ҳодисалар маҳсули-сифатида таҳлил ва талқин этилиши-керак. Бу социалистик реализм ме-тоди талабларидан бири. Шу сабаб-ли шахс ҳаётини кўрсатишда, унинг-хатти-ҳаракатларини ифодалаб бе-риш ҳамда турмушда тугган ўрнини-белгилашда масаланинг ижтимоий-жиҳатини ёритиш ҳал этувчи аҳа-миятга эга.

Максим Каримов «Ун саккиз ёш-лигим» пьесасида автор услубидаги-ўзига ҳослик — символ-шартли об-раз-персонажларга мурожаат этиш,-характернинг ижтимоий ва шахсий-томонларини қамрашдаги ютуқ ва-нуқсонлар бўртиб туради. Аслида-автор услубига хос сахнавий-шартли-хусусиятлар ва роман-тик бўёқлар-нинг мўл-қўллиги, уларнинг дадил-қўлленгани М. Каримов пьесаларини-драматик қиссалар тарзида эмас,-лирик драмалар сифатида талқин-этиш учун асос беради. Урни келган-да шунини ҳам айтиш зарурики, ус-лубдаги изланишлар ҳамма вақт ҳам-бош масалани таъсирчан ифодалаш-нинг ҳал этувчи омли бўлолмайди.-Бунда асар марказига қўйилган гоъ-вий ниятнинг салмоғи ва уни таъ-сирчан ифодалай билиш санъати ҳал-қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бино-барин, доҳиймиз В. И. Ленин сўз-санъатининг бутун моҳияти шахс

психологиясини, характерини анализ-қилишдадир, деб ўқиргани эди.

«Ун саккиз ёшлигим»да сюжет-марказига турмуш чорраҳасида-адашган студент қиз Муҳаббат қис-мати қўйилади. У никоҳ кечаси ишчи-Равшан билан қолади. Аммо йигит-армия хизматида чақирилган, Муҳаб-бат инженер Акрам билан топишади.-Акрамнинг шахсиятпарастлиги, та-каббурлиги аён бўлган, қиз ундан-айниб, яна Равшанга талпини. Бу-муносабатлар мактуб ва ундаги во-қеаларни эслаш, сахна эпизодлари-ни кинокадрлардек тез-тез алмаш-тириш, юракка мурожаат қилиш во-ситаларида сахнага олиб чиқилади.

Агар асарда ички олами, дунёқа-раши гоълда тор бўлган Акрам ха-рактерини иллатларининг ижтимоий-негизи очилса, юз берган тўқнашу-влар асар охирида эмас, балки илг-арироқ сюжет қатига олиб кирилса,-асарнинг таъсирчанлиги янада ортар-эди. Пьесада драматизмининг юзага-келитуруви, характерларда коллиз-иялар ҳосил қилувчи тўқнашу-влар, зиддиятчи ўринлар йўқ. Буни автор-романтик руҳдаги қўшиқлар ваэига «Билдиримасликка интилади. Бе-рибдириш шунда ҳам характерлар-фаолиятини, улар хатти-ҳаракати негиз-ини кўрсатувчи муҳит шунчаки бир-фон тарзида, парда ортида кўри-ниши туйғайли образлар мантқиқ саёз-лашади, китобхон қониқмайди.

Буюк сахна усталари Немирович-Данченко ва К. Станиславский, улуғ-Чехов асарларида ички ҳаракат —-драматизм манбаи мўлдиллиги, пьесаларинидаги лиризмга бой ўринлар-айни хусусиятларни янада чуқурла-штирувини, натижада характерларнинг-эрқин, кучли, йирик, демаки, ҳаётий-бўлиши учун имконият кенгайти-ниш уқтирган эди. Бундай иккоий юту-ққа, биринчидан, характерлар тўқна-шувлари асосида юзага келувчи ин-соний драмаларни изчил, моҳирона-ифодалаш йўли билан, иккинчидан,-характерлар қалбида, психологияси-да содир бўладиган коллизиялар-занжирини (Чехов пьесаларига хос-эстетик принциплар) ёрқин ифода-лаб бериш йўли билан эришиш му-кин. Ҳар икки типологик шаклда-ҳам лиризм, гарчи унда драматик-элемент мавжуд бўлса-да, драма-тизм учун кўмакчи эстетик хусусия-тларга айланиши зарур. Бинобарин,-характерларнинг сахнаюб ва ёрқин-чи-зида ўзига хос эстетик аънава-ларни муносиб давом эттириш ва-ривожлантириш даркор. Сирасини-эйтганда, автор ана шу аънавалар-ва ижодий изланишлар йўлига да-дил тушиб олган. Эндликда у ўз ма-ҳоратини тинимсиз ошира бориш-орқали томошабинлар қалбини тўл-қилантирадиган асарлар яратиш-имкониятига эришади.

Катта тантана

Бугун ошхонада катта тантана,
Йигилган хўранда гул тутиб яна —
Бош ошпазни роса қилишар табрик...
— Нима иш қилибди Ошпаз ибратлик?—

Бир чол шеригидан сўради ҳайрон:
Туғилган кунми ё байрам бирон?
— Бе, байрам ҳам эмас, туғилган ой — қиш,
Бугун котлетга у гўшт солган эмиш...

1981

Икки бошлиқ

Икки бошлиқ бир кун мажлис пайтида
Гаплашиб қолишди у ёқ-бу ёқдан...
Бир ҳасрат билан «ёниб» айтиди-да.
— Бир ходимим бор денг... олдим қаёқдан,
Ўзи уddaбурро, яхши ишлайди.
Аммо ишлаб юриб айтади қўшиқ...
— Менда-чи...— Иккинчи бошин қашлайди,—
Ҳеч ишламай туриб айтади қўшиқ!

1981



Телефон будкада

ҲАЗИЛ

Телефон будкаси. Гаплашар аёл...
Бир йигит кутмоқда, сабрсиз хиёл,
Аёл гапирмоқда... тугамас гапи,
Нари-бери юрар йигит шер каби.

Ҳамон гапиреди аёл будкада.
— Жон опа, бес энди бўлди, эй, ҳа-да!
— Сақкизинчи мартадам қўймайсизми?
— Бугун тўққизинчи, ҳеч тўймайсизми?

Ҳамон гапиреди аёл будкада,
Бошлаган гапини ўтган суткада.

1981

Эҳ, болакай!

Бекатда турардим автобус кутиб,
Енимга келди-да сигарет тутиб —
Митти бир болакай:— Борми спичкангиз?
Тутатиб олишга рухсат этсангиз?
Хафа бўлиб кетдим.

— Эҳ, бола, болакай,

(Сўзимга жиддийлик бердим-да атай),
— Мушдек бошдан чексанг, уят эмасми,
Даданг сигарети — бир сўз демасми?
— Бу дадамникимас, чекади синглим,
— Вожаб?!— лол қолди тилим.

1981

Сами Абдуқаҳҳор 60 ёшга тўлди. У бир қанча ҳажвий тўпламлар, масаллар, қиссаю таржималар, фелетонлари билан китобхоналарга таниш. Ҳиёя ва қиссаларида ҳаётдаги муҳим масалалар қаламга олинади. Сами Абдуқаҳҳор ҳажвий киножур-

нал — «Наштар»нинг муҳарриридир. Киножурналнинг гоявий-бадий савиясини кўтаришда унинг хизматлари катта. Талантли ҳажвичи ёзувчи олтимш ёшини чин юракдан муборакбод этиб, унга янада катта ижодий парвозлар тилаймиз.

Раис ва қалдирғоч

Хонада ўтирган колхоз раиси,
Бирдан тўхтаб қолди ҳисоб-китобдан.
Кутилмаган бундай ҳолнинг боиси:
Бир қалдирғоч учиб кирди бехосдан.

Вижир-вижир қилиб жажжи қалдирғоч,
Икки-уч айланди хонани бўйлаб.
Анқайган раисни ҳайрон қолдирғач,
Яна учиб кетди қўшигин куйлаб.

Раис ўзин отиб дераза томон,
Тўхтади кўчада чоллардан бирин.
(Ўтиб борар эди юз ёшли Омон),
Ундан сўрай кетди бу ҳолнинг сири.

Мўйсафид тўхтади. Жилмайди бир дам,
Раисга тикилди. Сўради тақрор:
— Сирими? Тайёрлик кўравер, бўтам,
Демак, юртимизга қиряпти баҳор!..

1981

Бўларкан-у...

ФЕЛЕТОН

Бир сомсахонада одамлар гавжум,
Сомсапаз йигитнинг тиними йўқ зум...
Биров учта деса, биров бешта дер,
Олиб пуфлаб-пуфлаб иссиқ сомса ер...
Ҳаваси келди-да, Эшматовой Полвон,
Бир йўла ўн сомса буюрди шу он.
Биттасин еб туриб чимрилди қоши,
Учинчисин бошлаб эгилди боши...
— Тавба, бу қандай гап! Қаранглар, мана,
Туппа-тузук сомса, ҳа, бўларкан-а!

Сомсапаз югуриб келди айвонга,
Жазаваси қўзиб турган Полвонга
Сўз қотди:— Тинчликми? Нима гап ўзи!
Янгради Полвоннинг асабий сўзи:
— Нима гап бўларди, уйимда жанжал,
Хотинимга деса: «Сомса қил!» ҳар гал,
«Гўшт келтиринг!» дейди. Бўлмасмиш гўштсиз,
Мана, бўларкан-у... Сотяпсиз-у сиз!
Сомсапаз лол эди, боқарди қайга,
Ўзи ўхшаб қолди бир замбил лойга...

1981

Хўжакентдаги
сақкиз юз ёшли
машҳур арчабобо.

В. ТАРАН фотоси



Дашидоржийн НАЦАГДОРЖ

Менинг Ватаним

Менга гоят азизсан, эй қадрдон,
Гўзал юртим, жонажон Мўғулистон.

Қиш ойлари бу ерни қоплайди қор билан муз,
Музликлар — биллур ойна, чўлда бўрон увиллар.
Езда эса бекиёс гўзалликлар очар юз,
Хуш бўй тараб очилар қип-қизил, алвон гуллар.
Менга гоят азизсан, эй қадрдон,
Гўзал юртим, жонажон Мўғулистон.

Хингандан Олтойгача чўзилиб ётар, мана
Мўғулистон аталган қадрдон, қутлуғ тупроқ.
Халқи аҳиллик билан қучди зафар, тантана,
Қувшдай нур сочади бошимизда ол байроқ!
Менга гоят азизсан, эй қадрдон,
Гўзал юртим, жонажон Мўғулистон.

Биз ўз йўлимиз билан тинчлик сари борамиз,
Биз халқ ҳокимиятин қурамыз ва сақлаймиз..
Босиб келган душманин ўз қонига қорамиз,
Қудратли зарба билан янчамиз, мажақлаймиз.
Менга гоят азизсан, эй қадрдон,
Гўзал юртим, жонажон Мўғулистон.

Таниш куйлар жаранглар, тилимга ҳурматим зўр,
Она ер сенга боқиб, тўпқинлиниб кетаман.
Янги, соф тонларингдан кўксимга тўлур гурур,
Ватаним, мен сен учун яшаб, ижод этаман!
Менга гоят азизсан, эй қадрдон,
Гўзал юртим, жонажон Мўғулистон.

Яшил майса-ўтларни аста тебратар шамол,
Баъзан кўзларни алдар уфқда оққан сароб.
Бироқ жасур кишилар асло бўлмайдилар лол,
Йўлбарс юрмас йўллардан борарлар этиб шитоб.
Менга гоят азизсан, эй қадрдон,
Гўзал юртим, жонажон Мўғулистон.

Бу ернинг яйловида ўтлаётган подалар
Йил бўйи ҳеч билмайди озуқа танқислигин,
Бу ернинг тупроғи ҳам жуда қулай ҳайдалар,
Бирдан кўклаб кетади бунда ҳар қандай экин!
Менга гоят азизсан, эй қадрдон,
Гўзал юртим, жонажон Мўғулистон.

Бу тош ёнбағирларда ухлаб ётар беозор,
Абадий уйқу билан бизнинг азиз аждодлар.
Мўғул халқим азалдан ном чиқарган чорвадор —
Яйловларда ўтлашар сурув-сурув қўй, отлар.

Дамдинцоогийн СОДНОМДОРЖ

Глобус ёнидаги уйлар

Ҳаёт бу, кураш бу, эзулик, малол,
Шодлик ва қайғудан уюшган борлик.

Бир жойда жунжикар совуқдан инсон,
Бир ёнда баданин ёндирар офтоб.
Мана бу ерларда эркин яшар жон,
Бу ён—қуллик ҳамон, хонумон хароб.

Бу ён—очлик хануз, бу ёнда—кураш,
У тараф—инсоннинг қиммати... эссиз.
Гарчанд аҳволимиз ҳар хил, лек туташ,
Ягона тақдирли Инсоният биз.

Жаҳон йўқсиллари, бир савға қалқинг!
Мардона бу дёваат ёймоқда қанот.
Тоғлар, океанлар ошароқ, балчиқ
Бу гоё касб этиб бормоқда ҳаёт...

Жуманиёз ЖАББОРОВ
таржималари

нтей, Хангай ва Саян — камалакдай эгилган,
сак тоғлар чўққисин қуршамаш яшил тайга.
нэн, Шарга ва Номин — сиз қалбга нақш этилган,
д боқамиз тепалар, адрлару шўх сойга!
Менга гоят азизсан, эй қадрдон,
Гўзал юртим, жонажон Мўғулистон.

рингда қанча-қанча тиниқ, мусаффо дарё,
з қанчадан-қанча ҳаворанг кўлларинг бор.
ларидан ичганда инсон топади шифо,
ргин кўзга нур берар, ҳорғин дилларга мадор.
Менга гоят азизсан, эй қадрдон,
Гўзал юртим, жонажон Мўғулистон.

сон билан Селенга қирғоқларга урилар,
ларингда бекинмиш ҳеч туганмас неча кон.
ним шаҳарлар шони дилга яқин туюлар,
ни янграгиб келар узоқ эллардан карвон.
Менга гоят азизсан, эй қадрдон,
Гўзал юртим, жонажон Мўғулистон.

ниш йўлдан борамиз майсазорлар бағрига,
вал халхасс! тупроғи ҳумор этар дилларин.
зирама Гобидан Хангайгача барини
ш бармоқдай биламиз, ўтганмиз бу йўлларин.
Менга гоят азизсан, эй қадрдон,
Гўзал юртим, жонажон Мўғулистон.

1 Халхасслар — Мўғулистон Халқ республика-
сининг туб халқлари.

чанд кулбам оддий, эмасдир сарой,
да мужассамдир буткул ер шари.
ридан қитъалар олган тўкис жой,
қаду бепоён тўрт уммон — бари.

бус айланар, ҳар айланганда
имдан ўтар кўп сарҳаду диёр.

инг мовий кўкси, кенг манглайда
на бир рангларнинг товланиши бор.

бу жилоларнинг ҳар тури — бир халқ,
б бир мамлакатга аталмиш бир ранг.
з ўнгимда жануб, ғарбу шимол,
шарқ,
нгизлар, дарёлар йўлига қаранг.

бус айланар, бу қудрат рамаи,
кўп юк ортган паҳлавон ҳаммол.
на бу томони — Америка расми,
иё шаклида бошқа ранг — тисмол.

Тарих фанлари кандидати, сек-
тор мудирин Асомиддин Урин-
боев (уртада), тарих фанлари
кандидатлари, секторнинг ил-
мий ходимлари — Раъно Жали-
лова (чапдан ўнга), Бория
Ваҳובה. Анда Вильданова,
Дилором Юсупова ва бошқалар
биргалида Шарқ қўлвизмалари-
нинг фан тармоғи бўйича қи-
линадиган ишларин муҳоама
этнодалар.

Н. ШАРИПОВ фотоси



ЗУХАЛ ҲАЛҚАСИ ВА ЯНГИ КУЗАТИШЛАР

Бепоев самовотда сарғиш тусда милтиллаб кўринадиган улкан Сатурн (Зухал) сайёраси Ерга рўпара келган маҳалларда энг йирик ва ёрқин юлдуз сифатида порлаб туради. Гоҳо эса, унинг ёруғлиги деярли сезилмайдиган даражада бўлади. Ерданги кузатувчини ҳайрон қолдирадиган бундай ўзгаришлар аслида Сатурннинг ҳар хил пайтда турли қирралари билан кўринувчи доирасимон ҳалқаси туфайли юз беради.

Мазкур сайёра атрофида доирасимон ҳалқа мавжудлигини биринчи марта Галилео Галилей кузатган эди. Шундан бери салкам 400 йил вақт ўтиб кетди. Сайёра атрофидаги доирасимон ҳалқанинг пайдо бўлиши ва хусусиятлари ҳақида кўпдан-кўп таҳминлар айtilди.

Ҳозирги пайтда ҳукм сураётган ва классик йўналиш деб ном олган назарияга кўра, Сатурн сайёрасининг доирасимон ҳалқаси алоҳида қаттиқ ва ниҳоятда йирик қотишмалардан таркиб топандир; бу қотишмалар ниҳоятда зич тошлардан ёки музликлардан иборатдир. 1979 йил сентябрда ва 1980 йил ноябрда Сатурн сайёрасига йўналтирилган космик


аппаратларни учуриш пайтида олимлар томонидан олинган суратлар доирасимон ҳалқанинг тузилиш хоссалари хусусида қатор янгиликларни юзага чиқарди. Сайёра атрофида аввалдан маълум бўлган А, В ва С ҳалқаларидан ташқари F деб номланган яна бир ингичка ҳалқа топилди. Бундан ташқари ҳар бир ҳалқанинг мураккаб тузилишига эга эканлиги аниқланди. Чунончи, янги суратларда умумий марказга эга бўлган ҳамда бир-бирига тиркалиб турган оқ ва қора айланалар рўй-рост кўринадилар.

Мазкур фотосуратлар ёрдамида кўлга киритилган маълумотлар эндиликда классик назария доирасига сизма қолди. Янги илмий фаразга кўра, сайёра атрофидаги доиранинг ҳар бир ёрқин чизиги фақат битта қаттиқ жисмдан, масалан, Сатурннинг кичик бир йўлдошидан таркиб топандир. Бундай жисмларнинг устки қатламидан молекулалар ёки ту-нунсимон майда зарралардан иборат йирикроқ қотишмалар муттасил равишда отилиб туради. «Тўтаб турадиган» жисмининг чўзиқ эгати ҳалқанинг қора қисмини ташкил этади.

турадиган» жисмининг майда зарраларидан ҳалқа таркиб топиши учун («тутун» оқими фақат жисм атрофида айланаётган пайтда) устки қатламдан отилиб чиқётган зарраларнинг тезлиги «тутаётган» яронинг ўз орбитасидаги ҳаракати тезлигидан бирмунча паст бўлиши мазмулигини кўрсатади. Мавжуд маълумотлар эса, шу ҳолатни тасдиқлаётти.

Сатурн сайёрасининг доирасимон ҳалқасида «тутаб турадиган» асосий жисмларнинг сони тахминан 1000 тага яқинлашади — олимлар ёрқин фотосуратлар ёрдамида умумий марказга эга бўлган худди шунча ҳалқа борлигини аниқладилар. Ҳалқаларнинг ҳар хил зичлиқда эканлигини (улар орасида ниҳоятда ёруғлари ҳам, хира кўринишдагилари ҳам бор) вақти билан «тутун» илмининг емирилишидан, лекин бундай кезде ҳам ҳалқа чизиги (ҳатто қийшайиш ҳолатида ҳам) муттасил давом этишидан деб тушуномқ лозим. Зарраларнинг орбитада айлиниш мuddати чегаралангандир. Кичик зарралар ҳам, йирик зарралар ҳам охири-оқибатда пастлашиб боришлари ва Сатурн атмосферасига ўтишлари лозим. Улар сайёра атмосферасига ўтган, куйиб кетадилар. Шундай пайтда сайёранинг тунги ярим шарида экватор устидаги бир неча километрли минтақада хирагина милтиллаб турган чизикни кузатиш мумкин.

Тавсия этилаётган янги илмий фараз Сатурннинг доирасимон ҳалқаси қай сабабдан Ердан юбориладиган радиосигналларни яхши эса эттиришини ҳам тушунириб беради. Классик назария эса, буни тушунириш оламасди. Агар майда зарралардан



иборат «тутун»нинг кимёвий таркибини кометалар моддасига яқин деб тасаввур этсак, унинг таркибида темир, кобальт, никель сингари элементлар ҳам бор бўлиши керак. Бошқача айтганда, айрим майда зарралар магнит ҳоссага эга моддалардан иборат бўлиши мумкин. Ана шундай зарралар эса, локаторлар орқали юборилган сигналларни қайтарди.

«Кометалар» фарази яқин орада Юпитер сайёрасининг ҳам аралаш моддаларидан иборат доирасимон ҳалқаси хоссаларини тушунириб беришга кўмаклашиши шубҳасиз. Юпитерда бундай ҳалқа мавжудлиги эса, 1979 йил мартда тадқиқ этилган эди.

В. ДАВИДОВ



ОЛИЖАНОБ ДАРВИШЛАР


Кўпчиликлари маълум бўлган ва «дарвишсифат» деб ном олган қисқичбақалар тасаввур қилганимиздек куруқликда эмас, асосан сувда яшайди. Уларнинг бошқа қисқичбақалардан фарқи шундаки, «дарвишсифат»лар ўзларининг юмшоқ қоринчаларини бош-кўрак қосалари остида эмас, шилликқуртлардан бўшаб қолган чиганоқлар ичда сақлайдилар. Шу сабабдан уларнинг таналари ёйиқ эмас, чўзиқроқ бўлади ва дарё қисқичбақалари танасини эслашади.

«Дарвишсифат»ларнинг анча-мунча галати хусусиятлари бор. Масалан, уларнинг айримлари ўзларини душманлардан қўшимча кўриқлаш мақсадида чиганоқлар ичда куйдирувчи актиния моддасини олиб юрадилар. Актиния улар томонидан зарра-зарралаб истеъмол қилинади. Шунанга «дарвишсифат»лар ҳам борки, улар учун чиганоқ ҳам зарур эмас. Улар актиния моддасини тўп-

па-тўғри елкаларига қўйиб олганча денгиз остида бемалол сайр этиб юраверадилар.


Дарвоқе, «дарвишсифат»лар ҳаётидаги энг қизиқ ҳолат уларнинг бир-бири билан бошпана алмаштиришидир. Денгиз қисқичбақалари, маълумки, умр бўйи ўсиб борадилар. Шу сабабли бошпана масаласи доимо уларни ташвишлантириб туради. Сув остида бўшаб қолган чиганоқлар кўпроқ учраса-ку, яхши, аммо ҳар вақт шундай бўлавермайди-да. («Дарвишсифат»лар ҳеч маҳал тирик шилликқуртга ҳужум қилмайдилар, бошпанани зўрлик билан гортиб олишга уринмайдилар.) Бордию бошпана танқислиги рўй берса, «дарвишсифат» қисқичбақа ўз қариндошларига мурожаат этади. Мабодо биронтасининг чиганоғи каттароқ бўлса, уни алмаштириш учун нариги «дарвишсифат»дан изн сўрайди. Бу нарса чиганоқларни оддийгине «тўқ-тўқ» этиб уриш билан амалга оширилади. Агар шериги розилик билдирса, бунисининг қисқичига эркалагансимо секингина уриб қўяди-да, чиганоғини бўшатиб беради. Розилик билдирмаган тақдирда чиганоққа маҳкамроқ тикилиб олади ёки жаҳли чиққан кайфиятда туради. Чиганоғи уриб қўйиш сигнали ҳар турли қисқичбақада ҳар хил бўлади.

Бошпана алмаштирилган тақдирда иккала шерик ҳам афзалликка эришади. Уларнинг бири ўз бўй-бастига мос уй-жойга эга бўлади, иккинчиси эса, ўзи учун кенг ва оғир бўлган бошпанани кўтариб юришдан қутулади. Флорида қиргоқларида «дарвишсифат» қисқичбақаларнинг учта тури яшайдиган жой бор. Уларни кузатган биологлар, бу жониворларнинг икки тури бир-бирининг «тилия»га тушунмайди, деган хулосага келдилар. Уларнинг бир тури бошпанасини алмаштириш учун ўз чиганоғини шерик бўладиган қисқичбақанинг чиганоғига тез-тез уриб қўяди. Иккинчи турнинг вақили эса, чиганоғини урмайди, бир-икки бор қимирлатиб қўяди. Бу билан у гўё, қани тайёр-



Чиганоққа кириб олган «дарвиш».

Бабақхўроз ва унинг невараси.



А. АБАЛЯН фототўдди

[«Наука и жизнь»дан]

ИРРИГАЦИЯМИЗ ҚОМУСИ



Яқинда «Фан» нашриёти «Ўзбекистон ирригацияси» — тўрт жилдан иборат катта китобни нашрдан чиқарди. У қамраб олинган масала ва муаммолар кўлами, баён этиш йўлининг оригиналлиги ва ихчамлиги жиҳатидан ҳамда ҳамжи нуқтаи назардан ирригациямиз қомусидир.

мухим воқеа ва биринчи тажриба, десак бўлади. Бундай қувончли воқеа ўзининг чуқур тарихий ва объектив иқтисодий ҳамда социал асослари билан изоҳланади. Зотан, Ўзбекистонда суғориладиган деҳқончилик, сув иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш борасида олиб борилган ишлар энг узоқ тарихга ва бой тажрибага эга. Айна вақтда Ўзбекистонимиз ирригация объекта-

жи бўлган ҳам юқори даражадаги ўлкадир.

«Ўзбекистон ирригацияси»ни яратишда унинг ташкилий комитети муҳим роль ўйнади. Ташкилий комитет составида Иттифоқимиздаги кўзга кўринган сув ҳўжалиги мутахассисларидан А. Н. Аскочинский, В. В. Пославский, М. Я. Буреш, Г. А. Габриельянц, И. Х. Жўрабеков, Д. К. Терситский, С. М. Мамарасулов ва бошқалар иштирок этдилар. Асарни баён этиш жараёнида мураккаб ҳисобланган илмий-ташкилий ва координация ишларини Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги С. К. Зиёдуллаев раҳбарлигидаги республика Ишлаб чиқариш кучларини ўрганувчи илмий кенгаш ходимлари олиб бордилар. УзССР Фанлар академиясининг Президенти, академик О. С. Содиков мазкур қомуснинг бош муҳарриридир.

«Ўзбекистон ирригацияси» тўрт жилдан, умумий ҳажми 246 босма листдан иборат бўлиб, унга қомус мазмунини бойитувчи 2400 га яқин ҳар хил кўргазмалли материаллар, шу жумладан 294 харита, 1100 дан зиёд объектларнинг расм-суратлари, 800 дан ортқ сув иншоотларининг лойиҳа ва ён кўринишлари, 150 та ҳар хил графикалар ва бошқа чизмалар илова қилинган. Айнқса, рес-

геоморфология, тупроқ, иқлим, ирригация ва мелиорация хариталарида, сув ҳавзалари ва мазмурий областлар миқёсида тузилган харита, схема ва чизмаларда қимматли илмий далиллар, тарихий факт ва рақамлар мужассамлашган.

1975 йилда «Ўзбекистон ирригацияси»нинг кетма-кет икки жилди босмадан чиқди. Унинг биринчи жилди Ўзбекистон ишлаб чиқариш кучлари комплексида ирригациянинг тутган ўрни ва тараққиётига бағишланди. Бу жилдин босмага тайёрлашда Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзолари К. Н. Бедринцев ва Б. Д. Коржавинлар масъул муҳаррирлик қилдилар. Бу китобнинг биринчи қисмида Ўзбекистон табиати ва ҳўжалигининг асосий ва энг муҳим томонлари ирригациянинг ривожланиш нуқтаи назари орқали характерлаб берилган. Иккинчи қисмида ирригациянинг тараққиётига алоҳида ўрин ажратилган. Унда суғориш тармоқларининг тадрижи — қадимги аҳволи, колониал даврдаги ҳолати ва совет ҳокимияти йилларидаги равнақи батафсил ҳикоя қилинади. Учинчи қисмида эса Ўзбекистонда сув ҳўжалиги, унинг структураси, моддий-техник базаси ва эксплуатация қилиш усуллари ёритилган. Бу борадаги илмий

ҲАМЗА САФДОШИ



волюцион шеърлар ёзди, кўнгилли бўлиб разведкачи ва оддий гвардиячи сифатида босмачиларга қарши курашди. Абдулла Авлонийнинг Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент шаҳар Советининг аъзоси, Эски шаҳар комитетининг раиси ёки Афғонистонда совет элчихонасининг бош консули, «Иштирокию» газетасининг бош муҳаррири бўлганлиги унинг мамлакатимизда социалистик революция ғалабаси учун фидокорона меҳнат қилганлигидан далолат беради. Уша вақтдаёқ жонажон партиямиз ва халқимиз Ҳамза Ҳакимзодага «Ўзбекистон халқ шоири», Абдулла Авлонийга эса «Ўзбекистон халқ маорифи зарбдори» деган юксак унвон берди.

Ҳамза ва Авлоний ижодидаги гоаяни-бадий ҳамоҳанглик устида сўз бораётган экан, баъзи мисолларга мурожаат этайлик:

- Эй!.. Токайгача гафлат ичра ётамиз!
Келинг, ёшлар, жаҳолатни отамиз.
(1914 йил)
- Кўнни оч, ёронлар, бизлар ҳам инсон-ку?
Мана, бизнинг миллатнинг аҳволидур — ушбу!
(1914 йил)
- Яша, яша, яша, миллат, заковатинг!
Саодатинг сени илм иладур, кекурма замон.
(1916 йил)
- Эй миллати нажиб, чиқ эмди ниқобдин,
Уйғон, тур эмди, бир хабар ол офтобдин.
Етмоқ замони кечди, бу дам иш замонидур.
- Чиқди; кўёшни кўр, қора зулмат саҳобдин!
Барча ишчилар, тезда бирлашинг,
Қўлга-қўл бериб, бирга иррашнинг.
Шонли хуррият — Туркистониники!
Шонли Туркистон — ишлагониники!
(1919 йил)

УЗБЕК совет маданияти тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган кўп қиррали ижодкор Абдулла Авлоний асарларидан ташкил толган «Тошкент тонги»¹ номли тўплам китобхоналарга тортиқ қилинди. Тўпламга Абдулла Авлонийнинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафаси ва Октябрдан кейинги биринчи ўн йилликлар даврида яратилган асарлари киритилган.

Маълумки, ўзбек адабиётшунослигида худди шу давр адабиётини атрафлича ўрганишга эҳтибж сезилмоқда. Янги, совет адабиётини яратувчилар тўғрисида сўзлаганда, Ҳамза Ҳакимзода Нивзий ва Садриддин

Айнидан ташқари яна бир-икки ижодкорнинг номини тилга олиш билан кифояланамиз. Тўғри, кейинги ўн йилликда Сўфизода, Фақирий, Баёний, Сафо Муғанний, Боту, Элбек, Шоқир Сулеймон, Абдулҳамид Мажидий қаби бир қанча шоир, ёзувчилар адабий мероси маълум даражада ижодий ўрганилди, кўпларининг асарларидан намуналар эълон қилинди. Абдулла Авлоний ҳам шулар сирасига киради.

Шу ўринда айтиш мумкинки, мазкур ёзувчилар ижодини теран илмий таҳлилга тортиш, уларнинг адабий жараёнининг жонланишига ва умуман, ўзбек совет адабиётининг ривожига қўшган ҳиссаларини муайянлаштиришга ҳам эҳтибж сезилмоқда. Зеро, бу давр ўзбек адабиёти гоят ранг-баранг, мураккаб ва бой.

Янги адабиёт — революцион ўзбек адабиётининг туғилиши ва камол топишида Ҳамзининг кўплаб сафдош-

лари, жумладан Абдулла Авлоний ижоди ҳам катта аҳамият касб этди. Китобхон «Тошкент тонги» китобига адабиётшунос Беғали Қосимов томонидан ёзилган сўз боши билан танишгач, Абдулла Авлоний ҳар жиҳатдан Ҳамза Ҳакимзода Нивзийнинг сафдоши, маслақдошидир, деган ҳулосага келиши мумкин. Уларнинг ҳаёти, тарихий ҳоли ва ёзган асарларининг жанр жиҳатидан хилма-хиллиги, айниқса, гоёсқ, мақсад ва идеаллари бир-бирига яқин, муштаракдир. Абдулла Авлоний газета, журналлар ташкил қилган, мактаблар очган, шу воситада ўзи дарс-ликлар ёзиб халқни маърифатли қилишга ва ҳаётга, адолатли тузумга эришиш мумкинлиги гоёсини олға сурган эди. Драмтруппалар тузиб, унга пьесалар ёзди, ўзи режиссёр бўлди, таржималар қилди. Улуғ Октябрнинг биринчи кунларидан бошлаб уни бор овози билан қўтлаб, ре-

Ушбу йилнинг таъминоти алоҳида эътибор берилган. Китоб сўғинида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригаторлар ҳамда йирик мутахассисларнинг рўйхати ва суратлари илова қилинган.

Маъзур қомуснинг иккинчи жилда Сирдарё ҳавзасидаги ирригация системаларининг ҳозирги аҳоли ва ривожланиш истиқболлари баъишланган. Бу жилдининг маъсул муҳаррирлари Ленин мукофоти лауреатлари Э. М. Беньяминович ва Д. К. Терситскийлардир. Ишнинг биринчи қисмида Сирдарё ҳавзасида ирригациянинг аҳоли ва ривожланиш истиқболи тўғрисида атрофлича фикр юритилди. Кейинги қисмларида эса Фарғона водийси, Мирзачўл ва Тошкент воҳаларидаги суғорилган ишларининг тарқиқоти ва келажати батафсил ёритилган. Бу борада қадимги воҳалар билан янги ўзлаштирилган районлардаги ирригация ва мелiorация системаларининг қиссий харақтеристикаси жуда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади. Айниқса, қишлоқ ҳўжалик экинларидаги суғорилган режимда ҳамда сув ресурсларидан унумли фойдаланиш масалаларига катта ўрин берилган.

«Ўзбекистон ирригациясининг учинчи жилди 1979 йилда босмадан чиқди. Унга Ўзбекистон Фанлар ака-

д. Р. А. Алимов ва республикада хизмат кўрсатган ирригатор В. Н. Қодиров маъсул муҳаррирлик қилдилар. Китоб Амударё ҳавзасидаги ирригация системаларининг ҳозирги аҳоли ва ривожланиш истиқболининг баънига бағишланади. Учинчи жилдада 850 га яқин ҳар хил кўргазмалли материаллар илова этилган. Унинг биринчи қисмида Амударё ҳавзасида суғориш ишларининг бориши ва келажати баён қилинади, сув, ер, гидроэнергетика ресурсларидан комплекс ва унумли фойдаланиш муамолари хусусида тўхталиб ўтилади. Кейинги қисмларида Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Хоразм областлари ва Қоракалпоғистон автоном республикасининг табиати, ҳўжалиги, ирригация ва суғориш ишларининг бориши ҳамда тарқиқот истиқболлари ҳақида батафсил фикр юритилган. Айниқса, Қарши, Сурхон-Шеробод ва Жиззах чўллари комплекс ўзлаштириш масалаларига бағишланган материаллар китобхонларга кўпданқўп қизиқарли маълумотлар беради.

Яқинда босмадан чиққан тўртинчи жилдада эса ирригация ва мелiorация иншоотларини қуришда фан ва техника ютуқлари ҳамда Ўзбекистон сув ҳўжалиги системасини эксплуатация қилиш масалалари кўтари-

лади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор В. А. Дуҳовний китобнинг маъсул муҳарриридир. Тўртинчи жилда беш қисм ва 34 бобдан иборат бўлиб, унга 450 дан ортиқроқ кўргазмалли материаллар ва чиμαлар илова қилинган. Биринчи қисмда республика сув ресурслари ва улардан унумли фойдаланиш йўллари ҳақида сўз боради. Китобнинг қолган қисмларида Ўзбекистон сув омборлари, тўғонлари, насос станциялари ва бошқа сув иншоотлари хусусида ҳар томонлама ва кенг харақтеристика берилади. Ер бойлиқларидан комплекс фойдаланиш ва уларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш масаласи ҳозирги замон фан ва техника ютуқлари билан узилиб боғлаб қилинган. Сув манбаларини жиловлаш, бошқариш иншоотлари лойиҳаларини ҳар тарафлама яхшилаш, қурилиш ишларини индустриал асосда ташкил этиш ва тақомиллаштириш, ирригация, суғориш ишларида автоматика ҳамда телемеханика ютуқларидан янада кенроқ фойдаланиш каби бир қатор ақтуал масалалар борасида кенг фикр юритилди. Айни вақтда сув ҳўжалиги, ирригация, мелiorация ва янги ерларни суғориш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ва лойиҳаларига умумий яқун ясалгани тўғрисида, набатдаги янги муаммо ва масала-

лар бўйича ениклиниб, уларнинг илмий ечимларининг иқтисодий ва социал аҳамияти ҳам анча чуқур баён қилинган.

Дарҳақиқат, «Ўзбекистон ирригацияси» кўнгина олимлар, сув ва қишлоқ ҳўжалик мутахассисларининг узоқ йиллар мобайнида қунт ва чидаман билан ҳамжихатликда олиб борган бетиним меҳнатларининг қувончли самараси, республикаимиз фан ва маданиятини бойитишчи ноқдор асар, республика ирригациясининг қомусидир. Бинобарин, унда фақат ирригация оид эмас, балки республика сув ҳўжалигининг кўп соҳалари ҳамда халқ ҳўжалигининг у билан боғлиқ бўлган бошқа барча тармоқлар бўйича ҳам қимматли материаллар жамланган. Унда олим ҳам, илмий ходим ҳам, инженер-ирригатор ҳам, студент, суви, ишчи, колхозчи ҳам, қолверса, республика ҳаёти билан қизиқувчи ҳар бир ўқувчи ҳам ўзига яраша фойдали маълумот топа олади. Шу сабабли унинг беқисс аҳамиятини эътиборга олиб, ирригациямиз қомусини ўзбек тилига таржима қилиш, уни баъзи маълумотлар билан янада бойитиш, кенг ўқувчилар оmmasига етказиш қомусчи олимларимиз олдида турган набатдаги ваъифадир.

Асомиддин САЙДОВ,
география фанлари кандидати

Бундай мисралар моҳиятдан, руҳан ҳамда шеърининг эслатмадими? Бу мушарақатини улар яшаган давр тўғрисида. Ҳамза, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Суғизода каби шоирлар ижоди ўша давр ўзбек поэзиясидаги бош услубий йўналишни белгилаш учун хизмат этади. Уларнинг поэзиясида революцион романтика бош фазилят эди.

Абдулла Авлонийнинг Октябрь революциясидан аввал ёзган — ўнинчи йиллардаги шеърлари сиёсий ўткир, гоъий чуқур ва бадиий етук асарлардир. Уларда Ватан туйғуси, халқчилик туйғуси кучли. Агар у дастлаб маҳолатдан, ғам, зулмдан маърифат орқалигина қутулиш мумкин, деб ўйлаган бўлса ва «тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё мамот: ё нежот ё ҳалокат: ё сеодат ё фалокат масаласидир» («Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» китобидан), деган бўлса, кейинчалик у бу мақсадга қураш, революция орқали эришиш мумкин, деган фикрга келди. 1915 йилда ёзган «Рўё» шеърда шоир «Жаҳон юзини босиб қирмизи қизил тўфон» келатганини тасаввур қилди! Бир йил аввал ёзган бошқа бир шеърда «Иқтилоб бўлмак табиий ҳар замоннинг охири» деган умидни билдиради.

«Инсон дунёга емак-ичмак учун келмайду. Ҳақ йўлда ишламак, ҳақиқатни юзага чиқармак учун келаду», дейди у. Бу айни чоқда Абдулла Авлонийнинг юрагидан эзгу дард эди. Бу асарининг ёзилган йили у қадар аниқ эмас. Асар муълифи унга 1923 йил, деб имзо чекина. Бегали Қосимов эса бу асар 1917 йилдан аввал ёзилган, деган фикрини айтади. Ҳар ҳолда асарнинг қачон ёзилгани ҳақидаги ғалпа аниқлик киритиш керакка ўхшайди. Аммо Абдулла Авлонийнинг «Аҳволи оламдан бир намуна» (1912 йил) шеърда унинг халқни аниқ мақсад — идеал учун фаол курашишга чақирганини кишини ҳайратда қолдиради. У ўз таржимаси ҳолида: «1905 йилги иқтилоб ҳаракати таъсири натижасида сиёсий маслк ва мақсадларга тушуна ва ўргана бордим», дейди. Аб-

дулла Авлоний 1907 йилдан бошлаб қатор газеталар ташкил этиб, уларга муҳаррирлик қилди. Булар Абдулла Авлонийнинг сиёсий онгини ўстирмадан қўймак эди, албатта. У ишчилар синфининг мақсад ва идеалларини, унинг йўлбошич партияси борлигини англаб етгандай туюлади. Юқорида номи тилга олинган шеърда шундай мисралар бор:

Замоннинг одағидур илмсиз
инсонларни ютмак,
Абас бир гоъсия дунёи дундан
яхшилик ютмак,
Керак бир маслаку бир гоъ у идёлни
тутмак.
Виза бир йўлни ушлаб нури мақсуда
бориб етмак,
Сабоват гавхарини лойи валиқидин
халос етмак,
Вудур мақсуд бизларга салафлар
ортидан кетмак.
...Етар ҳижронлик эмди, тарк лозим
хобн гафлагни,
Қадам қўймак, курашмак ахтариб
нури ҳидоятни,
Замон тўфонидан қутқорғали авлоди
милатини...

Абдулла Авлонийнинг рус тилини билиши, рус адабиётдан Крилов масалларини таржима қилиши, халқни рус маданияти, турмуш тарзидан ўрнак олишга даъват этиши, унинг Россиядаги аҳволдан яқиндан хабардор эканлигини билдириб туради. «Ўз турмушимиздан» шеърда шоир Туркмушининг Россияга қўшилганига эллиқ йил бўлса ҳам: «Билмайкин рус лисонини кўзимиз мўлдири-мўлдири. Кимга: «Ўғлингни ўқут русча», деданг ёқмайса. «Русча билса бузи-лур», дер, важи булдири-булдири», дейди. Бу фикрини насрий асарларида ҳам олға суради. Абдулла Авлонийнинг шеърини ва бошқа асарларига рус-интернационал суларининг табиий равишда кириб бориши ҳам бежиз эмас (идёл, Европа, кўнка, фабрика, рестуран, банк, кор, самовар, опера, трамвай, мино(вино)) — булар Октябрдан аввалги шеърлари-

да қўлланилган). Унинг Улуғ Октябрь революцияси кунлари ёзган иқтилобий шеърлари шоирнинг шундай улуғ тарихий ўзгаршининг мақсади-идеалини, моҳиятини тезда пайкаб олиш ва чуқур ҳис этиш учун руҳан тайёр эканлигини тасдиқлайди. Шу ўринда сўз боши авторининг «Унинг педагогик фаолияти, тазлим-тарбия ҳақидаги фикрлари 1905—1917 йилларда янги босқичга кўтарилган маърифатпарварликнинг муҳим хусусиятларини белгилашда катта аҳамият касб этса, шеърини ўзбек революцион поэзиясининг пайдо бўлиши ва тақомили, бугунги социалистик адабиётнинг илк сарнамаларини аниқлашда муҳим ва қимматли материаллар бера олади», деган тўғри фикри, позициясини қувватлаймиш. Бинобарин, Абдулла Авлоний шеърларидаги сиёсий ўткирлик, революцион романтика, ёрқин партиявий руҳ, халқчилик ўзбек поэзиясида социалистик реализм принципларининг тўғрилишини кўрсатишда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қила олади.

Абдулла Авлонийнинг ўзбек адабиётинидаги турли жанрларнинг ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси — новаторлиги ҳам чуқур тадқиқотни талаб қилади. Унинг революцион шеърлари, маршлари, қўшиқлари, масаллари, пьесалари, трагедиялари, публицистик мақолалари, адабий ва сиёсий таржимонлик фаолияти алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Зеро, у «Коммунистик партия манифестини», Л. Толстой, Крилов асарларини, озарбойжон ва форс-тожик адабиётдан намуналарини таржима қилган эди. «Тошкент тонги» тўпламига Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мақтаб гулистон» деган дарсликлардан олинган намуналари ҳам киритилган, «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари эса тўла ҳолида эълон қилинган. Бу асарлар, айниқса, «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари гоъий мазмунининг чуқурлиги ва фалсафий теранлиги Абдулла Авлонийга нисбатан киши этиқодини янада оширади. У мана шу асари билан

ҳам ўзбек маданияти тарихидан ўзига муносиб ўрин эгаллаши мумкин эди. Сабаби, сўзбошида таъкидланганидек, Абдулла Авлоний «анъанавий ахлоқ муаммоларини замонавий муҳим, дардли масалалари билан боғлади. Инсон ва Замонга, борлиқ ва тафаккурга, ахлоқ ва тарбияга ўз муносабатини билдиришда даврининг илгор қарашларига таянди. Бу асар маҳнакатх инсонга меҳр-муҳаббат ҳисси, унинг оғир тақдирига юракдан қунониш ва ачиниш, уни бахтиёр қилишга чин дилдан интилиш ва кўмаклашиш ҳамда ёмонлик, адолатсизлик, зулм ва барча қабилчиликларга нисбатан ўткир нафрат туйғуси билан ёзилган.

Хуллас, Абдулла Авлонийнинг адабиётшунос Бегали Қосимов тўплаб нашрга тайёрлаган «Тошкент тонги» мажмуаси маъдани ҳаётимиздаги муҳим ҳодисалардан бири дейишга аранулиш мумкин. Тўғри, бу тўпламга унинг бой, ранг-баранг ижодий меросининг бир қисми — ярмидан озоғи киритилган, ҳолос. Яъни, бу аjoyиб ижодкор ҳаёти ва ижодий йўлини янада чуқурроқ ўрганиш, унинг ижодини мукамалроқ тарзда нашр этиш адабиётшунослигимиз олдида турган ваъифалардандир.

Назаримизда, унинг ижодини адабий ҳаёт, адабий жарағанга узайи боғлиқ ҳолда талқин қилинса яхши бўлур эди. Ана шунда Абдулла Авлонийнинг ўзбек совет адабиёти, педагогика ва эстетика фанларига қўшган ҳиссасини тўла баҳолаш имконияти туғилур эди. Умид қиламизки, иқтидорли олимларимиз, шу жулмадан адабиётшунос Бегали Қосимов ҳам Абдулла Авлоний ва унинг замондошлари ижодини ўрганиш соҳасида олиб бораётган илмий тадқиқотларини яна давом эттирадилар ва бизларни янги қашфиётлар билан хушнуд қиладилар.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори



ги муҳим тажрибалари мамлакатимизнинг бошқа районларида ҳам қўлланилмоқда.

ПЭКРЕН ГОРИ

Корея Халқ Демократик Республикасида диққатга сазовор жойлар кўп. Улар орасида, айниқса Пэкрен горининг ўрни бўлакча. Горинг биринчи хонасидаги баҳайбат қоятошнинг «табиий ҳайкал намунаси» деб атайдилар. Олти миллион йил давомида табиат сайқал берган мазкур қоятош мамонт қиёфасида қад қўтариб турибди. Ер ости салтанати ҳам ана шу ердан бошланади. Горининг Окрио деб аталган хонаси ўз гўзаллиги ва нафосати билан дилларини ром этади. Бу ерда деворларнинг ёриқларидан сизиб чиқаётган минглаб жилғачалар бирлашиб, осма қоятошларгача кўтариллади-да, еллуғичсимон шаллоа шаклига кириб шиддат билан пастга отилади. Қуйида эса «Тошгул» қасри бўлиб, бунда баҳор чечаклари ҳолида қотган тошгуллар кўзини қамаштиради. «Кўршапалак» горида ҳақиқатан бу хил эст эмизувчиларнинг беш хил тури яшайди. «Қанотли аждаҳо» деб аталган кўл эса горининг шишадай силлиқ шифтида минг бир рангда жилпояланади. Табиат яратган мўъжизавий Пэкрен гори зиёратчиларда унутилмас таассурот қолдирмоқда.

ОГОҲЛАНТИРУВЧИ СОАТ

Югославиядаги Дубровник шаҳри марказида ўрнатилган соатлар ҳар соатда икки бора бонг уради. Биринчи марта улар шаҳардаги барча соатлар билан бир вақтда, иккинчи бор уч минутдан сўнг — доим кечикиб юрадиганларни огоҳлантириб бонг уради.

ЧЕКИШНИНГ ГЎЗАЛИККА ТАЪСИРИ

Чекувчи аёлларнинг чеҳрасига тез ажин тушади, чунки никотин туйфайли юз териси тортишиб, ўз табиийлигини йўқотаяди. Қалқонсимон безлар никотиндан тез заҳарлангани учун чекувчи аёлда бўқоқ касали аломатлари пайдо бўлади. Бу ҳам, ўз навбатида, ташқи қиёфага салбий

таъсирини аввал кенгайтиради, сўнг горидайрада, чеккишга ўта ружу қўйган кишиларда эса ана шу қон томирлари бора-бора дағаллашиб мўртлашади. Кўпгина аёллар семир-риб кетишдан чўчиб, чекишдан воз кечмайдилар. Тўғри, бу иллатдан дастлаб халос бўлган кишининг вазин орта боради, чунки шу қайфият, иштакча, таъм ва ҳидга сезгирлик кучаяди. Лекин чекишни ташлаганлар учун семириш вақтинча ҳолат эканлигини ҳам унутмаслик керак.

АФРИКАДА ҚАНЧА ФИЛ БОР?

Сўнгги ҳисоб-китоблар Африка қитъасидаги филларнинг сони 1 миллион 300 мингга эканини тасдиқлайди. Осиё мамлакатларида 6 вавоий ҳолда яшайдиган иккинчи турга мансуб филлар сонининг бир неча ўн мингдан ошмаслиги ҳисобга олинса, гўё Африка қитъасида аҳоли ахшига ўтшаб туюлишини мумкин. Аслида ундай эмас. Қитъадаги филлар яшайдиган 33 мамлакатдан 18 тасида бу жониворларнинг кескин камайиб кетаётганини қайд этилмоқда.

Бундан бир неча ой муқаддам Зимбабве шаҳрида бўлиб ўтган махсус конференцияда зоологлар шу аср сўнггида филларнинг ер юзидан йўқолиб кетиш хавфи борлигини ташвишланиб айтдилар. Фил суяги ишқибозларнинг йирткичларга қиргин келтириши оқибатида бу йирки ҳайвонлар сони тобора камайиб бораёттир. Ававаллари инсон қадами етмаган кенгликларнинг эндиликда ўзлаштирилётгани ҳам фил жониворларининг бемалол яшашига ҳалякит бераёттир.

Зоолог олимлар Африка филлари учун алоҳида қўриқоналар ажратиш билан бирга, уларни асраш ва ўғри овчиларни йўқотиш ҳақида қонун чиқариш зарурлигини таъкидламоқдалар.

ФАРРОШДАН ЧИҚҚАН АРБОБ

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида кўпдан бери ўз хизмати орқали одамлар ҳолатини чиқариб юрган Дора Костер деган аёл вақт ўтиши билан касбини ўзгартиришга қарор қилди. У, ёзувчи бўлгани, деган аҳд билан китоб ёзди. Доранинг бирин-

Часми, кўча аёлларнинг ахлоқи, тубан аёлларнинг ҳаёти ва тақдир, уларга «раҳнамоли» қилган кишиларнинг ҳийла-найранглариини ўқиш бу мамлакатдаги китобхонларнинг дидига мос бўлиб тушди. Ана шу воқеалар асар асосида ишланган кўп серияли телевизион фильмда ҳам акс этди. Фильминин суратга олишда Костернинг ўзини консультант сифатида иштирок этди.

Ҳозир Дора Костер янги китоб устида ишлапти. Кўпгина нашриётлар унинг янги ёзилаётган асарини алақачон сотиб олдилар. Шундай қилиб, кечги фаррош бугун мамлакатда машҳур кишига айланди. Дора Костер янги кунларда ўз шаҳрининг маҳаллий ҳукумати идорасига сайланиш учун номзодини қўймоқчи бўлиб юрпти.

СЎНГГИ ЛУҚМА

Бу воқеа Португалиянинг жанубий қирғоғидаги Троя деган манзилда юз берди. Ҳаваскор блякчи Жозе Ногейра қармоғига ўлжа илинганидан гоътаде севиниб, қармоқ ипини тишлаб, илгакани балиқдан сўғириб олишга уринди. Шу пайт илон балиғи тушмагур билангалянича Жозе Ногейранинг оғзига кириб кетди ва томоғига тиқилиб қолди. Ҳаваскор блякчи сўнгги луқмасини ютолмай ҳалок бўлди.

ҒАЛАТИ РЕКОРДЛАР

Рекордлар ҳам ҳар хил бўлади. Ғарб мамлакатларида ном чиқариш учун қилинадиган айрим ишлар ўзининг антиқалиги ва бемаънилиги билан кишиларни ҳайрон қолдиради. Мана, ўшанақа рекордлардан бирини шитинг:

Ғарбий Германияда чиқадиغان «Штерн» журналининг хабар беришича, Кристиан Патцг деган кимса велосипедда тескари ўтириб олиб, 54 километр йўлни босиб ўтган. Бу «рекордсмен» шунча масофани ўтиш давомида тинимсиз равишда сирлика чалиб борган. Отто Ванц деган кимса эса, телефон китобларини тез йиритиш бўйича ўзини «ихтисослаштирипти». Буни қарангки, у 3 минуту 36 секундда саккизта справочникни йиритиб тамоллади.

Бундай бемаъни рекордлар ҳам капиталистик жамиятнинг ахлоқи ҳақида тасаввур беради.

Китоблар оламида

«ОЛТИН ҚУМ»НИНГ МОСКВА НАШРИ

Ёзувчи Саъдулла Кароматов кўпдан бери ўз асарлари билан кенг китобхонлар орасида маълум ва машҳур. Унинг замондошларимизнинг қайноқ ҳаётини акс эттирувчи ўнлаб очерклари, ҳикоялари, «Бир

томчи қон», «Тоғ гўзали», «Ҳижрон», «Йўллар тоққа туташади» номли қиссалари ўз вақтида кўп сонли китобхонларнинг, танқидчи-адабиётшуносларнинг диққат-эътиборига сазовор бўлди.



Саъдулла Кароматов ўз қаламини роман жанрида ҳам синаб кўрди. «Олтин қум» романи носирининг биринчи йирки насрий полотноси сифатида майдонга келди. Роман китоб ҳолида 1980 йил бошларида ўзбек китобхонларига тўхфа қилинган эди. 1981 йилда эса ўзбек ёзувчининг мазкур романи Москвадаги «Советский писатель» нашриётида рус тилида нашр этилди ва адабиёт ихлосмандлари ҳукмига ҳавола қилинди.

Китобхонларимизга кўпдан бери маълумки, замондошларимизнинг кўп қиррала ҳаётини, меҳнатдаги шижоатини акс эттириш, уларнинг ўй-фикрларини, соф туйғуларини тасвирлаш ёзувчи Саъдулла Кароматовнинг бош мақсадидир. Ёзувчи ўзининг «Олтин қум» романида ҳам ўзининг ана шу аъёнасига содиқ бўлиб қолди.

Романинг бош қаҳрамони Шерали Алиев — йирки олим, геология фанининг таниқли арбобларидан бири. У китобхон кўз олдига ўз соҳасининг, касбининг тиниб-тинчимас жонкуяри сифатида гадаланади. Фанга бир неча ихтиролар тақдим этган Шерали Алиев ўз илмий қа-

рашларини принципиаллики билан ҳимоя қилади.

Бироқ Шерали Алиев ўз ҳаётида кўп қийинчиликларни бошидан кечирди. Болалигидаги, студентлик йилларидаги қийинчиликлар, Сабозул билан унинг ўртасидаги муҳаббат илларининг чигаллашиб кетиши туйфайли Шералининг шахсий ҳаётидан афсус ва ғуссалар ҳам ўрин олган... Асар якунида Шерали билан Сабозул қайта учрашадилар. Гарчи ёшлари бир жойга бориб қолган бўлса ҳам, гўё навқирон ёшдаги ошиқ-маъшуклардек дардлашадилар. Автор улар қалбини ёшлик эхтироси, муҳаббат тўлкинлари тарк этмаганини самимий тарзда ифодалаб беради. Улар бир умрга хайрлашадилар, шунда Шерали Алиев руҳида ҳануз Сабозул муҳаббати алангалини турганлигини яна бир марта ҳис қилади.

«Олтин қум» романининг Москва нашри қиройли муқовада, бежирим безаклар билан чоп этилган. Асар ёзувчи Юрий Карасевнинг эркин таржумасида, 30 минг нусxada босиб чиқарилган.

Ҳ. ОҚИЛОВ

ТЕЛЕГРАММА

ҲАЖВИЯ

Васила эндигина институтдан келиб, тушлик қилаётган эди, почтальон келиб, кўлига телеграмма тутқазиб кетди. «Васила, 10 сентябрь кеч соат ўн олтига телефон орқали гаплашишга чақираман. Отанг Темур».

— Вой-й, дадам! — Василанинг юраги қиндан чиқаёди. Қувончдан кичириб юборганини сезмай қолди. Телеграммадаги сўнги сўзларни қайта ўқиди: отанг Темур!

Васила яна телеграммага тикилди: «Телефон орқали гаплашишга чақираман». Қизиқ, нимани гаплашаркинлар-а мен билан? Балки, тузилган куним ёдларига тушиб қолгандир? Нахотки! Шу пайтгача у дадасидан

на байрамларда, на туғилган кунда икки оғиз илиқ сўз эшитган эди. Балки... Балки, уйга қайтиш ниятлари бордир!..»

Васила ўз фикридан ҳам қувониб, ҳам чўчиб кетди. «Лекин шунча пайтдан бери келмай, энди...»

Васила оёқ-қўли бўйлашиб, стулга чўкди. Совиб қолган чойини кўлга олди. Шоша-пиша қилган қўймоғи шундоқ қолди. Кейин ўриндан туриб, телеграммани буқлаб, аясининг столига қўйди. Кейин у ердан ҳам олиб, ўзининг дархонасидаги столи тортмасига яширди.

У хонадан чиқатуриб, бўйи бераб кўзгуга қараб қолди. Яқинроқ

ёши худди шабнамдек титраб, қуюқ қошлари чимирилган: тиниқ юзидан қон қочган эди. «Ози-кўзинг худди даданга ўхшайди, лекин... қалбинг, қалбинг ўхшамасин, қизим!» деган эди аяси. Васила ўшанда ўн бир, ўн икки ёшларда эди. Бора-бора бу ҳақда кўп ўйлайдиган бўлиб қолди.

Васила яқинда дугонаси Гулнора-нинг тўйига бориб не ҳолга тушганини эслади. Ана, Гулнорани кийин-тириб, ҳовлига олиб тушдилар. Кимдир: «Отасини чақиринглар, оқ фоти-ха берсинлар, қизларига!» деганида Василанинг оёқ-қўли титраб, боши айланиб кетгандек бўлди... Уша оқшом тўйда жонсиз суратга ўхшаб ўтирди. «Дадаси уйга қайтиши керак, қайтиши керак!.. Лекин аяси бунга кўнмайди. Албатта йўқ дейди! Ух-х!»

Хаёл билан бўлиб, у аясининг кириб келганини ҳам сезмай қолди.

— Ҳа, қизим, нима бўлди? — Мадина опа кўриб, суммасини ташлаганча Василанинг пешонасини ушлаб кўрди. — Ким хафа қилди сени-а, нега йиғляясан!

Васила аясининг бағрига бош қўйиб, уни маҳкам қучди. Кейин бошини кўтариб, ёш тўла кўзлари билан аясига қаради.

— Аяжон, менинг айтганимни қиласизми, хўп денг, аяжон, хўп денг!

— Хўп, хўп, жон қизим, йиғламагин. Олдин гевир!

— Менга дадам керак, аяжон, — у ёшли кўзлари билан аясига тикилиб сўзларди. — Енимизда дадам бўлишини истайман! Уйимиз тўлиб туришини истайман! — Васила шовшиб ичкари кирди, телеграммани олиб чиқиб, аясига узатди.

Мадина опанинг қўллари титраб кетди. Тез-тез киприк қоқиб, бир зум ҳарфларни кўрмай тикилиб қолди. Кейин ўқиди. Бирдан ўзгариб, ҳафсаласизлик билан қозонни қайтиб берди.

— Гаплашгани чақирибди-да! — деди.

Васила бу гапдан ёниб кетай деди. — Ҳа, аяжон, сиз ҳақингизда гаплашгани мени чақирганлар. Нима десалар ҳам рози бўлавераман, аяжон! Мендан хафа бўлмаг!

— Аввал бор, гаплаш... — деди Мадина опа бўғиқ товушда

— Сиз ҳам бирга боринг!

— Йўқ, ўзинг боравер! — Мадина опа хонасига кириб кетди.

Шу кунни она-бола тоғ отгунча ухловмай чиқиди.

«Қизганим-ей, — деб ўйларди Ма-

сен билмайсан-да? Мен ҳали сизга ҳеч нимани айтмаганман. Айтмайман ҳам. Сен бўлсан... Ахир, мен ҳам ёнимизда отанг бўлишини, уйимиз тўлиб туришини истамасдим!» Истардим! Жон-дилимни истардим. Лекин у... мени алдади, нопоклик қилди, мен нопок одам билан яшашни истамасдим...»

Мадина опанинг кўзлари жикқа ёшга тўлган эди.

Васила ҳам бедор. Тунининг бунчалик узоқлигини билмас экан. Аясини хафа қилиб қўйганиданим ё эртага дадасига айтдиган гаплари ҳақида ўйлабми, сира ухлай олмас эди. У минг хаёлга бориб, минг хил жавоб тўкиб, чарчаб кетди. Узица дадаси олдига бир дунё шарт қўйди.

Эртасига дорс туғагач, почтахонага борди. Худди уни дедаси кўради-гандек, аясини олган, нозик қомаги баҳорда берг ёзган ниҳолдек қиройли эди.

Ҳали орада бир соатча вақт бор. Васила почтахонадаги ҳамма ёзувларни ўқиб чиқди. Телефон кабинасида шовқин солиб, бир-бирларига меҳрибонлик билан сўзлашадиган кишилар овозига қулоқ солди. Дадасининг овози қанақа экан-а?

— Рустамова Васила, 13-кабинага! — Васила навбатчи қизнинг овозидан чўчиб кетди.

— Алло, алло, дада, бу мен, Василаман! — деди у овозининг борича ҳаяжон билан сўзларкан, — яхшимисиз? Соғлигингиз?

— Васила, яхшимисан. Ойинг қалай?

— Яхши ишлаб юрибдилар. Сизга салом айтдилар! — деб ёлгон сўзлади Васила.

— Ҳа, яхши. Васила, сен биринчи сентябрда ўн саккизга тўлдинг-а!

— Ҳа, ҳа, дадажон, эсингиздами? — деб суюниб кетди Васила трубкани маҳкам қулоғига босаркан. — Биринчи сентябрда ўн саккизга тўлдим. Биринчи сентябрда сту...

— Алло, Васила, — деб гапни шарт бўлди дадаси, — ўн саккизга тўлганинг ҳақида менга справка юбор! Сенга алимент жўнатишни тўхтатиш керак. Эшитаясанми, алло...

Бирдан Василанинг қулоғи чиппа битиб қолгандек бўлди. Қўлида телефон трубкаси эмас, совуқ бир нарса тургандек сесканиб кетди. Тили айланмай қолди. Трубкадан эса: «Справка юбор, Васила!» деган сўзлар такрор-такрор эшитиларди...



Расми А. ХОЛИҚОВ чизган

ДАҚИҚА ҒОЛИБЛАРИ

Умрининг сўнги дақиқаларини турли кишилар турлича кутиб оладилар. Сўнги соат гўёки жаллод бўлса ҳам, бари бир асл айнимайди, умри узилмайди. Гап минг йил умр кўришда эмас, балки жон таслим этатиб бўлса ҳам ибратли иш ва яхшилик қилиб, яхши ном қолдиришда. Буни умри ғолиблик дейдилар. Биз қуйида ўлим тўшағида ётган ана шундай ғолиб кишиларнинг ҳаётидаги айрим ҳодисалардан намуналар келтираемиз.

Олим ва фозил кишилар жон таслим бўлаётганда ҳам ҳаётда, фанда ўзи эришолмаган муаммолар ҳақида ўйлайди. Абул Ҳасан Али ибн Исо ал Валволи деган фақиҳ (қонушунос) ажал тўшағида ётган Абу Райҳон Бериунининг олдида кирди. Унинг ғолиблик беришича, у кирганда Бериуний жон бераётган, нафаси фарғара билан келиб, кўкраги сиқилётган экан. Ушундай ҳолда ҳам қонушунога қараб:

— Сен бир кун менга «Ал жаллод ал фосида» ҳисоби ҳақида нима деган эдинг? — деб сўрайди.

Беморнинг қийнаётганига раҳмий келиб:

— Шундай бир аҳволда-я! — дейди ҳайратланиб қонушунос.

— Менга қара, — дейди Абу Райҳон Бериуний, — мен бу дунё билан хайрлашаётиман. Уша масалани билмай кетганимдан кўра, билиб кетганим яхши эмасми?

Қонушунос ўша масалани унга тушунтириб беради, у ёдлаб олади, қайта-қайта овозини чиқариб такрорлайди. Фақиҳ уйига жўнайди. Аммо у уйига етмасдан буюк аллома хонадонидан йиги овози эшитилди.

Озарбойжоннинг машҳур шоири Саид Имомиддин Насимий ўз замонасидаги мутаассиб руҳонийларга қарата маҳфий, қақшатқич бир ҳажвий шёър ёзади. Давлат идора ишларини қўлларидега тутиб турган руҳонийлар бу шёърнинг муаллифидан қаҳрланиб, ғазабланиб, кимилгини билолмай юрадилар.

Кунларнинг бирда руҳонийлар Насимийнинг мазукур шёърини ёш бир йигит хуш оҳангда ўқиб турга-

нида кириб қоладилар ва «шёърни сен ёзгансан», деб уни тутиб олиб, ўлимга ҳукм этадилар. Йигит аслида Насимийнинг яқин дўсти бўлиб, шёърни шоирнинг ўзидан ёзиб олган экан. Насимийнинг дўсти шоирга қийнат қилишни истамай, ўлимга мардона бош эгади... Бироқ бу хабарни эшитган Насимий қози маҳкамасига бориб: «Шёърни мен ёзганман», деб иқдор бўлади ва дўстини ўлимдан қутқариб қолади.

Сукрот ҳақим ўлим тўшағида ётиб, музика чалиш машини ўрганишга киришибди. Ҳайрон бўлганларга: «Билмайини ўлгандан кўра, билиб ўлган афзал», деб жавоб берган экан.

Инглиз астрономи Жон Гершель (XIX аср) жон талвасасида ётганида, унга қараб руҳоний:

— Энди жаннатда бўласиз, ҳуру вулмонлар билан суҳбат кўрасиз, омин, — дейди.

— Ундан кўра менга осмонга учасиз, ойинг орқасини кўрасиз, деганингиз маъқул эди, — деб эътироз билдиради астроном.

Ҳаётда ўлим хавфи олдида ўзини йўқотмаган ва ҳаттоки хушчақчақлик

билан ўзини мардона тутганлар ҳам учрайди. Чунончи, Карл Маркс ўлим тўшағида ётган буюк немис шоири Генрих Гейнени кўргани келеди. Аёллар беморни қойшабда ўриндан ўринга кўчиришадиган экан. Шу вақт Марксга кўзи тушган Гейне кулимсираб:

— Қаранг, дўстим, хонимлар ҳазну мени қўлларидега кўтариб юрибдилар, — дейди.

Оршанск педагогика билим юртининг хушчақчақ ўғил-қизлари «Прогресс» колхоз полизиде картошка йиғиштираётган эдилар. Болаларнинг кўзи бирдан транспорт лентасидаги снарядга тушиб қолади. 17 ёшли Миша Мороз снарядни аста-секин кўтариб олиб, комбайн ва одамлардан нари кетади. Чуккурликка етай деганда, афуски миша портлаб кетади.

Миша касалхонада ўлим тўшағида ётганда қошга онаси Ольга Ивановна кириб келади. Миша онасига табассум билан боқади:

— Ойи, сен ташвишланма, фақат оғилм оғрияпти-да. Энди мен қандай қилиб ҳарбий хизматга бораман, — дейди маъюсланиб...

Тўловчи ЭКИРИЛЛА ЭГАМБЕРДИЕВ



ПОРАХҲУР

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери

Маҳорат мактаби

Шахмат бўйича республикамизнинг илк чемпиони устоз Азмидин Хўжаев хотирасига бағишланган дастлабки мусобақа 1972 йилги ўтказилган эди. Узбекистон шахмат федерациясининг бундай хотиравий турнирларни анъанага айлантириш тўғрисидаги таклифини республика спорт комитети маъқуллади, «Ўзбекистон физкультурчиси» газетаси голиблар учун совринлар таъсис этди. Бу турнирларнинг обрў-эътибори йилдан-йилга ортиб, Бутуниттифоқ даражасига кўтарилди. Энди ўтказилаётган турнирлар республикамизда вакиллари учунгина эмас, балки бошқа қардош республикаларнинг донгдор шахматчилари учун ҳам чинакам маҳорат мактаби бўлиб қолди.

Х аъзнавий Бутуниттифоқ турнирида СССРнинг 12 шахрдан ташриф буюрган гроссмейстер, мастерликка номзодлардан 16 шахматчи иштирок этди. Катнашчилар ўртасида кураш қанчалик қизиган ўтганини тасаввур этиш учун охири тафсилоти билан таништиримоқчимиз.

13 турдан сўнг С. Лпутян 12 имкониятдан 8, Мачульский 12 имкониятдан 7,5, Георгий Аззамов 10 имкониятдан 7 очкога эга эди.

Эртасига республика шахмат клубида кечиктирилган ўйинлар давом эттирилиб, мусобақа жадвалининг вақтинча бўш турган каттаклари тўлдирилди. Беш соат мобайнида йигирма партия тугалланмаган эди. Айниқса, Геннадий Кузьмин Мачульский билан Аззамовга қарши қандайд ўйнаши кўпроқ қизиқтирарди.

Кузьмин дастлаб Мачульский билан ўйини давом эттирди. Кечиктирилган вақтда гроссмейстернинг икки пьедестал кам эди. Аммо тахтада пьедесталдан ташқари биттадан руҳлар борлиги қоралар учун ўз устулгида фойдаланишни қийинлаштирди. Мачульсий шохни тахтанинг нариги қанотига ўтказишга уринганда гроссмейстер охириги пьедесталини ҳам қурбон бериб, рақибига яна бошқа муаммоларни ҳал этиш вазифасини юкляди. Мачульсий буни ҳам удалади: ортиқча учта пьедесталининг иккитасини бериб, шохни би-

Учинчи каттак сўрилиб қолган қора пьедэ масалани ҳал қилди. 68-йоришда Кузьмин турнир давомидиги биринчи мағлубиятини тан олди. Шундан кейин у Аззамовга қарши ўтирди. Бу партиядо ҳам мудофазаланиш Кузьминдан бўлди. Рақибининг руҳига қарши гроссмейстернинг бир оту бир пьедэси бўлиб, оқ шохнинг фаоллашишига йўл қўймади. Аззамов олди очиқ пьедэсини сурш учун руҳини кўп хоналарга юриб кўрди, натижа чиқмади. Кузьмин биттадан пьедэ алмаштиргач, устулликдан фойдаланиш янада қийинлашди. Бу ўйин тўққиз соатлик курашдан сўнг тақоран кечиктирилган бўлса-да, кейин гроссмейстер таслим бўлди.

Саккиз учрашув дуранг бўлиб, фақат иккитасида қоралар ғалабага эришди. Охириги икки тур олдидан Аззамов, Мачульсий ва Лпутян 13 имкониятдан тўққизтадан очко жамғардилар.

Х аъзнавий мусобақанинг навбатдаги 14-турда Александр Мачульсий бунчалик бўлар деб ўйламаган эди: самарқандлик ёш рақиб мастерликка номзод Тоҳир Воҳидов қоралар билан шунчалик аниқ ўйнадики, турнир пешқадамини ташвишга солиб қўйди. Бирин-кетин сипоҳлар аллашиб кетгач, Мачульсийнинг дурангга имзо чекиб, муҳим ярим очкони бой беришдан ўзга иложи қолмади. В. Козлов одессалик В. Эйнгорнин, Кузьмин С. Пинчукни, чинозлик В. Логинов Қанюмовни енгил пешқадамларга яқинлашиб олдилар. Лпутян А. Грушевскийнинг мастерликка номзод, чирчиқлик ёш шахматчи С. Загребелёний боқулик халқоро мастер Магеррамовга қарши ўйида устулликка эга бўлди-ю, лекин ютолмади. Аззамов билан Гуревич партиясини мураккаб вазиятда бўлиниб қолиб, кейин тошкентлик мастер фойдасига ҳал бўлди. 14 турдан сўнг Лпутян билан Аззамов 10 тадан, Мачульсий 9,5 очкога эга бўлиб, бошқалардан анча илгариллаб кетдилар. Бинобарин, охириги турда ҳамманинг диққат эътибори ана шу уч шахматчида бўлди. Хасинга қарши қора доналар билан ўйнаган Лпутян қалтисликка бормай, тезда битим тузди. Мачульсий билан Магеррамов учрашувини, аксинча, жуда кескин тус олди. Мачульсийнинг фақат ғалаба қаноатлангирар эди. Лекин рақиб фарзинини бериб ташаббусини ўз қўлига олди. Афсуски у ютадиган йўлларда ҳисобдан янглиши 40-юришда бой бериб қўйди. Энди ҳамма гап Аззамовнинг Воҳидов билан бўладиган ўйинида қолган эди. Нуқул ҳимоя билан чекланган пешқадам охири дурангга эришди.

Республикамиз шахмат ташкилоти ёш Тоҳир Воҳидов тимсолида келажаги порлоқ яна бир вақилга эга бўлди.

Уч ҳафталик кескин курашлар оқибатида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни Г. Аззамов С. Лпутян ва А. Мачульсий бўлиб олдилар. Гроссмейстер Г. Кузьмин бешинчи ўринда қолди. Турнирда жами 120 та

Учинчи ва амалии қимматга эгадир. Бу ўйинларни қайта-қайта таҳлил қилиш етакчи шахматчиларимиз учун ҳам, қобилияти ёшларимиз учун ҳам чинакам маҳорат мактабидир. Қуйида ўша партиядан бирини келтираемиз.

Г. Аззамов — В. Козлов
1. Кf3 Kf6 2. c4 g6 3. Кс3 Сg7 4. e4 0—0 5. d4 c5 6. d5 d6.

Томонлар эски ҳинда деб аталувчи ҳимоя усулининг мураккаб вариантларидан бирини қўллаётир.
7. h3 a6 8. a4 e6 9. Cd3 Фe7 10. 0—0 e5 11. a5 (бу фарзин қаноатда ҳам фооллик кўрсатишни кўзда тутади), 11... Kh5 12. Le1 Kf4 13. Cf1 g5 14. g3 K:h3+ 15. C:h3 C:h3. 16. K:g5 C:e8 17. Фh5 h6 18. Kf3 Kph7 19. Kh4 Фf6. 20. Ka4.

Бу юриш Ka4—b6 хавфини тугдирди. Шу билан бирга Le1—a3—f3 га йўл бўшати.

20... Kd7 21. Kf5.
Қоралар a5 ни кўриқлайман, деб f5 пунктини фили зарбасидан тўсиб қўйганлиги Аззамов учун яна бир сипоҳини муҳим хонага жойлаштириб, ҳужумни кучайтириш имконини берди.


21... Lg8 22. La3.
Оқлар ўз планини автоматик суратда амалга оширмақда. Қораларнинг ярим кучи «музлаб» қолди.

22... Cf8 23. Kh4 Фg7 24. Lf3 f6 25. Kpg2 Фg4 26. Lf5a5. 27. Кс3

Шоҳ флангидо танг қолган қоралар нариги томонда бир оз ўйинни очмоқчи—27. av Lb 8 va доказов. Бироқ оқлар иккинчи отини ҳам тахта четидан марказга олиб келмаяпти. Уларнинг ишламаган сипоҳи қолмади.

27... av 28. Lh1 Ф:h5 29. L:h5 Lb8 30. C:h6 (жунловчи зарбалар бериш пайти келди. Қора шох рақиб кучларининг зарбасига маҳжум).

30... C:h6 31. Kf5 Lg6 32. K:h6 Kf8 33. Kf5 Kpg8 34. Lh8 Kp7 35. K:d6 Kp7 36. K:c8 L:c8 37. Lh7



Қоралар таслим бўлди. Қолганини ўзингиз кўриб чиқинг.
Тахтага теринг. Оқлар: Кра5, Lс6, Cf6, Kd6, Kd8, пьедалар—f2, f5; Қоралар: Кр d5, Ke3, Kg3, пьедалар—d4, e7, f7. Шартли: оқлар бошлаб, уч юришда қора шохни мот қилади.

Ҳаёти қил устидо,
Гўё кутар уни дор.
Ваҳм босар уйда
Дейсиз, нопоп
пойдевор.

«Ох, фалончи билди-ку!»
«Писмадончи етказди!»
Наздаида суд бўлди-ю
Бор обрўни кетказди.

Атрофида мингта кўз
Унга боқиб тургандек
Оларак, ранги бўз—
Мих устидо юргандек.

Ҳазм бўлмас егани,
На ухлдамас—бетоқат.
Хотиржам, тинч ётгани
Унда йўқдир ҳаловат.

Қаёқдан ҳам урди у
Кўнғир ишга қўлини.
Боши гангир, зўр
кўркув—
Топа олмас йўлини...

Бир қалбаки ҳужжатга
Имзо чекиб «бечора».
Нафси кўзиб сўнг
катта—
Олган эди-да пора!

Топарман деб қоралар,
Тиймаганди нафсини—
Энди мўмай поралар
Юрагини поралар!

АСЛИЙ

Буқаламун одам

— Зўрсан!— деб қутладинг.
Ҳолинг эди танг...
Бахтиёр пайтимада қармоғинг солдинг,
Кўрсатмаслик учун асил башаранг,
Ишончим кўзига биқиниб олдинг.


— Зўрсан!— деб мақтадинг...
Рақибдан сени
Ҳимоя этдим мен ғазабга тўлиб.
Ғанимнинг кўксига мушт қилиб мени,
Узинг четлаб кетдинг кўрмаган бўлиб.

— Зўрсан!— деб жилмайдинг.
Дўст билиб сени
Сезмабман кулганинг киноя қилиб.
Таҳрирлар бўзига тиқиб сени мени,
Ўзини четга олдинг билмаган бўлиб.
«Зўрсан!»инг

«Зўрман!»дек
Жаранглар энди,
Зўрга кўришасан қибрга тўлиб.
Уйимга келишдан қадамнинг тинди,
Тиниқ туйғуларим шившадек синди,
Сен бўлса юрибсан ҳамон «оқ» бўлиб...

Кимлигингни ҳеч ким
Билмайди аниқ.
Қалин парда тугиб олгансан сўздан—
Ипакка ўранган пиллакурт янглиғ
Сенинг ҳам башаранг аширин кўздан.

Лекин сен юзингга ипақдан эмас,
Тутдинг буқаламун сўзлардан ниқоб.
У ниқоб ўзингга бўлсин ҳамнафас,
Кафан бўлган янглиғ аждар қирған қоп.



— Ҳақиқатан ҳам йўл «михда»
ремонт қилинибди!



— Маидаба математинадан анча
дуруст эдинг, ўзингни билмаганга солиб
нега ҳақимдан уриб қолялсан?
— Ўзингиз ҳам доим баҳо қўйиш-
да зиқналик қилардингиз, домла!



ТИНИШ
БЕЛГИЛАРИ

ҲАЖВИЯ



Расмни А. ХОЛИҚОВ чизган

Мактаб директори она тили ўқувчиси Эшматовни кабинетига чақириб:

— Маорифдан инспектор келяпти, дарсингизга кириши мумкин, болалар тилдан қалай?— деб сўради.

— Умуман ёмон эмас-у бироқ уч-тўртта ночорларни бор,— деди Эшматов чайналиб.

— Ҳаракатингизни қилиб қолинг, кейин гап-сўз бўлиб юрмасин.

Эшматов бош ликиллатиб чиқиб кетди.

Ҳақиқатан ҳам Эшматов кураторлик қилаётган 4 «в» синф ўқувчилари орасида она тили дарсидан бўшроқ болалар бор эди, улар айниқса тиниш белгилари қўйишда нўноқ эди. Нима қилиш керак!.. Эшматов ҳаёлига келган ажойиб фикрдан хурсанд бўлиб, қўлларини бир-бирига урди-да, синфга шошилди.

— Менга қаранглар! Танаффусдан кейин диктант ёзамиз. Маорифдан вакил келган. Мен Бунинг иложини топиб қўйдим. Бошқа болалардан кўнглим тўқ аммо Бўтавой, Шаҳобиддин, Бақожонлардан хавотирдаман. Улар тиниш белгилари қўйишни яхши билмайдилар. Яхшилаб ёдлаб олинглар. Мен кўзимни катта очиб тикилсам, нуқта деганим бўлади. Бурнини астагина силаб қўйсам, вергул деганим, чап кулогимни уқалаб қўйсам, сўроқ аломати, ўнг кулогимни уқаласам, ундов белгиси қўясизлар. Энгагимни силасам, абзацдан ёзилган, деганим бўлади. Тушунарлими?

— Тушундик, — дейишди номи тилга олинган ўқувчилар бир овоздан.

Ун минутлик танаффусдан кейин синфга район маориф бўлимининг

вакилини бошлаб Эшматов кириб келди.

Дарс бошланди. Ўқувчилар икки сатр ёзганларидан кейин таққа тўхтаб қолишди. Чунки Эшматов оғзини катта очиб эснаган эди, ўқувчилар муаллимнинг бу ҳаракати қанчақа белгини англатишини билмай ҳайрон бўлишди. Шу пайт ёнгиналлаб ўчиб келган бир пашша Эшматовнинг бурнига кўнди. Ўқитувчи уни ҳайдаш учун бурнига қўлини теккизган эди, ўқувчилар дафтарларига биттадан вергул қўйишди.

Эшматов сўзларни дона-дона талаффуз қилиб парталар оралиғида юра бошлади. У иккинчи қаторда ўтирган Шаҳобиддиннинг дафтарига кўз югуртирди. Ноўрин қўйилган нуқта, вергулни кўриб, ғазаби қайнади. Кўзларини олайтириб унга тикилган эди, Шаҳобиддин бошини ликиллатиб яна бир нуқта қўйди. Асабийлашган Эшматов унга иккинчи марта тикилиб, охириги сўзини қайта-қайта такрорлади. Шаҳобиддин ҳеч нима тушунмади. Шу пайт тоқати тоқ бўлган Бақожон ўрнидан турди-да:

— Кечирасиз, муаллим, чап кулогингиз сўроқ аломатиними?— деб сўради.

Эшматов ялт этиб маориф бўлимида келган вакилга қаради. Вакилнинг нигоҳи уни доводиратиб қўйди. Сир очилган эди.

Ўқув кўни охирида педагоглар совети чақирилди. Эшматовнинг роса пўстагини қоқишди. Йиғилиш давомида бояқиш муаллим дам сўроқ белгисидай эгилар, дам вергул сингари бошини эгар эди.

Норқул ҲУСАИНОВ
Қоракўл райони

Донишбек дарвоза олдида қизига хушомад қилаётган йигитнинг гапини эшитиб қолди:

— Исмнинг Сайёра экан, менинг исмим Йўлдош, яъни Спутник. Шунинг учун, жоним, атрофингизда айланавераман...

Донишбек дарвозани очиб ташқарига чиқди-да, шилқим йигитга ўшқирди:

— Менинг исмим эса Арслон, қани, тўёгингни шикиллатиб қол, Тулкибой!

Донишбек ўзини тарозиде торттирди.

— Етмиш беш киллограмм,— деди тарозибон Алдарқўса.

— Тава, бир ҳафта бурун торт-


тирганимда саксон кило келувдим, буниси қандоқ бўлди?— дея ажабланда Донишбек. Алдарқўса бир нималар деб чайналган эди, Донишбек унинг гапини бўлди:

— Э, Алдарвой, эсимга тушди. Илгари магазинда ишлаганингизда тарозидан уриб ўртангансиз-да. Ўртанган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари шу-да!..

Донишбек автобусда кетаётиб ака-са урди-да, ўзига ўзи «Саломат бўлсинлар!», деб қўйди. Шунда йўловчилардан бири кулиб:

— Бу қанақаси бўлди, долла!— деб сўраган эди, Донишбек:

— Мен ўзига-ўзи хизмат қилишга ўртанганман,— деб жавоб берди.



Почталовон: — Пенсингизни келдинг, онахон.
Уғил: — Бу оламада улуг зот нин десанг доим онам дарман...

Расмларни Н. ИБРОҶИМОВ чизган.



— Хонани музей қилиб юборибсиз-ку, ука?
— Бошлигимиз: «Ишхонанг иккинчи уйинг», деганлар.



— Даданг базадан телефон қилдилар, овқатингни еб қўйсанг, «Жигули» олиб берар эканлар.

Режиссёр қулоғида исирғаси бор Отеллони саҳнага судраб чиқади.

Отелло. Бўлмайдими, десам, бу нима қилганингни, режиссёр ақа! Мен, анавишаки йигитлар ролини ўйнасам, нозаниндик чиқарди.

Режиссёр. Жим! Элон қилиб кўйганмиз. Ниҳояти бир кўриниш. Концерт орасида амаллашсан. Ана, Дездемона келпти. Қани, бошланглар! [Кетади.]

Отелло. [Дездемонага кўзи тушиб.] Вой-буй, мунча кўпол! Бу қандай кўргилик! Вой, бу ёққа келпти! [Кетига тисарилади, дуррача тангинга бесўнақай аёл — Дездемона гурс-гурс юриб келади.]

Дездемона [дўриллаган овоз билан]. Салом, Отелло, сенмисан? Ролни яхши ёдлагингни?

Отелло [қафтлари учини бир-бирга кўйиб, буралиб, ҳимариллиб]. Кеча бошқасини бергандилар, бугун бўлса рўмолча саҳнасини ўйнайсанлар, дейишди. Режиссёримиз сен рўмолча сўраган, дедилар. Ушанга...

Дездемона. Нима! [Отелло бир сакраб тушади.] Ҳа, рўмолчани? Рўмолча қайси гўрда қолди? [Ҳўнтакларини ағдар-тўнтар қилади.] Йўқолибди.

Отелло. Вой, нега йўқолади? Ахир, юз-кўлиниги артиб юрсан деб, аямнинг катта ҳоласи берган эди-ку! [Ер тепиниб.] Топинг ҳозир рўмолчани! Топинг! Бўлмаса, манга

бўйиниғизни юмдалаб оламан, ҳам... Дездемона. Сал ўпқангни бос, битта рўмолчага шунчами? Э, ўша рўмолчангдан ўргилдим. Кошки, одамларга ўшаб, рўмолчани озодагина тугсан!

Отелло. Нима, нима? Ҳали бошқалар биздан озода бўлдимми? Жаҳлингниз чиқмасин-ку. Яго рўмолчани битта яшшамагурининг қўлида кўрибди. Топасиз дедимми, [ер тепиниб] топасиз!

Дездемона. Вой курумсоғ-ей, мана сенга пул. Ушанақа рўмолча сотиб олақол. Номига рўмолча бўлса бўлди-да, сенга. Ортганига бурчақдаги магазиндан битта «Чашма» билан уч-тўртта тузланган помидор олақол. Эҳтиёт бўл, режиссёр кўриб қолмасин тағин!

Отелло. Уфф, ғалатисиз-да! Ичиб олсам, кейинги кўринишда қандай қилиб бўғаман сизни!

Дездемона. Нима, нима? Бўғаман! [Саҳнани айлантириб қувиб қолади.] Мен сенга кўрсатиб кўяман бўғишни!

Режиссёр. [чиқиб]. Уларингдан сўз қўшманглар. Кейин Отелло Дездемонани сенсирайди. Дездемона эса аксинча, сизлайди. Давом эттиринглар [чиқади].

Отелло [аёлларга хос югуриш қилиб]. Ҳой, ростакам эмас, режиссёримиз айтгандақа ёлғондакам бўғишни айтганман. [Йиқилиб тушади.] Вой, одамни кўрқитманг.

Дездемона [тўхтаб]. Шунақа демайсизми? [Отеллони худди ёш боладек тургазади ва қўлига кўтариб олади.] Чопишни ҳам билмайдилар бизнинг Отелло. Хўш, ҳамма ёғингиз соғми?

Отелло. Қўйворинг! [Йиқилиб қўлидан тушмоқчи бўлади.] Аллақайси суягим «қисир» этиб кетди.

Дездемона. Майли, синмаган бўлса, бало ҳам урмайди. [Отелло завқ билан кулади.] Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳе, шўргинангиз курсин, сизга Отелло эмас, мушук ролини бериш керак. Ҳа-ҳа-ҳа!

Отелло [силтаниб, қўлидан тушиб]. Сенга Дездемона эмас, анави кинодаги Ялангўш ролини бериш керак [ҳиринглаб кулади]. Ана, менам ҳам эшитиб ол, бўлмаса.

Дездемона. Ҳа, айтгандай, бўғиш ҳам шу саҳнада-а?

Отелло. Ҳа-да, нима қиламиз бўғишни?

Дездемона. Яхшиси, бизларга номуносиб роль берган режиссёримизни бўғамиз!

Отелло. Юр, бўғамиз, яшшамагурни, ўлдирмасак ҳам, чала ўлик қилиб ташлаймиз [чиқадилар].

Айниддин ЗАЙНИДДИНОВ

Расмини А. ХОЛИҚОВ чизган



Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Нармон ИБРОҲИМОВ, Асқад МУХТОР, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.


«Гулистон» — ежесемасияний обществено-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; маъсул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлими — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмаҳонага туширилди: 20.12.81 й. Босишга рўхсат этилди 29.01.82 й. Р — 07042. Ҳоғоа 70x108 1/2. Вотиқ усулда босилди. Шартли босма тоб 5.6. Нашр ҳисоб тобоғи. 7.80. Тиражи 259610. Буюртма 2304. Нашр А — 110.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



«ТОШКЕНТ» КРОССВОРДИ

Бўйига: 1. Тошкентнинг эски номларидан бири. 2. Тошкентлик атоқли шоирнинг қадимий афсона асосида яратган достони. 3. Шаҳарда истиқомат қилаётган одамлар мажмуи. 4. XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод этган тошкентлик шоир ва маърифатпарвар. 5. Тошкент ва унинг атрофини сув билан татминловчи қадимги ирригация иншооти — Бўзуни душманлардан ҳимоя қилиш учун қурилган қалъа номи. 6. Осмон гўмбаз, дунё. 9. Тошкентлик ўзбек адабиёти, шоира ва драматурги. 10. Тошкент дарвозаларидан бирининг номи. 12. Боксчи ва шахматчига ўйин давомида хизмат кўрсатувчи шахс. 14. Уч қисмли ўзбек классик кўйи. 15. Шаҳардаги жой номи. 16. Шаҳарнинг марказий проспекти. 17. Қадимги маҳаллий иситиш қурилмаси. 18. Бош кийим. 22. Рус классик ёзувчиси номидидаги кўча. 24. Тошкентдаги кўҳна маъбаралардан бири. 25. Тошкент бозорларидан бирининг номи. 26. Бир туркум халқ оғанини достонлари қаҳрамони. 28. Бахтли тақдир, порлоқ келажак. 29. Тошкентлик машҳур ўзбек совет шоири ва адаби. 30. «Ҳамза» театри ўрнидаги олдинги кинотеатр номи.

Энига: 1. Тошкентнинг илк номларидан бири. 4. Қазилма бойлик чиққан жой. 6. Тошкент шаҳар районларидан бири. 7. Тошкентлик буюк адиб, ўзбек романичилигининг асосчиси. 8. Тошкент билан тенгдош улкамиздаги шаҳарлардан бири. 11. Тошкентдаги улкан комбинатлардан бири. 13. Меҳнатни умумлаштириш асосида бирлашган кишилар коллективи. 18. Янгида бузилган бозор, жой номи. 19. Вадий ва илмий ёзма ижод маҳсули. 20. Маъсуд Шайхзода достони. 21. Қадимда биноларга ганчдан шилатилган безак. 22. Эски шаҳар атрофидаги жой номи. 23. Илгарини Фурқат кўчасидаги бенаат, жой номи. 25. Тошкентдаги институтлардан бири. 27. Бурун ўйнаш учун шох ёки металлдан тайёрланган соққа. 28. Тошкентлик йирки партия арбобининг, биринчи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарининг фамилияси. 31. XIX асрнинг илмичи армияда яшаб ижод этган тошкентлик шоир, таржимон, арабшунос. 32. Дарахт тури. 33. Тошкент шаҳрига берилган сифатлардан бири.

Тузувчи М. ЭРҒАШЕВ

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Парашютчи Мастура Сайфиiddинова, (У Тошкентдаги 14-махсус хунар-техника билим юртининг 3-курс студенти.)

Н. ШАРИПОВ фотоси

Тўртинчи бет: Плакатчи рассом Фарук Қагаров актуал мавзудаги бир неча расмлари учун 1981 йили Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати бўлди. Рассомнинг иккинчи плакати («Қуролландида: чек қўйилсин!» ҳамда «Паррадабонар бўламан!») журналимизда эълон қилинмоқда. Пастда В. Кинохонинг «Дом серган!» номили плакати. (Москвадаги «Плакат» нашриётида босилган.)



«Ўзбекистонда Совет ҳокимияти учун» сериясидан.




Гулчеҳра Жўраева шеърларига ишланган безаклардан.

И. ЦИГАНОВ чизган линогравюралардан намуналар.

Шоир Бердақнинг сайланма асарларига ишланган расм.



Нодира шеърларига ишланган безаклардан.




Ойбекнинг «Қутлуг қон»
романига ишланган безак.

ПАРРАНДАВОҚАР БУЛАМАН.



Ф. КАГАРОВ. ҚУРОЛЛАНИШГА ЧЕК ҚУЙИЛСИН!



В. КОНЮХОВ, ДОИМ СЕРГАК!